

34
943

340 130.53(525.1)


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚОNUЛЛАРИ

(Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул
қилинган қонунлар)

7

203219/



ТОШКЕНТ «АДОЛАТ»
1993

Тўпловчи ва нашр учун масъул:

АБДУСАЛОМОВ М. Э.

МИРСАМАДОВ М. М.

Ўзбекистоннинг янги қонунлари: (Ўн иккинчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган қонунлар)/[Тўпловчи ва нашр учун маъсул: Абдусаломов М. Э., Мирсамадов М. М.] Сан. 7.—Т.: «Адолат», 1994.—232 б.

Новые законы Узбекистана: Принятые в одинадцатом созыве Верховного Совета Республики Узбекистан двенадцатого созыва (8—10 декабря 1992 г.) В. 7.

67. 99(2)-3

№ 1203020400—041
(04)—94 5—94

© «Адолат» нашриёти, 1994.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ТҮФРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг
1992 йил 8 декабрь**

ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 4-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi қарор
қилиди:

Конституция комиссияси тақдим этган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси тўлалигича қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8 декабрдан бошлаб амалга киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚУНИ
УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ
ТҮФРИСИДА**

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг

1992 йил 8 декабрь

ҚОНУНИ

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 5-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши қарор
қиласди:

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганини нишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун — 8 декабрь умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни деб эълон қилинсин.

8 декабрь дам олиш куни ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИНИ АМАЛГА КИРИТИШ
ТАРТИБИ ТҮФРИСИДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг

1992 йил 8 декабрь

ҚОНЫНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 6-модда)

**Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши қарор
қиласиди:**

1. 1992 йил 8 декабрга қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, давлат идоралари қабул қилган бошқа ҳужжатларниң Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид келмайдиган қисми ўз кучини сақлаб қолиши белгилаб қўйилсан.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши Олий Мажлис сайлангунга қадар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Олий Мажлисга берилган барча ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Раёсати, Ўзбекистон Республикасининг халқ депутатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги янги Қонун асосида Олий Мажлис сайлангунга қадар ўз ваколатларини сақлаб қоладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий назорат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисидаги Қонун қабул қилинниб, Конституциявий суд сайлангунга қадар ўз ваколатларини сақлаб қолади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳакамлик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларниң ҳакамлик судлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳўжалик судлари деб қайта ташкил этилади.

Барча бўғинлардаги ҳўжалик судларининг раислари, раис ўринбосарлари, судьялари вазифаларини улар белгиланган тартибда сайлангунга ёки тайинлангунга қадар тегишинча аввал сайлангунга ёки тайинланган ҳакамлик судларининг раислари, раис ўринбосарлари ва ҳакамлари бажарадилар.

4. Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимиятининг жойлардаги вакиллик, ижроия ва бошқарув органлари ўз ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилингунга қадар чиқарилган қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид келмайдиган қисмига асосан амалга оширадилар.

5. Судлар, прокуратура органлари ва давлатнинг бошқа органлари ўз ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилингунга қадар чиқарилган қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид келмайдиган қисмига асосан амалга оширадилар.

Вилоятлар, шаҳарлар ва туманиларнинг янги судьялари Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган Конституциясида белгиланган тартибига асосан тайинланадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати Ўзбекистон Республикаси қонунларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлаштиришга доир ишларни ташкил этиш тартибини белгиласин. Конституцияда назарда тутилган барча қонунлар келгуси икки йилдан кечиктирмай қабул қилиниши керак. Олий Кенгаш Раёсати 1993 йил мобайнида Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрласин ва уни умумхалқ муҳокамасига киритсан.

7. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мөхнат қонунлари кодексининг 77-моддаси «1 сентябрь — Мустақиллик куни» деган сўзлардан кейин «8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 1978 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни) 1992 йил 8 декабрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

ҲОКИМИЯТНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ
ИДОРАЛАРИНИ ҚУРИҚЛАШ ТҮФРИСИДА
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
1992 йил 9 декабрь

ҚОNUНИ

(Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 9-модда)

Давлат ҳокимиятининг конституциявий асослари бувилмаслигига асосланиб ҳамда халқ қонуний тарзда сайлаб қўйган ҳокимият идораларига қарши қаратилган фаолиятга йўл қўйиб бўлмайди деб ҳисоблаб, Узбекистон Республикаси Олий Қенгashi қарор қилиади:

I. Узбекистон Республикаси Конституциясида, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида ҳамда улар асосида қабул қилинган қонунларда белгилаб берилган ҳокимият конституциявий идораларининг ваколатларини ўзлаштиришга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳокимият конституциявий идораларининг фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ёхуд Узбекистон Республикаси Конституциясида ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида кўзда тутилган тартибдан фарқли ўлароқ тарзда ҳокимият тузилмаларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ҳамда қонунга биноан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Ҳокимият конституциявий идораларининг ваколатларини ўзлаштириб олган идоралар Узбекистон Республикаси Олий Қенгashi, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Қенгashi, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Қенгашлари томонидан тарқатиб юборилиши лозим.

II. Ҳокимиятнинг конституциявий идораларини қўриқлашни кучайтириш мақсадида Узбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майдаги Қонуни билан тасдиқланган Узбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Узбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил, 6-сон, 2-модда) қуйидаги ўзgartинилар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 60- моддада:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзgartiriшга ёки Узбе-

кистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан бузишга даъват этиш»;

биринчи қисм қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга ёки ҳокимиятни қўлга олишга ёхуд ҳокимиятнинг қонуний тарзда сайлаб қўйилган ёки тайинланган вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ёнки Узбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан бузишга ошкора даъват қилиш, шунингдек бундай мазмундаги материалларни тарқатиш, —

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма ҳиссасигача бўлган миқдорида жарима солиш билан жазоланади»;

иинкинчи қисмнинг жазо белгиланган бандидаги «йигирма минг сўмгача» деган сўзлар «энг кам ойлик иш ҳақининг эллик ҳиссасигача бўлган миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 63-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«63-м о д д а. Ҳокимият конституциявий идоралариning фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиш

Ҳокимият конституциявий идораларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилишга ёки уларни Конституцияда кўзда тутилмаган мувозий ҳокимият таркиблари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек Узбекистон Республикаси Конституциясида, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисида Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашлари чиқарган қарорларни белгиланган муддатда бажармаслик, —

сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз ҳиссасигача бўлган миқдорда жарима солиш билан жазоланади».

3. Қонун русча матнидаги Maxsus қисмнинг биринчи боби сарлавҳасида «государственные преступления» деган сўзлар «преступления против государства» деган сўзлар билан, «Особо опасные государственные пре-

ступления» ҳамда **«Иные государственные преступления»** деган кичик сарлавҳалар эса **«Особо опасные преступления против государства»** ҳамда **«Иные преступления против государства»** деган кичик сарлавҳалар билан алмаштирилсин.

4. 54-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«54-м о д д а. Давлатга хиёнат қилиш

Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан давлатга хиёнат қилиш, яъни Ўзбекистон Республикаси нинг мустақиллигига, унинг ҳудудий даҳлсизлигига ёки давлат хавфсизлигига ва мудофаа қурдатига зарар етказиш мақсадида қасдан содир этилган хатти-ҳаракатлар: душман томонига ўтиш, жосуслик қилиш, чет эл давлатига давлат ёки ҳарбий сирларни ошкор қилиш, чегарадан ташқарига қочиб ўтиш ёки чет элдан **Ўзбекистон Республикасиға қайтишдан бош тортиш, Ўзбекистон Республикасиға қарши душманлик фаолиятини олиб боришда чет давлатга ёрдам бериш**, —

мол-мулкини мусодара қилган ҳолда икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки қилмасдан ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан ёки мол-мулкини мусодара қилиб, ўлимга ҳукм қилиш билан жазоланади.

И з о ҳ: Узбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти юргизиш учун чет эл разведкаси томонидан ёлланган **Ўзбекистон Республикаси** фуқароси, агарда у топширилган жиной вазифани адо этиш йўлида њеч қандай ҳаракат қилмасдан, ўзининг чет эл разведкаси билан алоқасч борлигини ихтиёрий раввишда ѕокимият идораларига маълум қилса, жиной жавобгарликдан озод этилади».

5. 55-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55-м о д д а. Жосуслик

Давлат сири ёки ҳарбий сир бўлган маълумотларни чет эл давлатига, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентларига ошкор қилиш шунингдек, бу маълумотларни уларга бериш мақсадида ўғирлаш ёки тўплаш, агарда жосуслик чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан қилинган бўлса, —

мол-мулкини мусодара қилган ҳолда икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан етти йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан ёки мол-мулкини мусодара қилиб, ўлимга ҳукм этиш билан жазоланади.

И з о х: Ўзи содир этган ҳаракатлар тўғрисида ҳокимият идораларига ихтиёрий равишда хабар қилган шахс, башарти у Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига зарар етказмаган бўлса, ёхуд унинг хабари асосида кўрилган чора-тадбирлар туфайли давлат учун зарарли оқибатлар келиб чиқишининг олди олинган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод этилади».

6. Кодекс қўйидаги мазмундаги 55¹-модда билан тўлдирилсин:

55¹-м о д д а . Ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида фитна уюштириш

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ағдариб ташлаш ва ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида фитна уюштириш,—

мол-мулкини мусодара қилган ҳолда ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлимга ҳукм этиш билан жазоланади.

И з о х: Фитнада қатнашган ва бу ҳақда ихтиёрий равишда ҳокимият идораларига хабар қилган шахс, башарти, унинг хабари асосида кўрилган чоралар туфайли фитнадан кўзланган мақсадни амалга оширишнинг олди олинган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод этилади».

7. 56-модданинг биринчи қисми қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«Давлат ҳокимиятига зарба бериш ёки уни заифлаштириш мақсадида давлат ёки жамоат арбобини ёхуд ҳокимият вакилини унинг давлат ёки жамоат фаолияти муносабати билан ўлдириш,—

мол-мулкини мусодара қилган ҳолда икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан ёки мол-мулкини мусодара қилиб, ўлимга ҳукм этиш билан жазоланади».

8. Кодекс қўйидаги мазмундаги 57¹-модда билан тўлдирилсин:

**«57¹-м о д д а. Ажнабий давлатларнинг ваколатхона-
ларига, халқаро миқёсда қўриқланан-
диган бошқа шахслар ва муассасалар-
ларга қарши жиноятлар**

Ажнабий давлат ваколатхоналарининг ёки халқаро ташкилотларнинг хизмат биноларига, уларга қарашли ёки улар ижарага олган уй-жой биноларига, шунингдек ажнабий давлатларнинг ёки халқаро ташкилотларнинг вакиллариға ҳужум қилиш, бу шахсларни улар вакил бўлган давлатларнинг ёки Узбекистон Республикаси ҳокимияти конституциявий идораларининг фоалиятига таъсир ўтказиш мақсадида тутиб гаров тариқасида ушлаб туриш,—

уч йилдан ўн йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ўшбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиш,—

уч Йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига юбориши билан жазоланади».

9. 58-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«58-м о д д а. Қўпорувчилик

Ўзбекистон Республикасини заифлаштириш мақсадида портлатиш, ўт қўйиш ёки одамларни оммавий ра-вишда қириб ташлашга, уларга тан жароҳатлари етка-зишга ёки уларнинг саломатлигига ўзгача зарар етка-зишга, корхоналарни, иншоотларни, қатнов йўллари ва воситаларини, алоқа воситаларини ёки муҳим халқ хў-жалик ёхуд мудофаа аҳамиятига молик ўзга объек-тарни вайрон қилиш ёки унга зарар етказиш мақсади-да ўзга хатти-ҳаракатлар содир этиш, шунингдек худ-ди шу мақсадларда кўпчиликни заҳарлаш ёки эпиде-мия ва эпизоотиялар тарқатиш,—

мол-мулкини мусодара қилган ҳолда икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қил-масдан саккиз йилдан ўн беш йилгача муддатга озод-ликдан маҳрум этиш билан ёки мол-мулкини мусодара қилиб, ўлимга ҳукм этиш билан жазоланади».

10. 59-модда чиқариб ташлансин.

11. 68-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«68-м о д д а. Контрабанда

Нарса-буюмларни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёки кўп миқдорда, ёхуд контрабанда билан шуғулланиш учун уюшган гуруҳ томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона чега-расидан ўтказиш, шунингдек наркотик воситаларни, таъсири кучли, заҳарли, радиоактив, портлайдиган моддалар, қурол-яроф ва ўқ-дориларни чегарадан ўтказиш, яъни (текис стволли ов қуроллари ва уларнинг ўқ-дориси бундан мустасно) контрабанда қилиш, —

мол-мулкини мусодара қилган ҳолда икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан, уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади».

12. 71-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«71-м о д д а. Сафарбарлик бўйича чақирилишдан бош тортиш

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларига сафарбарлик бўйича чақирилишдан бош тортиш,— уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини тўлдириш учун ўтказиладиган янги чақиришлардан бош тортиш уруш вақтида содир этилса,—

беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки ўлимга ҳукм этиш билан жазоланади».

13. 73- модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

73-м о д д а. Қонунсиз равишда чет элга чиқиб кетиш ва Ўзбекистон Республикасига қонунсиз кириш

Чет элга чиқиб кетиш,— Ўзбекистон Республикасига кириш ёки чегарадан ўтишда белгиланган тартибни бузиш,—

бир йилдан уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Шундай ҳаракатлар тақрор содир этилса,—

икки йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Белгиланган нусхадаги паспорти ёки Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўзда тутилган бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун рухсати бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқарола-рига бу модда жорий қилинмайди».

14. 74-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«74-м о д д а . Халқаро учиш қоидаларини бузиш

Белгиланган тартибда рухсати бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасига учиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан учиб чиқиш, рухсатномада кўрсатилган маршрутларга, қўниш жойларига, ҳаво дарвозаларига, учиш баландлигига риоя қилмаслик ёки халқаро учиш қоидаларини бошқа тарзда бузиш,—

ҳаво кемасини мусодара қилиб ёки қилмасдан, бир йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки энг кам ойлик иш ҳақининг эллик ҳиссасигача бўлган миқдорда жарима солиш билан жазоланади».

15. 77-модданинг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сотиш ва ишлатиш мақсадида давлат пул белгиларини, давлатнинг қимматбаҳо қофозларини ёки чет эл валюталарини қалбаки ясаш, шунингдек уларни сотиш ва ишлатиш,—

мол-мулкини мусодара қилган ҳолда икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан уч йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади».

16. Қонун русча матнидаги 7¹-модданинг иккинчи қисмida «особо опасные государственные преступления» деган сўзлар «особо опасные преступления против государства» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 22-модданинг биринчи қисмидаги «Давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги СССР Қонунида кўзда тутилган ҳолатларда «давлатга қарши жиноят қилганлик, ССР Иттифоқи жиноят қонунларининг ҳамда ушбу Кодекснинг қасдан одам ўлдирганлик учун жавобгарликка тортишни белгиловчи моддаларида кўрсатилган айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдирганлик учун, ССР Иттифоқи қонунларида маҳсус кўзда тутилган айrim ҳолларда эса бошқа баъзи бир алоҳида оғир жиноятлар учун ҳам ўлим жазоси — отиб ўлдириш қўлланилишига

йўл қўйилади» деган сўзлар чиқариб ташланиб, улар ўрнига «давлатга қарши жиноятлар учун қонунда назарда тутилган ҳолларда, оғир ҳолатда қасдан одам ўлдирганик учун, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа баъзи ўта оғир жиноятлар учун қўлланиш мумкин» деган сўзлар киритилсин.

18. Қонун русча матнидаги 23-модданинг тўртинчи қисмидаги олтинчи хатбошида, бешинчи қисмда, сак-кизинчи қисмидаги учинчи хатбошида «государственные преступления» деган сўзлар «преступления против государства» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. Қонун русча матнидаги 23¹-модданинг биринчи қисмидаги биринчи ва иккинчи бандда, 23²-модданинг учинчи қисмидаги биринчи бандда, 33¹-модданинг учинчи қисмидаги иккинчи бандда, 50¹-модданинг иккинчи бандида «государственное преступление» деган сўзлар «преступления против государства» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 60¹-моддадаги «Ватанга хиёнат» деган сўзлар «Давлатга хиёнат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. 62-модданинг сарлавҳасидаги ва матнидаги «Советларга қарши» деган сўзлар «Гайриконституциявий» деган сўзлар, русча матнидаги «государственное преступление» деган сўзлар «преступление против государства» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. 65-модданинг биринчи қисмидаги «Ватанга хиёнат» деган сўзлар «Давлатга хиёнат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23. Қонун русча матнидаги 79 ва 79¹-моддаларининг сарлавҳалари ва матнларидағи «государственных преступлениях», «государственных преступлений» деган сўзлар «преступления против государства», «преступлений против государства» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Узбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

«ҲОҚИМИЯТНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ
ИДОРАЛАРИНИ ҚҮРИҚЛАШ ТҮҒРИСИДА»ГИ
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ
АМАЛГА ҚИРИТИШ ҲАҚИДА
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ҚЕНГАШИННИНГ
1992 йил 9 декабрь

Қ А Р О Р И

(Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 10-модда)

Узбекистон Республикаси Олий Қенгаши қарор
қиласди:

1. «Ҳоқимиятнинг конституциявий идораларини қүриқлаш түғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган пайтдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Узбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 179²-моддаси ҳамда Узбекистон Республикасининг Матъмурий ҳукуқбузарликлар түғрисидаги кодексининг 166²-моддаси товар-моддий бойликларни республикадан Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлити таркибига кирувчи мамлакатларга олиб чиқиб кетишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун қўлланилади.

Узбекистон Республикаси Олий
Қенгашининг Раиси

Ш. ЙУЛДОШЕВ,

**ХЎЖАЛИҚ ЖАМИЯТЛАРИ ВА ШИРҚАТЛАРИ
ТҮФРИСИДА
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг
1992 йил 9 декабрь**

ҚОНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 13-модда)

Ушбу Қонун хўжалик жамиятлари ва ширкатларини ташкил этиш ҳамда улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

1. БҮЛЛМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари

1. Хўжалик ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиш мақсадида юридик шахсларнинг, юридик шахслар билан жисмоний шахсларнинг ҳамда жисмоний шахсларнинг ўргасида ўз ҳиссаларини ва мол-мулкини бирлаштириш асосида ўзаро ихтиёрий келишувига мувофиқ тузиладиган корхоналар хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ҳисобланади.

Хўжалик жамиятлари ва ширкатларига қўйидагилар киради:

акцияли жамиятлар;

масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятлар;

тўлик ва коммандит хўжалик ширкатлари.

Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари корхоналарнинг хўжалик ассоциациясига: иттифоқ, концерн, консорциум, корпорация ва бошқа уюшмаларга бирлашишга ҳақлидир.

2. Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари юридик шахс ҳисобланиб, «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари асосида иш олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикасида жамиятлар ва ширкатлар ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

2-модда. Жамият ва ширкат қатнашчиларининг таркиби ва ваколатлари

1. Жамият ва ширкат камида икки қатнашчида ёйборат бўлади. Бошланғич устав фонди шакллантирадиган қатнашчилар жамиятнинг ва ширкатнинг муасислари ҳисобланадилар.

Жамият қатнашчиси бўлган корхоналар (ташкилотлар) юридик шахс мақомини сақлаб қолади.

Давлат ҳокимияти идораларининг жамиятлар ва ширкатлар фаолиятида иштирок этиши ман қилинади.

Давлат бошқаруви идоралари қонунларда бериб қўйилган ваколатлар доирасида давлат мулкини идора этиш бўйича жамият ва ширкат қатнашчиси бўлиши мумкин.

Жамиятларда ва ширкатларда ажнабий юридик ва жисмоний шахслар қатнашишининг ўзига хос жиҳатлари амалдаги қонунларга биноан белгиланади.

2. Жамият ва ширкат қатнашчилари:

таъсис ҳужжатларида белгиланадиган тартибда жамият ва ширкат ишларини бошқаришда иштирок этиш;

жамият ва ширкат фаолиятидан тушадиган ўзларига тегишли фойдани (дивидендни) пул билан ифодалangan ҳолда ҳам, натурал ҳолда ҳам олиш. Давлат бошқарув идораси бўлмиш жамият ва ширкат қатнашчисига тегишли фойданинг (дивиденднинг) бир қисми у томонидан ўзининг ижтимоий тараққиётiga ҳамда ушбу жамиятни бошқариш билан боғлиқ мақсадларга ишлатилиши мумкин;

таъсис ҳужжатларида белгиланадиган тартибда жамият ва ширкат фаолияти тўғрисидаги ахборотдан воқиф бўлиш, шу жумладан бухгалтерлик ҳисоб-китоби ва ҳисоботи ҳамда ўзга ҳужжатлар билан танишиб чиқиш;

белгиланган тартибда жамият ва ширкат таркиби-дан чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Жамият ва ширкат қатнашчилари шу жамият ва ширкат ишлаб чиқараётган (кўрсатаётган) маҳсулотни (хизматни) олишда устун ҳуқуққа, қонунларда ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга эгадирлар.

3. Жамият ва ширкат қатнашчилари:

жамият ва ширкат таъсис ҳужжатларининг қондаларига риоя этишлари, жамият ва ширкатнинг умумий

Иифилиши ва бошқа бошқарув идоралари қарорларини бажаришлари;

таъсис ҳужжатларда назарда тутилган тартибда, миқдор ва усулларда улуш қўшишлари (акциялар ҳазини тўлашлари);

тижорат сиридан иборат бўлмиш жамият ва ширкат фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор қилмасликлари;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни адо этишлари шарт.

Ширкат (жамият) қатнашчилари жамият ишлаб чиқарадиган маҳсулотни олишда (хизматлардан фойдаланишда) устун ҳуқуққа эга бўлишлари мумкин, улар зиммасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

З-мод да. Жамият ва ширкатнинг таъсис ҳужжатлари, уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби

1. Таъсис шартномаси ва устав хўжалик жамиятларининг таъсис ҳужжатлари ҳисобланади. Акцияли жамият уставга асосан, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият таъсис шартномаси ва устав асосида иш кўради. Тўлиқ ва коммандит ширкатлар таъсис шартномаси асосида тузилади ва иш юритади.

2. Таъсис шартномасида:

таъсис этилаётган жамият ва ширкат тури, уларни фаолият соҳаси, мақсадлари ва муддати;

қатнашчилар (муассислар) таркиби;

таъсис этилаётган жамият ва ширкатнинг фирма номи ва манзилгоҳи;

устав фондининг миқдори ва уни ҳосил қилиш тартиби;

даромадларни (фойдани), дивидендларни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби;

қонунларга зид келмайдиган бошқа шартлар тўғрисидаги маълумотлар бўлади.

3. Жамият уставида:

фирма номи ва унинг манзилгоҳи;

фаолият соҳаси, мақсадлари ва муддати;

устав фондининг миқдори;

ҳар бир қатнашчига тегишли улуш миқдори;

улар қўшадиган ҳиссанинг миқдори, таркиби, қўшиш муддатлари ва тартиби;

устав фондини ошириш ёки камайтириш тартиби;

чиқарилаётган акцияларининг турига, номинал қиймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг ўзаро нисбати;

даромадларни (фойдани), дивидендларни тақсимлашва зарарларни қоплаш тартиби;

заҳира фондларни ва ўзга фондларни ҳосил қилиш тартиби;

улушларнинг эгаларини ўзгартириш тартиби;

жамият қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

жамиятни бошқариш тузилмаси, ижрочи ва назорат идоралари аъзоларининг сони, уларни сайлаш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

қатнашчилар йиғилишининг ваколатлари;

йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби;

жамиятни қайта ташкил этиш ва тутатиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

жамият фаолиятининг хусусиятига кўра зарур бўлган ўзга маълумотлар акс эттирилиши керак.

4. Жамият ва ширкат Узбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

5. Давлат корхонаси жамиятга ёки ширкатга айлантирилганда уни давлат рўйхатидан ўtkазиш учун молмulkka эалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ордининг нусхаси қўшимча тарзда тақдим этилади.

4-модда. Жамият ва ширкатнинг мулки

1. Ширкат ва жамият:

муассислар ва қатнашчилар томонидан унинг эаглигига берилган мол-мулкнинг;

хўжалик фаолияти натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг;

олинган даромадларнинг;

қонунларда тақиқланмаган асосларга кўра сотиб олинган ўзга мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади.

2. Жамият ва ширкат амалдаги қонунларга муовифик тарзда қимматли қофозлар чиқариш ва улардан даромад олишга ҳақлидир.

3. Жамият ва ширкат қатнашчисининг қўшадиган ҳиссаси бинолар, иншоотлар, асбоб-ускунлар, ўзга моддий бойликлардан, қимматли қофозлардан, ер, сув ва ўзга табиий бойликлардан, бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш ҳуқуқидан, шунингдек ўзга мулкий ва мулкка оид бўлмаган ҳуқуқлардан, пул маблағларидан иборат булиши мумкин. Қўшилаётган молмulkининг қиймати жамият қатнашчиларининг биргаликдаги қарори билан белгиланади.

Қайта тузилаётган давлат корхонаси (ташкiloti) нинг мол-мулкини баҳолаш қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

4. Пул кўринишида баҳоланганд, устав фондига қўшилган ҳисса қатнашчининг устав фондидағи улушкини ташкил этади.

5. Қатнашчи мол-мулкини жамиятга фақат фойдаланиш учун ўтказган ҳолларда қатнашчи ҳиссасининг миқдори ҳамда мос равишда унинг улуши, башарти таъсис ҳужжатларида ўзга ҳол қайд этилмаган бўлса, жамият ва ширкатнинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган бутун фаолият муддати учун ёки қатнашчилар томонидан белгиланганд ўзга муддат учун ана шу молмulkдан фойдалангандлик эвазига ижара ҳақи эътиборга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

5-модда. Давлат корхоналарини хўжалик жамиятларига ва ширкатларига айлантириш

1. Давлат корхонасини хўжалик жамияти ва ширкатга айлантириш ҳамда шу хусусида қарор қабул қилиш Узбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

2. Корхонанинг юридик шахс ҳисобланмайдиган тармоқ бўлинмасини хўжалик жамиятига ва ширкатига айлантириш мулкдорнинг ёки у вакил қилган идоранинг розилигига биноан, уларни олдиндан мустақил давлат корхонасига айлантирмай туриб амалга оширилади.

6-модда. Жамият ва ширкат фаолиятини тўхталиш

Жамият ва ширкат фаолияти:
у тузилаётганида мўлжал қилинган муддат тугаган-

да ёки уни тузишдан кўзланган мақсадга эришилгандаг
у синганда ёҳуд қонунларни сурункасига ёки қўпол
равишида бузган ҳолларда тегишли суднинг қарорига
асосан;

жамият ва ширкатни бошқариш олий идорасининг
қарорига биноан;

уларни тугатилган ва қўшиб юбориш, бирлаштириш,
ажратиш, бўлиш ёки қайта тузиш йўли билан қайта
ташкил этилган тақдирда;

таъсис ҳужжатларида ва амалдаги қонунларда кўз-
да тутилган бошқа асосларга кўра тўхтатилиши мум-
кин.

Жамият ва ширкатни тугатиш ҳамда қайта ташкил
этиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва таъсис
ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга
оширилади.

7-модда. Низоларни қараб чиқиш тартиби

Жамият ва ширкатларнинг ўзаро, шунингдек юри-
дик ва жисмоний шахслар билан ҳамда чет эл юридик
шахслари ва фуқаролар билан низолари қонунларда
белгиланган тартибда суд, хўжалик суди ва холислар
суди томонидан кўриб чиқилади.

II БУЛИМ. АКЦИЯЛИ ЖАМИЯТ

8-модда. Акцияли жамият

1. Кўрсатилган номинал қийматига тенг акциялар-
нинг муайян миқдорига бўлинган устав фондига эга
бўлган ҳамда мажбуриятлари бўйича фақат ўз мол-
мулки билан жавобгар бўладиган жамият акцияли жа-
мият деб эътироф этилади.

2. Акцияли жамияг очиқ ёки ёпиқ турда бўлиши
мумкин, бу ҳол уставда қайд этилади.

9-модда. Акцияли жамиятни тузиш ва унинг муассислари

1. Акцияли жамият мавжуд корхонани ўзгартириш
ёки янги корхона тузиш йўли билан таъсис этилиши
мумкин.

2. Юридик ва жисмоний шахслар акцияли жамият-

муассислари булиши мумкин. Муассислар ўзаро шартнома тузадилар, унда акцияли жамиятни тузиш юзасидан улар ҳамкорликда амалга оширадиган фаолият тартиби, уларнинг акцияларга ёзилган шахслар ҳамда учинчи шахслар олдидаги жавобгарликлари белгилаб қўйинлади.

Муассислар жамиятнинг рўйхатдан ўтгунга қазар вужудга келган мажбуриятлари юзасидан биргаликда жавобгар бўладилар.

10-модда. Акцияли жамиятнинг устав фонди

1. Акцияли жамиятнинг устав фонди ёпиқ турдаги жамиятда беш юз минг сўмдан ва очиқ турдаги жамиятда бир миллион сўмдан кам бўлиши мумкин эмас.

2. Илгари чиқарилган акциялар учун номинал қийматидан кам бўлмаган ҳақ тўлалигича тўланган бўлса акцияли жамият устав фондини кўпайтиришга ҳақлидир, устав фонди мол-мулкни натура кўринишида ўтказиш йўли билан кўпайтириладиган ҳоллар бундан мустаснодир.

Устав фонди янги акциялар чиқариш воситасида оширилади. Акциядорлар қўшимча равишда чиқарилган акцияларни сотиб олишда устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

3. Устав фондини камайтириш акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг бир қисмини бекор қилиш мақсадида эгаларидан сотиб олиб акциялар миқдорини камайтириш йўли билан амалга оширилади.

Устав фондининг миқдори камайтирилиши тўғрисидаги қарор барча акциядорларнинг эътиборига етказилгандан сўнг бир йил вақт ўтгач, бекор қилиш учун тақдим этилмаган акциялар ҳақиқий эмас деб топилади.

11-модда. Акциялар

1. Акциялар қимматли инвестицион қофозлар бўлиб, ўз эгаси акциядорларнинг жамият устав фондида қатнашиш ҳуқуқини тасдиқлади ҳамда уларга мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни беради.

2. Очиқ турдаги жамиятнинг акциялари бошқа акциядорларнинг розилигисиз қўлдан қўлга ўтиши мумкин. Ёпиқ турдаги акцияли жамиятнинг акциялари фа-

қат эгаси ёзилган бўлиши мумкин, уларни бошқа шахсларга бериш тартиби уставда белгилаб қўйилади.

3. Ёпик турдаги акцияли жамиятлар акциялар ўрнига акциядорларга акциянинг номинал қийматига тенг суммага сертификатлар беришлари мумкин.

4. Акциянинг номинал қиймати бир минг сўмдан кам бўлмаслиги керак.

Акция бўлинмасдир.

5. Акциялар:

эгаси ёзилган ва тақдим этувчига тегишли;

имтиёзли (овоз бериш ҳуқуқисиз) ва оддий (овоз бериш ҳуқуқи билан) бўлиши мумкин.

Акцияда қайд этилган ҳамда жамият акциядорларини рўйхатга олиш китобига ёзиган қўйилган жисмоний ёки юридик шахсларгина эгаси ёзилган акциянинг эгаси акциядор деб тан олинади.

Тақдим этувчига тегишли акциянинг эгаси уни сақловчи деб юритилади. Такдим этувчига тегишли акциялар бошқа шахслар эгалигига рўйхатсиз берилади.

Оддий акциялар жамият акцияларининг асосий қисмини ташкил этади.

Имтиёзли акциялар акцияли жамият устав фонднинг 10 фоиздан ортиқроқ қийматда чиқарилиши мумкин эмас.

Имтиёзли акциялар эгаларига дивидентларни олишда афзал ҳуқуқ ҳамда акцияли жамият тугатилган тақдирда унинг мол-мулкини тақсимлашда устунлик билан иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидентлар, акцияли жамият жорий йилда олган фойдасидан қатъи назар, илгари уларнинг номинал қийматига белгиланган қаттый фоиздан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

6. Чиқарилаётган акцияларнинг турлари, уларни тарқатиш ҳамда улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби Узбекистон Республикасининг қумматли қоғозлар тўғрисидаги қонунларига мувофиқ акцияли жамият уставида белгилаб қўйилади.

7. Хўжалик фаолияти оқибатида акцияли жамият кўрган заарларни қоплаш мақсадида акциялар чиқариш ман этилади.

12-модда. Акцияларни тарқатиш тартиби

1. Акцияли жамият тузилаётганида акциялар уларга

очиқ ёзилиш орқали (очиқ турдаги акцияли жамият) Әхуд уларни муассислар ўртасида (ёпиқ турдаги акцияли жамият) тақсимлаш тартибида тарқатилиши мумкин.

Акцияларга очиқ ёзилиш муассислар томонидан бевосита әхуд фонд биржалари ва банклар орқали уюштирилади. Бунда муассислар устав фондининг камидаги гирма беш фоизи миқдорига teng акцияларнинг эгалиари бўлиб туришлари керак.

2. Муассислар акцияга очиқ ёзилиш кутилаётганлиги тўғрисида билдириш эълон қиладилар, унда бўлажак акцияли жамиятнинг фирма номи, фаолият соҳаси, мақсади ва муддати, муассисларнинг таркиби, таъсис йиғилиши (конференцияси) ўтказиладиган сана, устав фондининг мўлжалланган миқдори, акцияларнинг номинал қиймати, уларнинг сони ва турлари, муассисларнинг устунлиги ва имтиёзлари, акцияларга ёзилиш қаерда утказилиши, уларга ёзилиш бошланадиган ва тугайдиган муддат, муассислар томонидан натура ҳолида киритилаётган мол-мулкнинг таркиби, жамията хизмат кўрсатадиган банкнинг номи ва ҳисоб счётининг рақами кўрсатилиши лозим. Муассислар қарорига биноан қайд этилган билдиришга бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин. Акцияларга ёзилиш муддати олти ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

3. Акцияга ёзилишда қатнашаётган шахслар муассисларнинг счётига ўзлари ёзилаётган акция номинал қийматининг камидаги 10 фоизи миқдорида дастлабки бадални тўлайдилар, шундан кейин муассислар уларга муайян миқдордаги акцияни сотажаклари хусусидаги ёзма мажбуриятни тақдим этадилар.

4. Таъсис йиғилиш (конференция) ўтказиладиган пайтгача акцияга ёзилган шахслар дастлабки бадални ҳисобга олган ҳолда акция номинал қийматининг камидаги 30 фоизини тўлашлари шарт.

5. Билдиришда кўрсатилган муддат тугагач акцияга ёзилиш тўхтатилади. Агар шу даврга келиб акцияларнинг олтмиш фоизига ёзилишга эришилмаса, акцияли жамият таъсис этилиши амалга ошмаган деб топилади, акцияларга ёзилган шахсларга эса бу ҳақда 10 кун муддат ичida маълум қилинади ва шу муддатда улар томонидан тўланган пул маблағлари ёки ўзга мол-мулк қайтариб берилади.

6. Акциядор таъсис йиғилиши (конференцияси) да белгиланган муддатларда, лекин жамият рўйхатдан ўт-

так бир йилдан кечиктирмай акцияларни түлиқ сөтіб олиши лозим. Акс ҳолда, башарты жамияттнинг уставида ўзга ҳол қайд этилмаган бўлса, у ўтказиб юборган вақт учун муддати ўтказиб юборилган суммадан олиниши мўлжалланган йиллик даромаднинг йигирма беш фоизи миқдорида ҳақ тўлайди. Акцияларни сотиб олиш муддати тугагач, акцияли жамият уларни мустақил тарзда сотиб юборишга ҳақлидир.

7. Давлат корхоналари акцияли жамиятга айлантирилганда дастлабки бадал киймати, шунингдек акцияларни түлиқ сотиб олиш муддатлари давлат мулки объектининг тасарруф этувчиси томонидан ушбу корхоналар ходимлари учун назарда тутилган имтиёзлар ва кафолатлар ҳисобга олиниб ҳар бир ҳолда алоҳида белгиланади.

8. Акцияли жамият кейинчалик сотиб юбориш, ўз ходимлари ўртасида тарқатиш ёки бекор қилиш учун акциядордан унга тегищли акцияларни сотиб олишига ҳақлидир. Қайд этилган акцияларни реализация қилиш узоғи билан бир йил муддат ичидан амалга оширилиши керак. Ана шу давр мобайнида даромадни (фойдани), дивидендларни тақсимлаш, шунингдек акциядорларниг умумий йиғилишида овоз бериш ва кворумни аниқлаш жамият томонидан сотиб олинган ўз акцияларини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилади.

13-модда. Акцияли жамияттнинг таъсис йиғилиши (конференцияси)

1. Акцияли жамияттнинг таъсис йиғилиши (конференцияси) акцияларга ёзиш тугагач кечи билан ўттиз кун муддат ичидан чақирилади. Кўрсатилган муддат ўтказиб юборилган тақдирида акцияга ёзилган шахс акциялар қийматининг ўзи тўлаган қисми қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидир, муассислар эса ўн кунлик муддат ичидан у киритган суммани қайтаришлари шарт.

2. Таъсис йиғилиши (конференцияси):

акцияли жамият таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қиласи ва унинг уставини тасдиқлайди;

акцияларга ортиқча ёзилишни қабул қиласи ёки рад этади. Агар акцияларга ортиқча ёзилиш қабул қилинса, устав фонди мувоғиқ равишда кўпайтирилади;

жамиятни таъсис этиш жарёнида муассислар томонидан тузилган шартномаларни тасдиқлайди:

пулдан бошқа шаклдаги бадалларнинг пул қийматини тасдиқлайди;

башарти, муассислар таъсис шартномасида бу ҳуқук ўз тасаррүфларида эканлигини қайд этмаган бўлсалар, акцияли жамиятнинг кенгашини (кузатувчи кенгашини), бошқарувини (раисини) ва тафтиш комиссиясини сайлайди.

3. Агар ёзилиш ўтказилган акцияларнинг олтмиш фоизидан ортиқроғига ёзилганлар иштирок этса, акцияли жамиятнинг таъсис йиғилиши (конференцияси) қонуний кучга эгадир.

Қворум йўқлиги сабабли таъсис йиғилиши (конференцияси) ўтказилмай қолса, икки ҳафта ичидан таракор йиғилиш (конференция) чақирилади. Таъсис йиғилиши (конференцияси) таракор чақирилганда ҳам қворум таъмин этилмаса, акцияли жамият ташкил бўлмади деб ҳисобланади.

Таъсис йиғилишида (конференциясида) овоз бериш: бир акция— битта овоз қоидасида ўтказилади.

4. Таъсис йиғилиши оддий кўпчилик овоз билан қарор қабул қиласи, таъсис шартномасининг қоидалари ни ўзгартириш тўғрисидаги қарор бундан мустаснодир, бунинг учун акцияга ёзилган барча шахсларнинг розилиги талаб этилади.

5. Таъсис йиғилиши (конференцияси) ўтказилган сана акцияли жамият таъсис этилган сана бўлади.

14-модда. Акцияли жамиятнинг бошқарув идолари

1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияли жамиятнинг юқори идораси ҳисобланади. Умумий йиғилиш ҳар йили камидан бир марта чақирилади. Акцияли жамиятнинг бошқаруви умумий йиғилишини чақириш тўғрисида барча акциядорларни камидан ўттиз кун аввал ёзма равища хабардор қиласи.

2. Қўйидагилар:

жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, унинг режаларини ва режаларнинг бажарилишига доир ҳисботларни тасдиқлаш;

жамият уставини ўзгартириш ва тўлдириш;

ижроня идораси ва тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш, чақириб олиш ҳамда уларнинг фаолияти тартибини тасдиқлаш;

жамият фаолиятининг, шу жумладан унинг шўъбалари фаолиятининг йиллик натижаларини, тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари ва хуносаларини, даромадни (фойдани), дивидендларни тақсимлаш ва заарларни коплаш тартибини тасдиқлаш;

шўъбалар ва ваколатхоналар очиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш, улар тўғрисидаги низомларни (уставларни) тасдиқлаш;

жамият бошқарув идораларининг мансабдор шахсларини мулкий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорлар чиқариш;

жамиятнинг ички тартиб қоидаларини ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлаш, ташкилий тузилишини белгилаш;

устав фондини ўзgartириш;

жамият ўзи чиқараётган акцияларни сотиб олиши тўғрисидаги масалани ҳал этиш;

~~жамият, учун шўъбалари ва ваколатхоналари бошқарув идораларининг мансабдор шахслари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини белгилаш;~~

жамият фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш, тугатиш балансини тасдиқлаш умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига киради.

Жамият уставида умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига ўзга масалалар ҳам киритилиши мумкин.

Умумий йиғилиш, башарти унда жамият уставига мувофиқ овозларининг камида олтмиш фоизига эга бўлган акциядорлар иштирок этса, қонуний кучга эга ҳисобланади.

Жамият умумий йиғилишида овоз бериш ҳам битта акция — бир овоз қоидаси асосида ўтказилади.

Умумий йиғилиши ўзига тегишли ҳуқуқларнинг бир қисмини жамият бошқаруви ихтиёрига ўтказиши мумкин.

3. Жамият уставини ўзgartириш ва тўлдириш, жамият фаолиятини тўхтатиш, шўъбалар очиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш, устав фондини ўзgartириш масалаларини ҳал эта олиши учун йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози талаб этилади.

Бошқа барча масалалар юзасидан қарорлар йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Акциядорлар умумий йиғилишда ўз хуқуқларини амалга оширишни бошқа акциядорларга (уларнинг вакилларига), шунингдек учинчи шахсларга ишониб топширишга ҳақлидирлар.

Акциядорларнинг вакиллари доимий бўлиши ёки муайян муддатга тайинланishi мумкин. Акциядор жамиятнинг ижроия идорасини хабардор қилиб туриб исталган пайтда юқори идорадаги ўз вакилини алмаштиришга ҳақлидир.

4. Акцияли жамиятда акцияли жамиятнинг кенгаши (кузатувчи кенгаш) тузилади. Бу кенгаш умумий йиғилишлар орасидаги даврда акциядорлар манфаатларини ифодалайди ҳамда уставда назарда тутилган вазифаларни бажаради.

Акцияли жамият кенгаши (кузатувчи кенгаш)нинг аъзолари ижроия идора аъзоси бўла олмайдилар.

5. Бошқарув ёки уставда назарда тутилган бошқа идора акцияли жамиятнинг ижроия идораси ҳисобланади, бу идора акцияли жамиятнинг ишини ўюштиради ҳамда умумий йиғилишга жамият фаолиятининг якунлари тўғрисида йиллик ҳисобот тақдим этади.

6. Бошқарув умумий йиғилиш ва жамият кенгаши (кузатувчи кенгаш) нинг мутлақ ваколатига кирадиган масалалардан бошқа акцияли жамият фаолиятига доир барча масалаларни ҳал этади.

7. Бошқарув ишига бошқарув раиси раҳбарлик қиласди, у жамиятнинг уставига мувофиқ тайинланади ёки сайланади. Бошқарув раиси ишонч қофозисиз жамият номидан иш кўришга ҳақлидир. Бошқарувнинг бошқа аъзолари ҳам уставга мувофиқ шундай ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин.

15-модда. Акцияли жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назорат

1. Акцияли жамият бошқарувининг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни тафтиш комиссияси амалга оширади. Тафтиш комиссияси акциядорлар орасидан сайланади. Тафтиш комиссиясининг аъзолари жамият ижроия идораси таркибига киришлари мумкин эмас.

2. Акцияли жамият ўзининг молия-хўжалик фаолиятини йилига камида бир марта тафтиш қилиши шарт.

Тафтиш комиссияси жамият молия-хўжалик фаолиятини умумий йиғилиш, кузатувчи кенгаш топшириғига

кўра, ўз ташаббуси билан ёки жамиини қўшганда овозларнинг ўн фонизидан ортиғига эга бўлган жамият қатнашчилари талаби билан текшириши мумкин.

Тафтиш комиссияси ўзи ўтказган текширув натижалари тўғрисида умумий йиғилишга ёки кузатувчи кенгашга маълумот беради. Тафтиш комиссияси йиллик хисоботлар ва баланслар юзасидан хулоса тайёрлайди. Тафтиш комиссиясининг хулосасиз умумий йиғилиш балансни тасдиқлашга ҳақли эмас.

3. Тафтиш комиссияси акцияли жамият манфаатларига хавф-хатар туғилган ёки мансабдор шахслар йўл қўйган сунистеъмолликлар аниқланган тақдирда умумий йиғилиш навбатдан ташқари чақирилишини талаб қилишга ҳақлидир.

4. Акцияли жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириши солиқ ва молия идоралари, бошқа давлат идоралари томонидан уларнинг ваколати доирасида, шунингдек зарур бўлганда аудиторлик хизматлари томонида амалга оширилади.

III БЎЛИМ. МАСЪУЛИЯТИ ЧЕҚЛАНГАН ЁКИ ҚУШИМЧА МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАМИЯТ

16-модда. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият

1. Миқдори таъсис ҳужжатларида белгилаб бериладиган улушларга бўлинган устав фонди бор ҳамда мажбуриятлар юзасидан ўз мол-мулки доирасидагина жавобгар бўлган жамият масъулияти чекланган жамият деб эътироф этилади.

Жамият қатнашчилари қўшган ҳиссалари доирасида жавобгар бўладилар.

2. Миқдори таъсис ҳужжатларда белгилаб берилган улушларга бўлинган устав фонди бор жамият қўшимча масъулиятли жамият деб эътироф этилади. Бундай жамиятнинг мол-мулки камлик қилган тақдирда жамият қатнашчилари унинг мажбуриятлари юзасидан ўз мол-мулклари билан ҳам, барча қатнашчилар учун тенг миқдорда, қўшган ҳиссаларига монанд суммада жавоб берадилар.

17-м одда. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятда устав фонди тузилади, унинг миқдори эллик минг сўмдан кам бўлмаслиги керак.

1. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятда устав фонди тузилади, унинг миқдори эллик минг сўмдан кам бўлмаслиги керак.

2. Жамият давлат рўйхатидан ўтадиган пайтгача қатнашчиларнинг ҳар бири таъсис ҳужжатларида кўрсатилган ҳиссасининг камида ўттиз фоизини киритиши шарт, бу банк муассасалари берган ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Қатнашчи ўз ҳиссасини жамият рўйхатдан ўтганидан кейин бир йил ичидаги тўлиқ қўшиши шарт. Ушбу мажбурият белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда қатнашчи, башарти таъсис ҳужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, муддати ўтказиб юборилган вақт учун тўланмаган суммадан олинадиган йиллик даромаднинг йигирма беш фоизини тўлади.

Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўлиқ тўлаган қатнашчисига гувоҳнома берилади, бу гувоҳнома қимматбаҳо қоғозлар жумласига кирмайди.

3. Ҳисса сифатида киритилган мол-мулк қийматининг ўзгариши ва таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жамият юқори идорасининг қарорига биноан қатнашчилар томонидан киритилган қўшимча бадаллар жамиятнинг устав фондидаги улушлари миқдорига таъсир этмайди.

4. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг қатнашчилари қолган қатнашчиларнинг рошилиги билан ўз улушкини (улушнинг бир қисмини) шу жамиятнинг бир ёки бир неча қатнашчисига ёхуд учинчи шахсларга бериши мумкин. Жамият қатнашчилари ана шу улушкини (унинг бир қисмини) жамият устав фондидаги ўз улушларига мутаносиб тарзда сотиб олишда устувор ҳуқуқдан фойдаланадилар. Улушкини (унинг бир қисмини) жамият қатнашчиларининг манфаатлари қаноатлантирилганидан кейингина учинчи шахсларга бериш мумкин бўлади. Бундай ҳолларда учинчи шахс унинг ҳуқуқий ворисига айланади.

5. Қатнашчининг улушкини у ҳиссасини тўлиқ киришиб бўлганидан кейингина жамиятнинг ўзи сотиб олиши мумкин. Бундай ҳолларда жамият улушкини бошқа қатнашчиларга ёки учинчи шахсга узоғи билан бир йил

муддатга бериши шарт. Ана шу давр мобайнида фойданы тақсимлаш, шунингдек юқори идорада овоз бериш ва кворумни аниқлаш жамият томонидан сотиб олинган улуш назарда тутилмаган ҳолда амалга оширилади.

6. Қатнашчи масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият таркибидан чиққан тақдирда унга устав фондидағи улушкига муносиб тарзда жамият мол-мулки бир қисмининг қиймати тўланади. Жамиятдан чиққан қатнашчига у жамиятдан чиққунига қадар жамият ўша йили орттирган фойданинг унга тегишли қисми тўланади. Қатнашчи жамиятга фақат фойдаланиш учунгина берган мол-мулк натура ҳолида, эскириб ишдан чиқишини инобатга олган ҳолда, мукофотсиз қайтарилади.

7. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг қатнашчиси бўлмиш юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирда ёки жамият қатнашчиси бўлмиш фуқаро вафот этган ҳолларда жамиятнинг розилиги билан ҳуқуқий ворислар (меросхўрлар) жамиятга киришлари мумкин. Ҳуқуқий ворис (меросхўр) жамиятга киришдан бош тортган ёки жамият ҳуқуқий ворисни (меросхўрни) ўз таркибига қабул қилишни рад этган ҳолларда унга мол-мулқдаги улушки пул ёки натура шаклида берилади, бу улушкинг юридик шахс қайта ташкил этилган ёки қатнашчи вафот этган кундаги қиймати ҳисоблаб чиқилади. Бундай ҳолларда жамиятнинг устав фонди миқдори камайтирилиши керак.

8. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг ўз устави фондини камайтириш тўғрисидаги қарори, ана шу ҳақда белгиланган тартибда эълон қилинганидан сўнг камида З ойдан кейин кучга киради.

9. Жамият қатнашчисининг шахсий мажбуриятлари юзасидан жаримани унинг улушкига қаратишга йўл қўйилмайди. Ўз қарзларини қоплаш учун қатнашчининг мол-мулки етмаган ҳолларда қарз берувчилар қарздор-қатнашчининг улушкини ажратиб берилишини талаб қилишга ҳақлидир.

18-модда. **Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг бошқарув идоралари**

1. **Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли**

жамиятнинг юқори бошқарув идораси қатнашчилар йиғилишидир.

Жамият қатнашчиси қатнашчилар йиғилишидаги ўз ваколатини бошқа қатнашчига ёки бошқа қатнашчининг вакилига беришга ҳақлидир.

Қатнашчилар устав фондидаги ўз улушларининг миқдорига мутаносиб овозлар сонига эга бўладилар.

2. Ушбу Қонун 14-моддасининг 2-бандида гайтиб ўтилган масалалардан ташқари масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият қатнашчилари йиғилишининг мутлақ ваколатига:

қатнашчиларнинг қўшимча бадаллар миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини белгилаш;

қатнашчининг улушкини жамиятнинг ўзи сотиб олиши тўғрисидаги масалани ҳал этиш;

қатнашчини жамиятдан чиқариб юбориш масалалари киради.

Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, унинг режаларини ва режалар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш, жамият уставини, устав фондини ўзгартириш билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар жамият қатнашчиларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овоз билан, қолган масалалар юзасидан эса оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Қатнашчини жамиятдан чиқариб юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш чоғида бу қатнашчи ёки унинг вакили овоз беришда иштирок этмайди.

3. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг исталган қатнашчиси қатнашчилар йиғилишида масалани қараб чиқиши бу масалани йиғилиш бошланишидан камида йигирма беш кун аввал кўтарган бўлсагина, талаб қилишга ҳақлидир.

4. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият қатнашчиларининг йиғилиши ҳар йили камида икки марта чақирилади.

Кўшиб ҳисобланганда овозларнинг йигирма фойизидан кўпроғига эга бўлган жамият қатнашчилари исталган пайтда ва ҳар қандай сабабга кўра навбатдан ташқари йиғилиш чақирилишини талаб қилишга ҳақлидирлар. Агар жамият раиси ушбу талабни йигирма кун мобайнида бажармаса, уларнинг ўзлари қатнашчиларнинг йиғилишини чақиришга ҳақлидирлар.

5. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли

жамиятда ҳайъат йўсинидаги (маъмурият) ёки якка-
бошчилик тарзидаги (директор) ижроия идораси тузи-
лади, у жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик
килади. Жамият ижроия идораси қатнашчиларининг йи-
ғилишига ҳисобот бериб туради ва унинг қарорлари ба-
жарилшини ташкил этади.

6. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли
жамият маъмурияти (директори) нинг молия-хўжалик
фаолиятини тафтиш комиссияси назорат килиб боради,
тафтиш комиссиясини жамият қатнашчиларининг йиғи-
лиши қатнашчилар орасидан таъсис ҳужжатларида на-
зарда тутилган таркибда тузади. Маъмурият аъзола-
ри (директор) тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлиши
мумкин эмас.

7. Тафтиш комиссияси жамиятнинг мансабдор шахс-
ларидан ўзи учун зарур материалларни, бухгалтерлик
ёки ўзга хил ҳужжатларни ҳамда шахсий изоҳнома-
ларни талаб қилиб олиш а хаклидио Тафтиш комис-
сиясининг ғўслиги жамият ижроия идорасининг маж-
лисларида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этадилар.

8. Тафтиш комиссияси ўзи ўтказган текширув нати-
жаларини жамият ижроия идорасига ва жамият йиғи-
лишига йўллади. Тафтиш комиссияси йиллик ҳисобот-
лар ва баланслар юзасидан ўз хulosасини беради. Жа-
мият қатнашчиларининг йиғилиши жамият балансини
ана ҷундай хulosасиз тасдиқлаши мумкин эмас.

9. Тафтиш комиссияси, башарти жамиятнинг муҳим
манбаатлари учун ҳавф юзага келган ёки жамиятнинг
mansabдор шахслари суистеъмолликлар қилганлиги
аниқланган тақдирда, қатнашчиларининг навбатдан таш-
қари йиғилишини чақиришни талаб қилиши шарт.

IV БҮЛИМ. ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ

19-модда. Тўлиқ ва коммандит хўжалик шир- катлари

1. Хўжалик ширкати — бу шахсларнинг бирлашмаси
бўлиб, унда қатнашчилар мулкий бадаллар билангина
эмас, балки шахсий фаолиятлари билан ҳам иштирок
этадлар.

Хўжалк ширкатлари тўлиқ ва коммандит ширкатларга бўлинади.

2. Барча қатнашчилари биргаликда тадбиркорлик фаолияти олиб борадиган ҳамда ширкат мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли бор мол-мулк билан бирдамликда жавобгар бўладиган хўжалик ширкатлари тўлиқ хўжалик ширкатлари деб эътироф этилади.

3. Ширкатнинг мажбуриятлари юзасидан ўзининг бутун мол-мулки билан жавобгар бўладиган бир ёки ундан ортиқ қатнашчилари билан бир қаторда жавобгарлиги қўшган ҳиссалар суммаси доирасидагина чекланадиган бир ёки бир неча қатнашчи (коммандитчилар) ҳам бўлган хўжалик ширкати коммандит (аралаш) ширкат деб эътироф этилади.

Агар коммандит ширкатда тўлиқ масъулият билан икки ёки ундан ортиқ қатнашчи иштирок этаётган бўлса, бу қатнашчилар ширкатнинг қарзлари юзасидан биргаликда жавобгар бўладилар.

20-модда. Таъсис шартномасининг мазмуни

1. Тўлиқ ширкат тўғрисидаги таъсис шартномаси ушбу Қонуннинг З-моддасида назарда тутилган шартлардан ташқари қатнашчилардан ҳар бирининг улуши миқдорини, улар томонидан ҳиссаларни қўшиш миқдори, таркиби ва тартибини, уларнинг ширкат ишларида иштирок этиши шаклини белгилаб қўйиши лозим.

2. Коммандит ширкат таъсис шартномасида тўлиқ ширкатлар учун кўзда тутилган шартлар билан бирга коммандитчиларнинг ширкат мол-мулкидаги улушларининг умумий миқдори, улар томонидан ҳиссаларни қўшиш миқдори, таркиби ва тартиби кўрсатилади.

21-модда. Ширкат коммандитчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари

1. Коммандитчи коммандит ширкатга аъзо бўлиб киришда ҳам пулли, ҳам моддий ҳисса қўшишга ҳақлидир.

Коммандитчи:

топшириқ мавжуд бўлганида ва топшириққа муовифиқ коммандит ширкат номидан иш кўриш;

ширкат тугатилган тақдирда тўлиқ масъулиятли қат-

**нашчиларга нисбатан ҳисса биринчи навбатда қайта-
риб берилишини талаб қилиш;**

унга ширкат фаолияти түғрисидаги баланслар ва
йиллик ҳисоботлар тақдим этилишини, шунингдек улар-
нинг түгри тузијланлигини текшириш имконияти бери-
лишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

2. Коммандитчи ҳиссалар ва қўшимча бадалларни
таъсис шартномасида назарда тутилган миқдорда, усуllibar
ва тартибда қўшади.

Коммандитчилар улушкининг умумий миқдори шир-
катнинг таъсис шартномасида кўрсатилган мол-мулки
қийматининг эллик фоизидан ошмаслиги лозим.

Коммандит ширкатни давлат рўйхатига олиш пайти-
га қадар ҳиссадорлардан ҳар бири ўз бадали суммаси-
нинг камида йингирма беш фоизини қўшади.

22-модда. Тўлиқ ва коммандит ширкатларнинг фаолияти

1. Тўлиқ ширкатнинг фаолияти унинг барча қатнаш-
чиларининг умумий келишуви асосида амалга ошири-
лади.

Ширкат фаолияти барча қатнашчилар томонидан, ширкат номидан иш кўрадиган бир ёки бир неча қат-
нашчи томонидан амалга оширилади. Иккинчи ҳолатда қатнашчиларнинг ваколатлари кўлами ширкатнинг қол-
ган қатнашчилари имзолаган топшириқ билан белгилаб
қўйилади.

2. Агар таъсис шартномасида ширкат ишларини юри-
тиш учун ваколатлар бериладиган бир неча қатнашчи
белгиланаётган бўлса, бунда улардан ҳар бири ширкат
номидан мустақил иш кўра олиши назарда тутилади.
Таъсис шартномасида бундай қатнашчилар тегишли
хатти-ҳаракатларни фақат биргалашиб амалга оши-
ришга ҳақли эканликлари қайд этиб қўйилиши мумкин.

Ширкат ишларини юритиш топширилган қатнашчи-
лар жамият номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб
бажараётган ишлари түғрисида қолган қатнашчиларга
уларнинг талабига биноан тўлиқ ахборот беришлари
шарт.

3. Қатнашчининг ширкат ишларини юритишга доир
ваколатлари қатнашчининг топшириқдан воз кечиши
ёки топшириқнинг қолган қатнашчилардан лоақал бит-
тасининг талабига биноан бекор қилиниши муносабати

билин тўлиқ ёки ширкат фаолияти тўхтатилиши туфайли қисман тўхтатилади.

4. Ваколати бўлмай туриб, унинг хатти-ҳаракатлари барча бошқа қатнашчилар томонидан маъқулланмайдиган ҳолларда умумий манфаатларни кўзлаб иш кўрган қатнашчи, агар унинг ҳаракатлари натижасида ширкатнинг мол-мулки сақланиб қолгани ёки мувофиқ рашида ширкат қилган сарф-харажатлар қийматидан ортиқ мол-мулкка эга бўлгани исботланган тақдирдагина чиқимларни қоплаш тўғрисида ширкат олдига талаб қўйишга ҳақлидир.

5. Агар коммандит ширкатнинг коммандитчиси тегишли ваколатларсиз ширкат номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб битим тузса, унинг ҳаракатлари коммандит ширкат томонидан маъқулланган тақдирда, у тўлиқ маъсулиятли қатнашчилар билан биргаликда кредиторлар олдида битим юзасидан ўзининг қонунга биноан ундириш қаратилиши мумкин бўлган барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

Ҳаракатлари маъқулланмаган тақдирда коммандитчи учинчи шахс олдида ўзининг ундириш қаратилиши мумкин бўлган барча мол-мулки билан мустақил рашида жавоб беради.

6. Ушбу моддада белгиланган қоидаларни бузганлари тақдирда, ширкат қатнашчилари бундай хатти-ҳаракатлари туфайли ширкатга етказилган зарарни қоплашлари шарт.

7. Устав фондидаги ва қатнашчилар улушларидаги ўзгартишлар ушбу Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

23-модда. Қатнашчининг тўлиқ ва коммандит ширкатдан чиқиши

Номаълум муддатга тузилган ширкатнинг қатнашчиси камида уч ой олдин огоҳлантириб, ширкатдан исталган пайтда чиқиб кетиши мумкин.

Муайян муддатга тузилган ширкатдан чиқиб кетишига фақат узрли сабаблар бўлган ва бу ҳақда чиқишдан камида олти ой олдин огоҳлантириш берилган тақдирда йўл қўйилади.

Агар қатнашчи хўжалик ширкатидан чиқиб кетаётганида бу ширкат сақланиб қолса, унда қатнашчига чи-

қишиң кунидаги ҳолат бүйича тузилған баланс асосида аниқланадиган унинг бадали қиймати тұланағы. Қатнашчининг талаби ва ширкатнинг розилиги билан ҳисса тұлық ёки қысман натурал шаклда қайтарилиши мумкин.

Чиқиб кетган қатнашчига ширкат шу йили олған фойданинг үнга тегишли қисми тұланағы. Қатнашчи томонидан фақат фойдаланиш учун беріб қўйилған молмұлк эскириб ишдан чиқиши ҳисобга олинған ҳолда, ҳақ тұламасдан натурал шаклда қайтариб берилади.

24- м о д д а. Тұлық ва коммандит ширкатнинг қарзлари учун үндеришни қатнашчилар улушига қаратиш ҳамда уларнинг жавобгарлиги

Хўжалик ширкатида қатнашчининг шахсий қарзлари юзасидан үндеришни қатнашчининг улушига қаратышта пул қўйинтмайди. Шахсий қарзларини қоплаш учун қатнашчининг мол-мұлки озлик қылған тақдирда кредиторлар ширкатни белгиланған тартибда тугатиши ва қарздор қатнашчининг улшини ажратиши талаб қилиши мүмкін. Бу ҳолда қолган қатнашчилар ширкатни сақлаб қолиш мақсадида бундай қатнашчининг хўжалик ширкатидан чиқиб кетиш кунидаги ҳолат бүйича тузилған балансга мувофиқ қарздор қатнашчининг улшини пул билан ёки натурал шаклда ажратишига ҳақлидирлар.

Агар хўжалик ширкатини тугатишда мавжуд молмұлк барча қарзларни тұлашга озлик қилиб қолса, ширкатнинг барча қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ үндеришни қаратиш мүмкін бўлған ўз мол-мұлклари билан қарзларнинг етишмаган қисми юзасидан умумий жавобгар бўладилар. Хўжалик ширкати қатнашчиси ширкатнинг қарзлари юзасидан, қарзлар у ширкатга аъзо бўлиб кирганидан кейин ёки киришидан олдин пайдо бўлганидан қатъи назар, жавобгар бўлади.

Ширкатнинг қарзларини тұлық тўлайдиган қатнашчи унинг олдида ширкат мол-мұлкидаги ўз улушига мутаносиб равишда жавобгар бўлған қолган қатнашчиларга нисбатан тегишли улуш юзасидан регрессив талаб билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

25-модда. Коммандит ширкатни бошқариш хусусиятлари

Коммандит ширкат ишларини бошқариш фақат түлиқ масъулиятли қатнашчилар томонидан амалга оширилади.

Фақат бир түлиқ масъулиятли қатнашчи бўлган коммандит ширкатда, ишларни бошқаришни шу қатнашчи мустакил равишда амалга оширади.

Коммандитчилар коммандит ширкатнинг ишларини бошқариш юзасидан түлиқ масъулиятли қатнашчилар фаолиятига тўсқинлик қилишга ҳақли эмаслар.

26-модда. Тўлиқ ширкат фаолиятини тўхтатиш хусусиятлари

1. Тўлиқ ширкатни қайта ташкил этиш унинг қатнашчилари бир овоздан қабул қилган қарорга биноан, тугатиш эса ушбу Қонуннинг 6-моддасида кўрсатилган асослардан ташқари— ширкат мол-мулкининг учдан бир улушига эга бўлган қатнашчилардан бирининг талабига биноан амалга оширилади.

2. Қатнашчи чиқиб кетганида ва тўлиқ ширкат тугатилганида ширкатнинг қарзлари юзасидан қатнашчиға (қатнашчиларга) нисбатан қўйилган талаблар қатнашчи чиқиб кетган пайтдан бошлаб ёхуд ширкат тугатилган пайтдан бошлаб бир йил ўтганидан кейин узилган деб ҳисобланади.

27-модда. Коммандит ширкатни тугатиш хусусиятлари.

1. Ушбу Қонуннинг 6 ва 26-моддаларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, коммандит ширкат, шунингдек тўлиқ масъулиятли барча қатнашчилар чиқиб кетган тақдирда тугатилади.

2. Барча коммандитчилар чиқиб кетган тақдирда, тўлиқ масъулиятли қатнашчилар ширкатни тугатиш ўрнига уни тўлиқ ширкатга айлантиришга ҳақлидирлар.

3. Коммандит ширкат ихтиёрида мавжуд бўлган пул маблағлари, тугатиш чоғида унинг мол-мулкини сотишидан олинган тушумни ҳам қўшган ҳолда, ширкатнинг ёлланган ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоб қилинганидан ва банклар, бюджет, бошқа

кредиторлар олдидаги мажбуриятлар бажарилганидан кейин биринчи навбатда коммандитчилар ўртасида уларнинг ҳиссаларини қайтариш учун тақсимланади, кейин эса тўлиқ масъулиятли қатнашчилар ўртасида ушбу Қонунда ҳамда таъсис шартномасида назарда тутилган тартиб ва шартларда тақсимланади. Ҳиссадорларга уларнинг ҳиссаларини тўлиқ қайтариш учун ширкатнинг маблағлари озлик қилган тақдирда мавжуд маблағлар қатнашчилар ўртасида уларнинг ширкат молмулкидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

**Узбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

«ХУЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА ШИРКАТЛАРИ
ТҮГРИСИДА»ГИ УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА ҚИРИТИШ
ТАРТИБИ ҲАҚИДА
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
КЕНГАШИННИГ
1992 йил 9 декабрь

ҚАРОРН

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашиниң
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 14-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор
қиласди:

1. «Хужалик жамиятлари ва ширкатлари түғрисида»-
ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган
пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
икки ойлик муддат ичидаги:

Ўзбекистон Республикасининг қопун ҳужжатларини
ушбу Қонунга мувофиқ ҳолга келтириш түғрисидаги
таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши-
га тақдим этсин;

ушбу Қонунининг татбиқ этилишини таъминловчи за-
рур мөъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсан;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари-
ни «Хужалик жамиятлари ва ширкатлари түғрисида»ги
Қонунга мувофиқлаштирсан, республика вазирликлари,
давлат қўмиталари, идоралари ўзларининг ушбу Қонун-
га зид бўлган мөъёрий ҳужжатларини қайта кўриб чи-
қишиларини ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, ушбу Қонун амалга кири-
тилгунга қадар тузилган хўжалик жамиятлари ва шир-
катлари ўз хўжалик фаолиятларини ўз уставларига му-
вофиқ юритишга ҳақлидирлар.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси-
нинг қонун ҳужжатлари «Хужалик жамиятлари ва шир-
катлари түғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирилгунга

қадар амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Қонуни-
га зид келмайдиган қисми қўллапилаверади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Иқ-
тисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини
ўзи бошқариш қўмитаси ушбу Қонуннинг ижроси усти-
дан назорат ўрнатсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси

Ш. ЙУЛДОШЕВ

**АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ТҮГРИСИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИҚАСИННИГ
1992 йил 9 декабрь**

ҚОНУНИ

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашиниң
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 15-модда.)**

Ушбу Қонун Узбекистон Республикаси ҳудудида мулкдорлар ва давлатнинг мулкий манфаатларини ҳимоялашга кўмаклашувчи мустақил молиявий назорат тизимининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

I БУЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Аудит

1. Аудит — муайян ваколатлар берилган шахслар аудиторлар (аудиторлик фирмалари) томонидан хўжалик юритаётган субъектларнинг молиявий ҳисоботлари тўғрилигини, улар амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Узбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларига қай даражада мувофиқлигини, шунингдек мукаммаллиги ва асослилигини, бухгалтерия ҳисоб-китоби ва бошқа молиявий ҳисобот юритишга доир талабларга қай даражада монандлигини текшириш мақсадида ўтказиладиган молия ҳужжатларининг экспертизаси ва таҳлилидир. Аудит шунингдек консалтингни — мижоз билан шартнома асосида хизматлар курсатишни ўз ичига олади.

2. Аудиторлик фаолияти махсус ваколат берилган давлат идоралари томонидан хўжалик субъектлари фаолияти устидан назорат қилинишининг ўрнини босмайди.

2-модда. Аудитор, аудиторлик фирмаси

1. Аудитор — белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олган ва аудиторларнинг касб-кор рўйхатига киритилган муттахассисдир.

2. Аудиторлик фирмаси — юридик ёки жисмоний шахс томонидан тузилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўз уставига кўра фаолият соҳаси аудиторлик хизматлари кўрсатишдан иборат бўлган корхонадир.

Аудиторлик фирмалари кичик корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар тарзида тузилиши мумкин, очиқ турдаги акциядор жамиятлар бундан мустасно.

3. Аудиторлар ва аудиторлик фирмалари давлат рўйхатидан ўтиб, лицензия олганларидан кейин ўз фаолиятларини бошлайдилар.

3-модда. Хўжалик юритаётган субъект.

Хўжалик юритаётган субъектлар дейилганида мулк шаклидан қатъи назар барча корхоналар ҳамда мустақил тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи айрим фуқаролар тушунилади.

Хўжалик юритаётган субъектлар аудитор (аудиторлик фирмаси)ни танлаш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳуқуқ аудиторлик фирмаси ва хўжалик юритаётган субъект ўртасида тузиладиган шартномада мустаҳкамлаб қўйилади.

4-модда. Аудиторлар ва аудиторлик фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Аудиторлар ва аудиторлик фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида амалга оширилади.

5-модда. Аудиторлик фаолиятига лицензия бериш

Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар давлат рўйхатидан ўтилгандан кейин берилади.

Аудиторлик фаолиятига доир лицензиялар бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6-модда. Аудитор хулосаси

Аудитор хулосаси — бухгалтерия ҳисоб-китобини юритишига ҳамда ошкор қилинадиган йиллик молиявий ҳисобот ҳужжатлари тайёрлашга доир талабларга ҳўжалик юритаётган субъектнинг ҳисобот ҳужжатлари қай даражада мувофиқлиги хусусидаги аудитор фикри баён қилинган, имзоси қўйилган ва муҳр билан тасдиқланган ҳужжатdir.

7-модда. Аудиторлик фаолиятига доир қонунлар

Аудиторлик фаолияти билан боғлиқ муносабатлар «Ўзбекистон Республикасидағи Корхоналар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудида эса Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

II БҮЛИМ. АУДИТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ВАЗИФАЛАРИ

8-модда. Аудиторнинг (аудиторлик фирмаси- нинг) ҳуқуқлари

Аудитор (аудиторлик фирмаси):

имзоланган шартнома асосида ҳўжалик юритаётган субъектнинг ҳисобот ҳужжатларини аудитдан ўтказиш ва консалтинг хизматлари кўрсатиш;

ушбу Қонун, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларининг талабларига асосланиб, текширишнинг шакл ва услубларини мустақил белгилаш;

ўзи текшираётган ҳўжалик юритаётган субъектнинг мулкий ҳолати ва фаолиятини кўрсатувчи, текширилаётган объектда ҳам, учинчи шахсларда ҳам бўлган ҳужжатлар билан эркин танишиш;

ўтказилаётган текширув ёки аудиторлик хизмати кўрсатиш муносабати билан текшираётган ҳўжалик субъекти раҳбарлари ва бошқа ходимларидан, шунингдек учинчи шахслардан оғзаки ёки ёзма шаклда зарур тушунтиришлар олиш;

лицензиядан маҳрум этишга доир қарор устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

9-м о д д а. Аудиторнинг (аудиторлик фирмасининг) вазифалари

Аудитор (аудиторлик фирмаси):

аудиторлик текширувларини сифатли ўтказиш, текширишлар ўтказиш билан боғлиқ бошқа аудиторлик хизматлари кўрсатиш;

ўзи текшираётган хўжалик юритиш субъектининг раҳбариятига текширув чоғида аниқланган бухгалтерия ҳисоб-китоби юритиш ҳамда молиявий ҳисобот ҳужжатлари тайёрлашга доир талаблар ва қонунлар бузилганини маълум қилиши;

ўз вазифаларини бажариш чоғида сир сақлаш қондаларига риоя этиши. Мижозга зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни фақат суд талабига биноан ошкор этишга йўл қўйилади;

текшириш тугалланиб, хулоса чиқарилгунга қадар узрсиз сабабларсиз ўз фаолиятини тўхтатиб қўймаслиги;

зарур ҳолларда, текширув натижаларини маълум қилиш учун мулкдорларнинг (акциядорларнинг) умумий ийғилиши чақирилишини талаб қилиши;

башарти, олдинданоқ ўз хатти-ҳаракатларида холис ва одил бўлолмаса, ўз фаолиятини давом эттиришдан воз кечиши шарт.

10-м о д д а. Аудиторларни тайинлаш ва чақириб олиш

1. Аудитор аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисида мижоз билан шартнома тузган аудиторлик фирмаси томонидан хўжалик юритаётган субъект мулкдорлари билан келишилган ҳолда тайинланади.

2. Аудиторни чақириб олиш фақатгина хўжалик юритаётган субъект мулкдорларининг ёки аудиторни тайинлаган юридик шахснинг қарорига биноан амалга оширилиши мумкин бўлиб, бу ҳақда аудитор олдиндан унинг хизматларидан воз кечилиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда хабардор этилиши лозим.

3. Буюртма асосида ўтказилган текшириш ёки бошқа ишларни амалга ошириш чоғида аудитор хизматидан воз кечилса, хўжалик юритаётган субъектнинг мулкдори аудиторнинг хизмат ҳақини тўлаши шарт.

4. Суриштирув идорасининг, прокурор, терговчи ва суднинг топширифига биноан ўтказилган аудиторлик

текширувига кетган харажатлар текширилаётган хўжалик юритаётган субъектлар ҳисобидан, унинг етарли маблағи бўлмаган тақдирда эса— текширишни тайинланган идора ҳисобидан сарфланади.

Башарти, хўжалик юритаётган субъект текширув ўтказиш учун кетадиган харажатларни тўлашга етарли маблағга эга бўлса-ю, аммо тўловдан бош тортса прокурор аудитор ёки аудиторлик фирмасининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш учун тегишли судга мурожаат этиши шарт.

11-модда. Аудиторнинг (аудиторлик фирмасининг) ишлаши учун шарт-шароит яратиб бериш

Хўжалик юритаётган субъектнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар аудиторнинг талабига биноан:

молия-хўжалик фаолиятига доир ҳўжжатларни тақдим этишлари;

ёзма ёки оғзаки шаклда зарур тушунтиришлар беришлари;

текширилаётган объектнинг молия-хўжалик фаолиятини экспертизадан сифатли ўтказиш учун бошқа зарур шарт-шароит яратиб беришлари шарт.

12-модда. Аудиторнинг жавобгарлиги

Аудитор ва аудиторлик фирмаси аудиторлик текширувлари ўтказиш чоғида ушбу Қонуннинг ва Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларини бузганлик учун:

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ мулкий ва маъмурий жавобгарликка;

лицензия берган идоранинг қарорига мувофиқ аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тўхтатишгача ёки бундай лицензиядан маҳрум этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиладилар.

III БҮЛИМ. АУДИТОРЛАР ПАЛАТАСИ

13-модда. Аудиторлар палатаси

Ўзбекистон Республикасининг Аудиторлар палатаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш олиб борувчи аудиторларни ихтиёрий асосларда бирлаштириб, аудиторлик фаолиятини ривожлантиришга, такомиллаштиришга ва бир хиллаштиришга даъват этилган мустақил жамоат ташкилотидир.

14-модда. Аудиторлар палатасининг Ўзбекистон Республикаси давлат идоралари ва хорижий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

1. Аудиторлар палатаси Ўзбекистон Республикаси-
~~нинг Молия вазирлиги билан биргаликда:~~

аудитор лицензияси олиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ўтказиладиган малака имтиҳонлари дастурини ва тартибини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлади;

аудиторлик текширувлари ўтказишнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқади;

аудиторлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қиласди;

аудиторлик фаолияти билан боғлиқ, қонунларга зид келмайдиган бошқа хатти-ҳаракатларни амалга оширади.

2. Аудиторлар палатаси давлатнинг бошқа идоралари, мамлакатдаги ва хориждаги аудиторлар ҳамда бухгалтерлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласди.

3. Аудиторлар палатаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда:

аудиторлик фирмалари тузиш масалаларини қараб чиқади;

бошқа давлатларнинг аудиторлик палаталари ёки шундай ишни бажариш ваколати берилган идоралари билан тегишли ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг лицензияларини ўзаро эътироф этиш тўғрисида шартнома тузади.

IV БҮЛИМ. ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ҲУЖЖАТЛАРИ

15-модда. Эълон қилинадиган молиявий ҳисобот ҳужжатлари

~~Хўжадан юритаётган субъектини эълон қилинадиган молиявий ҳисобот ҳужжатлари — аудиторлик, хуносасини, балансни, фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботни ёки даромадларга доир декларацияни ҳамда бухгалтерияга оид бошқа маълумотларни ўз ичига олади. Бундай маълумотлар ташқаридаги фойдаланувчилар учун тақдим этилиши шарт.~~

**16 модда. Молиявий ҳисобот ҳужжатларини
эълон қилиш**

1. Дастребаки тарзда ажор текширувидан ўтган молиявий ҳисобот ҳужжатлари:

ташкилий-хуқуқий шакли мулкдорларнинг мулкий жавобгарлиги чекланишини кўзда тутадиган хўжалик юритаётган субъектлар;

акциялари фонд биржаларида қимматга эга бўлган хўжалик юритаётган субъектлар;

мулк шаклидан қатъи назар, банклар;

мулк шаклидан қатъи назар, суғурта компаниялари;

фаолият соҳаси учинчи шахсларнинг маблағларини акциялар, облигациялар ёки бошқа қимматбаҳо қофозларга жойлаштиришдан иборат бўлган инвестиция ва молия компаниюлари;

биржалар;

~~чет эл инвестициялари эга бўлган корхоналар;~~

доирасини ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берадиган бошқа субъектлар томонидан эълон қилиниши шарт.

2. Йиллик молиявий ҳисобот ҳужжатлари тегишли молия йили тугаганидан кейин кўпли билан 5 ой ичida эълон қилинади.

V БҮЛИМ. МАХСУС ҚОИДАЛАР

17-модда. Аудиторлик фаолияти юритишни тақиқлаш

Аудиторлик текшируви:

текширилаётган хўжалик юритиш субъекти раҳбар-

лари ва мансабдор шахсларидан бирортаси билан бевосита қариндош шахс;

текширилаётган хўжалик юритиш субъектида шахсий мулкий манфаатлари бўлган шахс;

хўжалик юритаётган субъектнинг раҳбарлари, мусассислари ёки мулкдорлари;

текширилаётган хўжалик юритиш субъекти ёки унинг филиали ходими;

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг мансабдор шахслари;

кредиторлар, инвесторлар ва бошқа манфаатдер шахслар томонидан ўтиказилиши ман этилади.

18-модда. Низоларни ҳал этиш тартиби

Аудиторлар ва аудиторлик фирмалари ўртасидаги ўзаро низолар, шунингдек улар билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги низолар қонунларда белгиланган тартибда қараб чиқилади.

Узбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

**«АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ТҮФРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ
АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
КЕНГАШИННИГ
1992 йил 9 декабрь**

ҚАРОРИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 16-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор
қилади:

1. «Аудиторлик фаолияти түфрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан бошлаб амалга киртилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ойлик муддат ичидаги:

«Аудиторлик фаолияти түфрисида»ги Қонун ижросини таъминловчи зарур меъёрий ҳужжатлар тайёрласин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Аудиторлик фаолияти түфрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўйимтадари ўзлари чиқарган, ушбу Қонунга зид келувчи меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларни таъминласин;

бир ойлик муддат ичидаги:

Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар палатаси түфрисида муваққат низомни тайёрласин ва уни тасдиқласин;

Йиллик ҳисоботлар билан бир вақтда ана шу ҳисоботларнинг мукаммалнигига доир аудиторлик хулосалири тақдим этиши шарт бўлган корхоналар ва ташкилотлар доирасини белгиласин.

3. Аудиторлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналар (ташкилотлар) махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосидагина шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турлари рўйхатига ки-

ритилсин (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг 1992 йил 14 январда қабул қилган «Корхоналар (ташкимотлар) фақат маҳсус руҳсатномалар (лицензиялар) асосидагина шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турларининг рўйхати ҳақидаги» 516—ХII-сонли қарор).

Ўзбекистон Республикаси Олий
Қенгашининг Раиси

Ш. ЙУЛДОШЕВ

**ГАРОВ ТҮФРИСИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
1992 йил 9 декабрь**

ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 17-модда)

I БУЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Гаров тушунчаси

1. Гаров мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларидан бири ҳисобланади.
2. Гаров туфайли кредитор (гаровга олувчи) қарздор мажбуриятларни бажармаган тақдирда гаровга қўювчи гаровга қўйган мол-мулк қийматидан таъминланиш ҳуқуқига эгадир.
3. Қонун бўйича ҳақиқий бўлган ҳар қандай мажбуриятнинг: заём (банк берадиган қарэ), ижара, олди-сотди, юкларни ташиш ва ҳуқуқнинг ҳар қандай субъектлари (жисмоний ва юридик шахслар, давлат) ўртасидаги бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши гаров билан таъминланиши мумкин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг гаров тўғрисидаги қонунлари

1. Гаров тўғрисидаги асосий қоидалар ушбу Қонун билан белгилашиб қўйилади.
2. Қорақалпоғистон Республикасида гаров билан боғлиқ муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солинади.
3. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида гаров тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

3-модда. Гаровнинг юзага келиш сабаблари

1. Гаров шартнома ёки қонун ҳужжатлари туфайли юзага келади.

2. Гаровнинг юзага келишни назарда тутувчи қонун ҳужжатида қандай мажбурият туфайли ва айнан қайси мол-мулк гаровда турган деб эътироф этилиши лозимлиги қайд қилинган бўлиши лозим.

4-модда. Гаров нарсаси

1. Ашёлар, қимматбаҳо қоғозлар, пул маблағлари, бошқа мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлар гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Шахсий хусусиятига эга бўлган талаблар, шунингдек гаровга қўйилиши қонун билан тақиқлаб қўйилган бошқа талаблар гаров нарсаси бўлиши мумкин эмас.

2. Гаров ҳуқуқи келгусида гаровга қўювчининг эгалигига (тўлиқ хўжалик тасарруфига ёки бевосита бошқарувига) ўтадиган мол-мулкка нисбатан шартнома билан татбиқ этилиши мумкин.

3. Башарти, шартномада ёки қонунларда ўзгача қонда назарда тутилмаган бўлса, мол-мулкка нисбатан гаров ҳуқуқи мол-мулкнинг ашёларини ҳам, таркибий сана марасини ҳам ўз ичига олади. Мол-мулкка нисбатан гаров ҳуқуқи шартномада ёки қонунларда назарда тутилган ҳолларда, доирада ва тартибда ажратиб бўладиган самарани, бўлғуси хосилни, чорва моллар наслини, буюм келтирадиган даромадларни ўз ичига олиши мумкин.

4. Тарихий, маданий ёки ўзга қиммати туфайли ёхуд давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан гаров қўлланиши мумкин бўлмаган обьектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади.

5-модда. Гаров билан таъминланадиган талаблар

1. Башарти, шартномада ёки қонунларда ўзгача қонда назарда тутилмаган бўлса, гаров ҳақиқатда қондириш пайтида бўлган ҳажмдаги талабни қондиради, фойзлар, ижрони кечиктириб юбориш оқибатида етказилиган заарларни қоплаш, неустойкани (жаримани, пеняни), жарималарни тўлаш, гаровга қўйилган мол-мулкни сақлаб туришга кетадиган зарур чиқимлар, шунингдек ундириб олиш билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш шулар жумласига киради.

2. Гаров келгусида пайдо бўлувчи талабларга нисбатан ҳам, башарти, томонлар бундай талабларнинг гаров билан таъминланиш миқдори тўғрисида келишиб олсалар, белгиланиши мумкин.

6-модда. Умумий мулк бўлган мол-мулкни гаровга қўйиш

1. Ўртадаги умумий мол-мулк фақат барча мулкдорларнинг розилиги билан гаровга қўйилиши мумкин.

2. Мулкдорнинг умумий ҳиссабай мулкдаги ўз улужини гаровга қўйиши қолган мулк эгаларининг розилик беришини талаб қилмайди.

7-модда. Гаров нарсасининг тасодифан нобуд бўлиш хавфи

Башарти, шартномада ёки қонунларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўйилган мол-мулкнинг эгаси (тўлиқ ҳўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқарув ҳуқуқи субъекти) нарса тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан ишдан чиқиши хавфини ўз зиммасига олади.

8-модда. Гаровга қўювчи ва гаровга оловучи

1. Юридик ёки жисмоний шахслар гаровга қўювчи ёки гаровга оловучи бўлишлари мумкин.

2. Қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс (мулкий кафил) ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Гаровга қўювчи гаровга берилётган мол-мулкка эгалик (тўлиқ ҳўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқарув) ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Мол-мулк тўлиқ ҳўжалик тасарруфи ҳуқуқи билан биркитиб қўйилган корхона шу мол-мулк эгасининг ёки у ваколат берган идоранинг розилиги билан умуман корхонанинг, мулкий мажмуалар сифатида унинг тузилмалари ва бўлинмаларининг, шунингдек алоҳида бинолар ва иншоотларнинг гаровини амалга оширади.

Ўзига биркитиб қўйилган мол-мулкни бевосита идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган муассаса (ташкилот) ўзига рухсат этилган ҳўжалик фаолиятидан олинган даромадлар ҳисобига орттирилган ашёлар ёки ҳуқуқларни гаровга беришга ҳақлидир.

Эгалик ҳуқуқининг кейинги субъектга ўтиши тўлиқ

хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқаруви остидаги мол-мулк гаровига даҳл қилмайди.

3. Ҳуқуқларни гаровга қўйишда шу ҳуқуқларга эга бўлган шахс гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Бир нечта шахсга биргаликда тегишли бўлган ҳуқуқ унинг барча эгаларининг розилиги билангина гаровга қўйилиши мумкин.

Ижарачи ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ижарага берувчининг розилигисиз ўзининг ижарага онд ҳуқуқларини гаровга ўтказишга ҳақлидир.

4. Бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар, қонуларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга доир муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан айни бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар ҳамда айни бир хил мажбуриятларга эга бўладилар.

9-модда. Гаров нарсасини суғурта қилиш

1. Қонун ва шартнома гаровга олувчининг зиммасига унинг тасарруфига берилган гаровдаги мол-мулкни суғурта қилиш мажбуриятини юклаши мумкин, агар ушбу мол-мулк унинг эгаси томонидан суғурталанмаган бўлса.

Гаровга қўювчининг фойдаланишида қоладиган гаровдаги мол-мулкни суғурта қилиш унинг ўзига юкланиди.

2. Шартнома ёки қонунлар билан гаровга қўювчи зиммасига давлат идоралари томонидан унинг хўжалик фаолиятини тўхтатиб қўювчи ёхуд унга ҳалақит қилувчи ёки унга салбий таъсир этувчи хатти-ҳаракатлар содир этилиши ва ҳужжатлар қабул қилиниши (мол-мулкни мусодара, реквизация қилиш), шунингдек тугатилиши ёки хўжалик субъекти тўлов қобилиятини йўқотган деб эътироф этилиши ҳолларидан суғурта қилиш ажбурияти юкланиши мумкин.

3. Гаровдаги мол-мулкни суғурта қилишда гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбурият суммасигача бўлган суғурта пули суммасини олувчи деб кўрсатилади. Гаровга қўювчи суғурта пулининг қолдиқ суммасини олади.

Суғурта ҳоллари содир бўлганида гаровга олувчи ўз

талаблари сугурта пули суммасидан имтиёзли қоңдирилиши ҳуқуқига эга бўлади.

10-модда. Гаров шартномасининг мазмуни

Гаров шартномасида томонларнинг номи, жойлашган манзили (истиқомат жойи), гаров турни, гаров билан таъминланган талабнинг моҳияти, унинг миқдори, мажбуриятни ижро этиш муддатлари, гаровдаги молмулкнинг рўйхати, қиймати ва турган жойи, шунингдек томонларнинг келишувига эришилган бошқа маълумотлар кўрсатилган булиши зарур.

11-модда. Гаров шартномасининг шакли

1. Гаров шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Ушбу Конунда назарда тутилган ҳолларда гаров шартномаси нотариал йўл билан тасдиқланиши ва шундай рўйхатни юритувчи давлат идорасида қайд этилиши зарур.

2. Кўчмас мулк ва унга бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш шартномалари, шунингдек муомаладаги ва қайта ишловдаги молларни гаровга қўйиш нотариал йўл билан албатта тасдиқланиши ҳамда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Конунларда гаров шартномаларини нотариал йўл билан тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишининг бошқа ҳоллари назарда тутилиши мумкин.

3. Башарти, шартномада назарда тутилган бўлса, нотариал идора гаров тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш билан бир пайтда гаров нарсасини тасарруфдан чиқаришни тақиқлаб қўяди.

4. Гаров шарти гаров билан таъминланган мажбурият юзага келувчи шартномага киритилиши мумкин. Бундай шартнома ушбу Конунда белгиланган тартибда нотариал йўл билан тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши лозим.

5. Гаров тўғрисидаги шартнома шаклига, уни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартибига риоя этилмаган ҳолларда шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

12-модда. Гаровнинг вужудга келиш пайти

Гаров гаров шартномаси имзоланган пайтдан эътиборан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган ҳолларда эса, шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Агар шартномага ёки қонунларга мувофиқ гаров нарсаси гаровга олувчида туриши

лосим бўлса, гаров ҳуқуқи унга гаров нарсаси берилган пайтда, агар гаров нарсаси шартнома имзолангунга қадар берилган бўлса, шартнома имзоланган пайтда вуажудга келади.

13-модда. Гаров нарсаси учинчи шахсларга ўтганида гаровнинг сақланиши

Гаров нарсасига бўлган мулкӣ ҳуқуқ (тўлиқ хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқаруви) гаровга қўювчидан учинчи шахсга ўтган тақдирда гаров ўз кучини сақлади.

14-модда. Назбатдаги гаровлар

1. Агар гаров шартномасида ўзга қонда назарда тутилмаган бўлса, такрорий ва кейинги гаровларга йўл қўйилади. Бу ҳолда аввалги гаровга олувчининг (аввалги гаровга олувчиликниг) гаёзи ўз кучини сақлади.

2. Гаров ҳуқуқи кейинроқ вуужудга келадиган гаровга олувчининг талаби аввалги гаровга олувчиларнинг талаблари тўлиқ бажо этилганидан кейин қондирилади.

3. Гаровга қўювчи ҳар бир гаровга олувчига барча аввалги ва кейинги гаровлар ҳақида, шунингдек бу гаровлар билан таъминланган мажбуриятларнинг хусусияти ва миқдори ҳақида маълум қилиши шарт. Гаровга қўювчи гаровга олувчиларидан ҳар бирида у бу мажбуриятни бажармаслиги оқибатида пайдо бўладиган зарарни қоплаши шарт.

15-модда. Кредитср талабларининг учинчи шахс томонидан қондирилиши оқибатлари

Кредитор талабларини тўлиқ ҳажмда қондирган учинчи шахсга талаб қилиш ҳуқуқини таъминлаган гаров ҳам ўтади.

16-модда. Депозитга пул ўтказиш йўли билан гаровни тўхтатиш

Гаровга олувчи гаров билан таъминланган пул мажбурияти ижросини қабул қилишдан воз кечганида төгишли пул нотариал идора ёки банкнинг депозитига ўт-

казилади. Депозитга ўтказилган пул қарзни түлиқ қопласа, гаров шартномаси ўз кучини йўқотади.

17-модда. Учинчи шахс (мулкий кафил)нинг гаров хуни билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилмаслиги оқибатлари

1. Қарздор томонидан кредитор олдидаги мажбурият бажарилмаган тақдирда, қарздорнинг мажбуриятини таъминлашга гаров берган учинчи шахс (мулкий кафил) ундирувнинг гаровга қўйилган нарсага қаратилишидан сақланиш мақсадида бу мажбуриятни бажаришга ҳақлидир.

2. Ундириш гаров нарсасига уни сотиш йўли билан қаратилган тақдирда мулкий кафил қарздордан унинг қийматини ва кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

18-модда. Ундирувнинг гаровга қўйилган нарсага қаратилиши

1. Агар шартномада ёки қонунларда ундирувнинг гаровга қўйилган нарсага мажбурий қаратилишнга йўл қўйилмағидиган имтиёзли муддат белгиланмаган бўлса, гаровга оловчи асосий мажбурият бўйича талаб муддати бошланган пайтда ундирувни гаровга қўйилган нарсага қаратиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Агар шартномада ёки қонунларда ўзгача қондалар назарда тутилмаган бўлса, қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бир қисмни бажарган тақдирда гаровга оловчи гаровга қўйилган бор молмулкка бўлган ҳуқуқни сақлаб қолади.

Агар бир нечта ашё ёки ҳуқуқ гаров нарсаси бўлса, гаровга оловчи ана шу барча мол-мулк ҳисобига ёки ашёлар (ҳуқуқлар)дан бирортаси ҳисобига талабини қондириши мумкин, бунда кейинчалик гаров нарсасини ташкил этувчи бошқа ашёлар (ҳуқуқлар) ҳисобига талабини қондириш имконини сақлаб қолади.

19-модда. Ундирувни гаровга қўйилган нарсага қаратиш тартиби

1. Агар қонунда ўзгача қондалар белгиланмаган бўлса, қарзdir гаров билан таъминланган мажбуриятни ба-

жармаган тақдирда кредитор талабини гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан қондириш суд, хўжалик суди ёки холислар судининг қарорига биноан амалга оширилади.

Қонунларда назарда тутилган ҳолларда ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш нотариуснинг ижро этиш ёзуви асосида муқаррар тартибда амалга оширилади.

Агар қонун ҳужжатларида ўзгача қондалар назарда тутилмаган бўлса, гаров нарсасини сотиш суд ижро-чиси томонидан суд берган ижро варақаси ёхуд хўжалик судининг бўйруғи ёки нотариуснинг ижро этиш ёзуви асосида қонунларда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Гаров нарсасини сотиш кимошди савдоси (очиқ савдо) да ёки воситачилик дўконлари орқали амалга оширилади.

2. Ундирув гаровга қўйилган нарсага қаратилганда гаровга олувчининг талаби бошқа кредиторларга ишбатан имтиёзли тарзда қондирилади, Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

3. Агар гаров нарсасини сотишдан тушган пул гаров олувчининг талабларини қоплашга камлик қиласа, шартномада ёки қонунлarda ўзгача қондалар йўқ бўлган тақдирда етишмаётган пулни гаров олувчи қарздорнинг бошқа мол-мулкидан қонунларда назарда тутилган навбат билан олиш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Агар гаров нарсасини сотишдан тушган пул кредиторнинг гаров билан таъминланган мажбурият бўйича талаблари миқдоридан ортиқ бўлса, кредитор бир ойлик муддат ичидага қарздорга фарқни тўлаши шарт.

20-модда. Гаров нарсасининг гаровга олувчи томонидан мустақил равишда сотиши

1. Гаровга олувчи гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган ҳолларда, гаровда турган мол-мулкни мустақил равишда сотишга ҳақлидир.

2. Гаровга қўювчи мол-мулкни қасддан арzon баҳода сотганлиги учун жавоб берниши тўғрисида гаровга олувчи олдига талаб қўйишга ҳақлидир. Гаров нарсасини воситачилик асосида, бозорда ёки кимошди савдоси-

да сотиш гаровга олувчининг арzon баҳода соттанликада айби йўқлигининг шартидир.

21-модда. Амалга ошмаган кимошди савдоси (очиқ савдо) оқибатлари

1. Агар кимошди савдоси (очиқ савдо) амалга ошмаган деб эълон қилинган бўлса, гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулкни ушбу Қонуннинг 19-моддасида назарда тутилган оқибатлар билан дастлабки баҳосида ўзида қолдиришга ҳақлидир.

2. Кимошди савдоси (очиқ савдо) амалга ошмаган деб эълон қилиниши оқибатида гаровга олувчи гаров нарсасини ўзида қолдирган ҳолларда, у қонунларга мувофиқ ўз талабларига нисбатан устунликка эга бўлган даъвolarни қондириши шарт. Бундай ҳолларда гаровга олувчининг жавобгарлиги бу мол-мулкниң кимошди савдоси (очиқ савдо) учун белгиланган дастлабки баҳосидан ошмаслиги лозим.

22-модда. Гаров ҳуқуқини тўхтатиш

Гаров ҳуқуқи:

- а) гаров билан таъминланган мажбурият пжро этилганда;
- б) гаровга қўйилган мол-мулк нобуд бўлганда;
- в) гаров нарсасига бўлган ҳуқуқ гаровга олувчига ўтганида;
- г) гаровга қўйилган мол-мулк мажбуран сотилганда;
- д) даъво мuddати ўтиб кетганилиги оқибатида гаров билан таъминланган мажбурият бўйича кредиторнинг ўз талаблари қаноатлантирилиши мумкин бўлмаганда;
- е) гаров нарсасини ташкил этувчи ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганда;
- ж) Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатилади.

23-модда. Юридик шахс—гаровга қўювчининг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши оқибатлари

Юридик шахс—гаровга қўювчи қайта ташкил этилган ёки тугатилганда гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати бошланишидан қатъи назар, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш ҳуқуқига эга бўлади.

И БУЛИМ. ГАРОВГА ҚҮЙИЛГАН МОЛ-МУЛКНИ ГАРОВГА ОЛУВЧИГА БЕРИБ ҚҮЙИЛАДИГАН ГАРОВ (ЗАКАЛАТ)

24-м о д д а. Закалат тушунчаси

1. Закалат— кўчар мол-мулкнинг гаровидир, бунда гаров нарсасини ташкил этувчи ашё гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчи ихтиёрига берилади.

2. Кредиторнинг гаровга қўювчи билан келишувига биноан гаров нарсаси гаровга қўювчи ихтиёрида қулфланган ва гаровга олувчининг муҳри босилган ҳолда (ишенчли гаров) қолдирилиши мумкин. Алоҳида белгиланган ашё гаров тўғрисида далолат берувчи белгилар қўйилган ҳолда гаровга қўювчи ихтиёрида қолдирилиши мумкин.

25-м о д д а. Закалат қўйилганда гаровга олувчи- ниг ҳуқуқлари

1. Гаровга олувчи гаров нарсасидан шартномада ёки қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина фойдаланиш ҳуқуқи гэга. У гаров нарсасидан фойдаланишда эга бўлган мулкий фойда биринчи навбатда ашёни сақлаш билан боғлиқ чиқимларни қоплашга сарфланади ёки гаров билан таъминланган мажбурият фоизларини ёхуд мажбуриятнинг ўзини узиш ҳисобига ўтказилади.

2. Гаровга олувчи мажбурият тўлиқ бажарилгунга қадар ашёни ушлаб турнишга ҳақлидир.

3. Гаровга олувчининг айби бўлмагани ҳолда гаров нарсаси нобуд бўлиши, шикастланиш ёки қиймати пасайиши хавфи пайдо бўлган тақдирда, у бундай нарсани алмаштиришни талаб қилишга, қарздор бу талабни бажаришни рад этган тақдирда эса ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка муддатидан илгари қаратишга ҳақлидир. Тушган пул, агар шартномада ёки қонунларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, нотариал идора ёки банк депозитига қўйилади ва гаров нарсаси бўлиб хизмат қиласи.

4. Агар гаров билан таъминланган талаб бажарилиши оқибатида гаров тўхтатилса, гаровга олувчида турган гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчига қайтариб берилиши ёки унинг кўрсатмасига биноан гаров

Хуқуқи пайдо бўлиши вақтига кўра кейинги гаровга олувчига берилиши лозим.

26-модда. Закалат қўйилганда гаровга олувчи-нинг мажбуриятлари

Агар шартномада ёки қонунда ўзгача қондалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчи:

а) закалат нарсасини ёки шартномада назарда тутилган нарсанни сақлаб қолиш учун зарур чоралэрни кўриши;

б) шартномада назарда тутилган ҳолларда гаровга қўювчининг манфаатларини кўзлаб гаровга қўйилган ашёдан даромад чиқарив олиши;

в) гаров нарсасининг нобуд бўлиши ёки шикастла-ниши хавфи пайдо бўлганида зудлик билан гаровга қўювчига хабар қилиши;

г) қарздор ёки учычи шахс мажбуриятни бажарганидан кейин гаров нарсасини дарҳол қайтариб берниши;

д) ашёга— гаров нарсасига эгалик қилиш билан бор-лиқ солиқлар ва йиғимларни гаровга қўювчи ҳисобидан тўлаши шарт.

27 модда. Закалат билан таъминланган мажбу-риятни муддатидан олдин бажариш имконияти

Агар гаровга олувчи закалат нарсасини лозим дара-жада сақламаётган ёки ундан фойдаланмаётган бўлса, гаровга қўювчи исталган пайтда гаровни тўхтатишини талаб қилишга ёхуд закалат билан таъминланган маж-буриятни муддатидан олдин бажаришга ҳақлидир.

28-модда. Гаровга олувчининг гаров нарсаси йў-колгани, етишмаслиги ёки шикастлан-ганилиги учун жавобгарлиги

1. Гаровга олувчи, агар йўқотиш, камомад ёки шикастланиш унинг айни бўлмагани ҳолда содир бўлганини исботлай олмаса, гаров нарсасининг йўқолгани, етишмаслиги ёки шикастлангани учун жавоб беради.

Агар гаровхона ёки мол-мулк закалати учун қарз бе-риш фаолият соҳаси ҳисобланувчи бошқа ташкилот гаровга олувчи бўллеа, гаровга олувчи гаров нарсасининг

йўқолиши, камомади ёки шикастланиши бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар таъсиридан, қасд қилиш ёки гаровга қўювчининг ўта эҳтиётсизлиги оқибатида содир бўлганини исботлаган тақдирдагина жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

2. Гаровга олувчи закалат чоғида закалат нарсаси йўқолгани ва камомади учун йўқолган (етишмаган) нарсанинг қиймати миқдорида, закалат нарсаси шикастлангани учун эса қўйилган ашёнинг қиймати қанчага пасайтган бўлса, шунча сумма миқдорида жавобгар бўлади. Агар ашёни закалатга қабул қилиб олишда закалат нарсаси баҳолангандан бўлса, гаровга олувчининг жавобгарлиги кўрсатилган баҳодан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Гаровга олувчи закалат нарсаси йўқолгани, камомади ёки шикастланиши туфайли кўрилган зарарни, агар бу қонунларда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, гаровга қўювчига тўлиқ ҳажмда қоплаши шарт.

29-модда. Мол-мулкни гаровхонада ва гаровхона юмушларини амалга оширувчи ташкилотларда закалатга қўйиш

1. Мол-мулкни гаровхонада ёки фуқароларга гаров эвазига пул қарз бериш хўжалик (тадбиркорлик) фаолияти тури ҳисобланувчи ўзга корхона (ташкилот)да гаровга қўйиш шартномаси икки томон имзолайдиган эгасининг номи ёзилган гаров гувоҳномасини бериш йўли билан расмийлаштирилди ва мажбурий рўйхатдан ўтказилмайди.

2. Гаровхона (гаровхона юмушларини амалга оширувчи ўзга корхона) гаровга олинган мол-мулкни гаровга қўювчи ҳисобидан мол-мулкни гаровга қабул қилиб олишда қўйилган баҳода суфурта қилиши шарт.

3. Гаров билан таъминланган қарз ўз муддатида узилмаган тақдирда, гаровхона (ўзга корхона) имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин бу мол-мулкни воситачилик дўкони орқали ҳақиқий қиймати бўйича, лекин белгиланганидан кам бўлмаган баҳода сотишга ҳақлидир. Тушган пулнинг қарзлар ва бошқа чиқимлар қопланганидан кейин (5-модданинг 1-банди) қолган қисми гаровга қўювчига қайтарилади.

III БҮЛИМ. МОЛ-МУЛК ГАРОВГА ҚҮЮВЧИДА ҚОЛДИРИЛАДЫГАН ГАРОВ

I БОБ. ҮМУМИЙ МАСАЛАЛАР

**30-модда. Гаровга қўйизган мол-мулк гаровга
қўювчида қолдириладиган гаров ишлараси**

1. Корхоналар, бинолар, иишоотлар, квартиралар, транспорт воситалари ва ушбу Қонунинг 4-моддасида уқтириб ўтилган бошқа мол-мулк гаровга қўйилган мол-мулкни гаровга қўювчида қолдириладиган гаров нарсаси булиши мумкин.

2. Блакларга ажраладиган самара, агар у ажралиш чогидан бошлаб учинчи шахс ҳуқуқлари объектига эйланмаган тақдирда, ушбу модданинг 1-бандида курсатилган гаров нарсаси булиши мумкин.

3. Гаровга қўювчи томонидан учинчи шахсга вактинча эгалик қилиш ёки фойдаланишга бериб қўйилган, мол-мулк гарови уни гаровга қўювчида қолдириладиган гаров ҳисобланади.

31-модда. Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга олувчининг ҳуқуқлари

Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда, ёашарти шартномада ўзгача қондалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчи:

а) гаров нарсасининг мавжудлиги, миқдори, ҳолати ва сакланиш шароитларини хужжатнор бўйича заамлий жиҳатдан текширишга;

б) гаровга қўювчидан гаров нарсаси сакланиши учун зарур чоралар кўришни талаб қилишга;

в) гаров нарсасига нисбатан унинг йўқолиши ёки шикастланиши хавфини туғдирадиган тажовузлар қилишни, ким томонидан содир этилаётганидан катъи назар, тўхтатишини талаб этишга ҳақлидир.

Агар гаров нарсаси гаровга олувчининг аёби бўлмагани ҳолда йўқолган ва гаровга қўювчи уни тикламаган ёки гаровга олувчининг розилиги билан қиймати тенг бошқа мол-мулкка алмаштиргмаган бўлса, гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбурият муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

32-м о д д а. Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга қўювчининг хуқуқлари

Агар шартномада ёки қонунда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга қўювчи:

а) гаров нарсасига унинг белгиланган мақсадига мувофиқ равишда эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга;

б) гаров нарсасини гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарзни сотиб олувчига ўтказган ҳолда олиб қўйиш ёхуд ижарага бериш йўли билан тасаррuf этишга ҳақлидир.

33-м о д д а. Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга қўювчининг мажбуриятлари

Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гарова, агар шартномада узгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчи:

а) гаров нарсасини ўз ҳисобидан унинг тўлиқ қийматига суурта қилдириши;

б) гаров нарсасининг сақланиши юзасидан, хусусан асосли ва жорий таъмирлашни қўшган ҳолда, чоралар кўриши;

в) гаров нарсасини ижарага берганлик тўғрисида гаровга олувчини хабардор қилиши шарт.

34-м о д д а. Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга қўювчи томонидан мажбуриятлар бузилишининг оқибатлари

Гаровга қўювчи ушбу Қонун 33-моддасининг «а» ва «б» бандларида назарда тутилган мажбуриятларни бузган тақдирда гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати бошлангунга қадар ундиришни гаров нарсасига қаратишга ҳақлидир.

II БОБ. ИПОТЕКА

35-м о д д а. Ипотека тушунчаси

Гаров нарсаси гаровга қўювчида ёки учинчи шахсда қоладиган кўчмас мулк гарови ипотека деб эътироф қилинади.

36-модда. Ипотека нарсаси

1. Ер билан боғлиқ мол-мулк — иморат, ишоот, кўп квартирали уйлардаги квартиralар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, қонунлар билан кўчмас мулк сира-сига киритилган бошқа мол-мулк, шунингдек транспорт воситалари ипотека нарсаси бўлиши мумкин.

2. Агар ипотека тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса, кўчмас мулқдан хўжаликда ва ўзга тарзда фойдаланиш натижалари, шу жумладан маҳсулот, самара ва бошқа даромадлар гаровнинг мустақил нарсаси бўлиши мумкин.

37-модда. Ипотека тўғрисидаги шартноманинг шакли ва уни рўйхатдан ўтказиш

1. Ипотека шартномаси ушбу Қонуннинг 11-модда-сида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

2. Агар шартномада назарда тутилган бўлса, нотариал идора шартномани тасдиқлаш билан бир пайтда ипотека нарсасини тасарруфидан чиқаришни тақиқлаб қўяди.

3. Ипотека билан таъминланган мажбурият мазмани ўзгарилигтан, шунингдек ипотека нарсасига бўлган мулк ҳуқуқи (тўлиқ хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқаруви) гаровга қўювчидан бошқа шахсга ўтганида қўшимча равишда рўйхатдан ўтказилади.

Мазкур талабнинг бузилиши мажбуриятда амалга оширилган ўзгаришилар ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

4. Ипотека билан таъминланган мажбурият қарздор томонидан бажарилганида, гаровга оловчи гаровга қўювчининг талабига биноан ипотекани рўйхатдан ўтказган идорага рўйхат дафтарига тегишли ўзгаришиларни киритиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Гаровга оловчи мазкур талабни бажармаган ҳолларда гаровга қўювчи ундан ўзига етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

38-модда. Ипотека гарови қўювчисининг ҳуқуқлари

Агар шартномада ёки қонунда ўзгача қондалар назарда тутилмаган бўлса, ипотека гарови қўювчиси:

а) ипотека нарсасига унинг белгиланган мақсадига

мувофиқ равишда эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга;

б) гаровга олувчининг розилиги билан ипотека нарсаси сотилган тақдирда асосий мажбуриятни муддатидан олдин бажаришга ёхуд асосий қарзни гаров топширифи билан биргаликда сотиб олувчига ўтказган ҳолда ипотека нарсасини сотишга;

- в) ипотека нарсасини ижарага топширишга ҳақлидир.

39-м о д д а. Ипотека гарови қўювчисининг мажбуриятлари

Агар шартномада ёки қонунда ўзгача қоидалар зарда тутилмаган бўлса, ипотека гарови қўювчиси:

а) асосли ва жорий таъмирлашни амалга оширишни қўшган ҳолда ипотека нарсасининг сақланиши учун зурораларни кўриши:

б) ипотека нарсасини суғурта қилдириши;

в) ипотека нарсаси нобуд бўлган тақдирда, қиймати нобуд бўлган нарса қийматига teng кўчмас мулк берини ёки муддат келишидан қатъи назар, мажбуриятни тўлиқ ҳажмда ёхуд унинг тегишли қисмини бажариши;

г) ипотека нарсасини ижарага берганлик тўғрисида гаровга олувчини хабардор қилиши шарт.

40-м о д д а. Ипотека гарови гаровга қўювчи томонидан мажбуриятлар бузилишининг оқибатлари

1. Гаровга қўювчи ипотека нарсасини сақлаш учун чораларни кўришга доир мажбуриятларини бузган тақдирда, гаровга олувчи заруратга қараб, ундиришни ипотека нарсасига қаратган ҳолда ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

2. Гаровга қўювчи ипотека нарсасини суғурта қилиш бўйича мажбуриятларини бузган тақдирда гаровга олувчи асосий қарз муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга ёхуд ипотека нарсасини ўз ҳисобидан, лекин гаровга қўювчининг манбаатларини кўзлаб ундан суғурта қилдиришга кетган чиқимларни ундирган ҳолда, суғурта қилишга ҳақлидир.

3. Ушбу модданинг 1 ва 2-бандларида уқтириб ўтилаған оқибатлар, ипотека нарсаси гаровга қўювчидан ёки учинчи шахсада турганидан қатъи назар, бошланади. Гаровга қўювчи бундай учинчи шахснинг хатти-ҳаракатлари учун гаровга олувчи олдида байни ўз хатти-ҳаракатларидек жавобгар бўлади.

41-модда. Ипотека нарсасининг гаровга қўювчи томонидан бегоналаштирилиши

Ипотека нарсаси гаровга қўювчи томонидан бегоналаштирилишига фақат гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

42-модда. Иморатлар, бинолар ва иншоотлар ипотекаси хусусиятлари

• Иморатлар, бинолар ёки иншоотлар ипотекасида кўрсатилган обьектлар жойлашган ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам улар билан бир пайтда гаров нарсасига айланади. Бундай ҳолларда ундириш гаров нарсасига қаратилганда иморатни, бинони, иншоотни қўлга киритувчига бир йўла ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

43-модда. Корхоналар ипотекаси хусусиятлари

1. Жамоа (ширкат) мулкига, шунингдек фуқароларнинг мулкига асосланган корхоналарни ипотекага бериш корхонанинг ўзи томонидан амалга оширилади.

2. Тўлиқ хўжалик тасаруфи ҳуқуқига асосланган корхоналар ипотекаси корхона мулкдорининг розилиги билан ана шу корхона томонидан амалга оширилади.

3. Агар қонунда ёки шартномада ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, корхона ипотекаси унинг барча мол-мулкини, шу жумладан асосий фондлар ва дастмоя маблағларини, шунингдек корхонанинг мустақил балансида акс этган бошқа бойликларни ўз ичига олади.

4. Гаровга қўювчи корхона гаровга олувчининг талабига биноан унга йиллик балансни тақдим этиши шарт.

5. Корхона ипотекаси билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда гаровга олувчи корхонанинг молиявий аҳволини соғломлаштириш юзасидан ипотека шартномасида назарда тутилган чора-тадбир-

ларни кўришга, шу жумладан корхона бошқаруви тар-
кибига ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳамда корхона-
нинг бошқа мол-мulkни тасарруф этиш ҳуқуқи чеклан-
ган вакиллар тайинлашга ҳақлидир.

6. Ушбу модданинг 5-бандида назарда тутилган чо-
ралар кутилган натижани бермаган ҳолларда гаровга
олувчи ундиришини ипотекада турган корхонага қара-
тишга ҳақлидир.

Агар шартномада ёки қонунда назарда тутилган бўл-
са, корхона гаровга оловчига ўтади. Бу ҳолда ипотека
нарсасининг узил-кесил баҳоси корхонанинг ўтиш пай-
тида, гаровга қўювчи ва гаровга оловчига ўртасидаги
келишувга биноан белгиланади, низо пайдо бўлганда
эса суд ёки хўжалик судининг қарорига биноан белги-
ланади.

III БОБ. МУОМАЛАДАГИ ВА ҚАЙТА ИШЛАШДАГИ МОЛЛАРНИНГ ГАРОВИ

44-модда. Муомаладаги ва қайта ишлашдаги молларнинг гарови

1. Хом ашё, бутловчи буюмлар, ярим тайёр ва тай-
ёр маҳсулотлар муомаладаги ва қайта ишлашдаги мол-
ларнинг гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Муомаладаги ва қайта ишлашдаги моллар гаровида
гаров нарсаси (мол заҳиралари, хом ашё, материаллар,
ярим тайёр ва тайёр маҳсулот кабилар)нинг таркиби
ва натурал шаклини ўзгартиришга, уларнинг умумий
қиймати гаров тўғрисидаги шартномада кўрсатилгани-
дан кам бўлиб қолмаслиги шарти билан йўл қўйилади.

Агар шартномада ўзгача қоидалар назарда тутил-
маган бўлса, гаровга қўйилган молларнинг гаров би-
лан таъминланган мажбуриятнинг бажарилган қисмига
мутаносиб равишда уларнинг қийматини пасайтиришга
йўл қўйилади.

2. Муомаладаги ва қайта ишлашдаги моллар гаро-
вига гаровга қўювчи томонидан реализация қилинган
моллар қўлга киритувчининг мулкига, тўлиқ хўжалик
тасарруфига ёки бевосита бошқарувига ўтган пайтдан
бошлаб гаров нарсан бўлишдан тўхтайди, гаровга қў-
ювчи сотиб олган, гаров тўғрисидаги шартномада назар-
да тутилган моллар уларга нисбатан гаровга қўювчи-

нинг мулкий ёки тўлиқ хўжалик тасарруфи ҳуқуқи пайдо бўлган пайтдан бошлаб гаров нарсасига айланади.

45-модда. Муомаладаги ва қайта ишлашдаги моллар гарови тўғрисидаги шартнома томонларининг ҳуқуқ ва бурчлари

1. Гаровга қўювчи гаровга қўйилган молга дахлдор юмушларни алоҳида ҳисобга олиб бориши шарт. У гаров нарсасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

2. Гаровга олувчи гаровга қўйилган молнинг миқдори, ҳолати ва қийматини, шунингдек сақлаш шароитини исталган пайтда текшириш ҳуқуқига эга.

3. Гаровга қўювчи гаров тўғрисидаги шартнома талабларини бажармаган тақдирда гаровга олувчига гаровга қўйилган молни унга беришни ёки молни гаровга қўювчининг ихтиёрида қулфланган ёки гаровга олувчининг муҳри босилган ҳолда қолдиришни, ёхуд гаров билан таъминланган қарзни муддатидан олдин ундириши талаб қилиш ҳуқуқи берилади.

IV БЎЛИМ. ҲУҚУҚЛАР, ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР ВА ПҮЛ МАБЛАҒЛАРИ ГАРОВИ

46-модда. Ҳуқуқлар гаров нарсаси сифатида

1. Гаровга қўювчига тегишли эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқлари, шу жумладан ижаракининг ҳуқуқлари, мажбуриятлардан келиб чиқувчи бошқа ҳуқуқлар (талаблар) ва ўзга мулкий ҳуқуқлар гаров нарсаси бўлиши мумкин.

2. Гаров нарсаси бўлиши қонун билан ман қилинган ҳуқуқларни гаровга қўйишга йўл қўйилмайди.

3. Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни, шунингдек ўзга табиий ресурсларга нисбатан бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйишга қонунларда белгиланган меъёр ва шартларда рухсат этилади.

4. Муддатли ҳуқуқ унинг амал қилиш муддати туга-гунга қадаргина гаров нарсаси бўлиши мумкин.

5. Гаровга қўювчи ҳуқуқлар гарови амалга оширилгани ҳақида ўз қарздорини хабардор қилиши шарт. Башарти, ҳуқуқлар гарови тўғрисидаги шартномада ўз-

гача қоидалар белгиланмаган бўлса, гаровга қўювчига нисбатан қарздор ҳисобланувчи шахс гаровга олувчи мажбуриятини бажариши лозим.

47-м о д д а. Ҳуқуқлар гаровида гаровга қўювчи- нинг мажбуриятлари

1. Башарти, шартномада ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқлар гаровида гаровга қўювчи:

а) гаровга қўйилган ҳуқуқнинг ҳақиқийлигини таъминлаш;

б) гаровга қўйилган ҳуқуқни бериб юбормаслиги;

в) гаровга қўйилган ҳуқуқ тўхтатилишига ёки унинг қиймати камайишига сабаб бўлувчи хатти-ҳаракатлар қилимаслиги;

г) гаровга қўйилган ҳуқуқни учинчи шахслар томонидан қилинадиган тажовузлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган барча чораларни кўриши;

д) гаровга олувчи гаровга қўйилган ҳуқуқда содир бўлган ўзгаришлар тўғрисидаги, унинг учинчи шахслар томонидан бузилганлиги ҳақидаги маълумотларни хабар қилиши шарт.

2. Ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган қоидалар гаровга қўювчининг ҳуқуқий ворисларига нисбатан гаровга қўйилган ҳуқуқлар доирасида қўлланади.

48-м о д д а. Ҳуқуқлар гаровга қўйилганида гаровга олувчининг ҳуқуқлари

Агар шартномада ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқлар гаровга қўйилганида гаровга олувчи:

а) мажбурият билан таъминланган гаров ижроси муддати бошланганидан қатни назар, агар гаровга қўювчи ушбу Қонуннинг 47-моддаси 1-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бузган бўлса, гаровга қўйилган ҳуқуқ ўзига ўтказилишини суд орқали талаб қилишга;

б) гаровга қўйилган ҳуқуқ масаласи кўриб чиқиладиган суд ишида учинчи шахс сифатида қатнашишга;

в) гаровга қўювчи 47-модданинг 1-банди «г» бандчасида назарда тутилган мажбуриятларни бузган тақдирда, гаровга қўйилган ҳуқуқ учинчи шахслар томонидан бузилишининг олдини олиш учун мустакил равишда ҳимоя чораларини кўришга ҳақлиdir.

49-модда. Қарздорнинг гаресга қўювчи олдида- ги мажбуриятларини бажаришининг оқибатлари

1. Агар гаровга қўювчининг қарздори гаров билан таъминланган мажбурият гаровга қўювчи томонидан бажарилгунга қадар ўз мажбуриятини бажарса, бунда гаровга қўювчи олган барча нарсалар гаров нарсасига айланади, гаровга қўювчи бу ҳақда гаровга олувчини дарҳол хабардор қилиши шарт.

2. Агар гаров шартномасида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, гаровга қўювчи ўз қарздоридан мажбуриятни бажариш ҳисобига пул суммалари олишда гаровга олувчининг талабига кўра гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш ҳисобига тегишли суммаларни ўтказиши шарт.

50-модда. Қимматбаҳо қофозлар ва пул маблағлари гарови

1. Қимматбаҳо қофозлар гарови тўғрисидаги шартнома, агар қонунлар ёки томонларнинг келишувида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибда тузилади.

2. Томонларнинг келишувига биноан гаровга қўйилган қимматбаҳо қофозлар сақлаш учун нотариал идора ёки банкка депозитга топширилиши мумкин.

3. Гаров нарсаси ҳисобланувчи қимматбаҳо қофозлардан келадиган даромадлар, агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчига тегишли бўлади.

4. 24—26-моддаларнинг қоидалари кўрсатувчига тўланадиган қимматбаҳо қофозлар гаровига нисбатан ҳам амал қиласди.

5. Гаров нарсаси ҳисобланувчи пул маблағлари нотариал идора ёки банкнинг депозит ҳисобида сақланади. Ушбу суммага ҳисобланадиган фоизлар гаровга қўювчига тегишли бўлади.

6. Башарти, қимматбаҳо қофозлар ёки пул маблағларининг гаровга олувчиси банк бўлса, унда гаров шартномаси нотариал йўл билан тасдиқланмайди ва маҳсус рўйхатдан ўтказилмайди.

В БҮЛИМ. ГАРОВНИ РҮЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

51-модда. Гаровни давлат томонидан рүйхатга олиш

Давлат рүйхатидан ўтказилиши лозим бўлган корхоннинг бутунлай ёки бошқа мол-мулкнинг гаровга қўйиниши бундай рүйхатни амалга оширадиган идорада рүйхатга олиниши лозим.

Агар мол-мулк гарови давлат рүйхатидан ўтказилиши лозим бўлса, унда гаров тўғрисидаги шартнома рүйхатга олинган пайтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади.

52-модда. Гаровга қўювчи томонидан гаровларни қайдлов дафтарини юритиш

1. Юридик ёки жисмоний шахс — тадбиркор:

- гаровларни рүйхатга олиш дафтари юритиши;
- гаров юзага келганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай гаров ва нарсаси, шунингдек гаров билан таъминланган мажбурият ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ёзувларни дафтарга киритиши шарт.

2. Юридик ёки жисмоний шахс — тадбиркор жабралнувчига — гаровга олувчига ёки тегишлича учинчи шахсга гаровларни рүйхатга олиш дафтарига ёзувларни ўз вақтида киритмаганлик, ёзувларнинг тўлиқ эмаслиги, ёки ноаниқлиги, шунингдек гаровларни рүйхатга олиш дафтарини тақдим этиш мажбуриятидан бўйин товлаш оқибатида етказилган зарарни қоплаши шарт.

53-модда. Рўйхатга олишни амалга оширувчи идоранинг мажбуриятлари

1. Гаровни рўйхатга олиш гаровга қўювчининг аризасига биноан, агар шартномада ўзга муддат кўрсатилмаган бўлса, гаров тўғрисидаги шартнома имзоланган пайтдан бошлаб 20 кундан кечиктирмай амалга оширилади.

2. Рўйхатга олишни амалга оширувчи идора қайдлов ёзувлари тўғрисида дарҳол гаровга қўювчига хабар қилиши шарт.

54-модда. Гаров тўғрисидаги рўйхатга олиш ёзувининг мазмуни

Гаров тўғрисидаги рўйхатга олиш ёзуви:

а) гаровга қўювчининг (гаровга қўювчиларнинг) ва гаровга олувчининг (гаровга олувчиларнинг) номи ва манзилини;

б) гаров тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши ва амалга кириши ёхуд қонундан келиб чиқувчи гаров юзага келиши санасини;

в) гаров билан таъминланган мажбурият миқдорини;

г) гаров нарсасининг қисқачи тавсифи;

д) гаровга қўювчининг гаров нарсасига бўлган ҳукуқлари хусусиятини ўз ичига олиши лозим.

Агар гаров нарсаси келгусида гаровга қўювчи томонидан сотиб олиниши лозим бўлса, унда уни сотиб олиш мумкин бўлган муддат кўрсатилади.

55-модда. Гаров рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳнома

Ариза берувчининг талабига биноан гаровни рўйхатдан ўтказган идора гаров билан таъминланган мажбуриятнинг миқдорини, рўйхатга олиш ёзуви қайд этилган сана ва вақтни ҳамда унинг тартиб рақамини тасдиқловчи рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома беради.

56-модда. Гаровни рўйхатга олишнинг амал қилиш муддати

1. Гаровни рўйхатга олиш 5 йил мобайнида амал қилиади ва гаров билан таъминланган мажбурият бажарилгунча ёхуд бундай мажбуриятнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар навбатдаги беш йиллик муддатга узайтирилиши мумкин.

2. Агар гаровни рўйхатга олишнинг амал қилиш муддати қарздор (гаровга қўювчи) корхонани тугатиш тўғрисида судда иш қўзғаш пайтига қадар тугаса, рўйхатга олиш якулланган пайтдан бошлаб олтмиш кун мобайнида ва тугатиш учун белгиланган муддат ўтгуга қадар ўз кучини сақлаб қолади.

3. Гаровни рўйхатга олишнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза рўйхатга олишнинг

беш йиллик муддати тугашига камидан бўйнишни 6 ой қолганда жўнатилиши лозим.

4. Агар гаровнинг рўйхатга олинишини узайтириш тўғрисидаги ариза ушбу модданинг З-бандида кўрсатилган муддат тугагунга қадар жўнатилмаган бўлса, рўйхатни амалга оширган идора рўйхатга олишнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг рўйхатга олиш дафтиридаги гаров тўғрисидаги ёзувни бекор қилиши лозим.

57-модда. Гаровни рўйхатга олиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар устидан шикоят қилиш

Манфаатдор шахс гаровни рўйхатга олишни рад этганлик ёки файриқонуний равишда рўйхатга олганлик устидан рўйхатга оловчи идора жойлашган ердаги судга шикоят аризаси беришга ҳақлидир.

58-модда. Манфаатдор шахсларга гаровни рўйхатга олганлик тўғрисидаги маълумотларни юбориш

1. Гаровни рўйхатга олишни амалга оширган идора тегишли юридик ёки жисмоний шахс — тадбиркорнинг мол-мулки гаровларини рўйхатга олишга доир маълумотларни манфаатдор шахсларнинг талаби билан уларга юбориши шарт.

2. Гаровларни рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотларни йўллаш билан боғлиқ хизматларга ариза берувчи томонидан ҳақ тўлаш миқдори ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

59-модда. Гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш оқибатлари

Гаровни рўйхатга олишни амалга оширган идора гаров билан таъминланган шартнома тўлиқ ёки қисман бажарилгани тўғрисида ўюн гаровга қўювчи эндиликда гаров нарсасининг мулкдори ҳисобланмаслиги (тўлиқ хўжалик тасарруфи, бевосита бошқаруви ҳуқуқига эга эмаслиги) тўғрисида нотариал йўл билан тасдиқланган хабарнома олса, бу идора дарҳол рўйхат дафтирига тегишли ёзувни киритиши шарт.

60-м о д д а . Давлат божи

Гаровни рўйхатга олиш ва уни узайтириш, рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш, шунингдек рўйхат дафтаридан кўчирмалар юбориш учун давлат божи тўланади.

61-м о д д а . Гаровни рўйхатга олишга доир мажбуриятларни бузганлик учун гаровга қўювчининг жавобгарлиги

Гаровга олуви гаровга қўювчидан гаровни рўйхатдан ўтказишга доир белгиланган муддатларни бузганлик учун жарима ундиришга, шунингдек муддатни ўтказиб юбориш оқибатида етказилган заарарнинг жарима билан қопланмаган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Жарима миқдори шартнома билан белгиланаиди.

62-м о д д а . Рўйхатга олишни амалга оширувчи идоранинг жавобгарлиги

Ушбу Қонунда кўрсатилган ҳаракатлар умуман ёки лозим даражада амалга оширилмаган ҳолларда асоссиз рўйхатга олган ёки рўйхатга олишни асоссиз рад этган идора ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари туфайли ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган заарни қоплаши шарт.

VI БЎЛИМ. ГАРОВДА ТОМОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

63-м о д д а . Гаров тўғрисидаги шартноманинг ўзгармаслиги

Шартнома имзоланганидан кейин қонулларда гаровга олувишининг ва (ёки) гаровга қўювчининг аҳволини ўзгартирувчи меъёрлар белгиланган ҳолларда гаров тўғрисида илгари имзоланган шартноманинг талаблари унинг бутун амал қилиш муддатида ўз кучини сақлаб қолади.

64-м о д д а. Гаровга олувчининг ва гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини қонунда назарда тутилган асосларга биноан тўхтатишида гаровга олувчининг манфаатлари ни ҳимоя қилиш

1. Ўзбекистон Республикаси томонидан гаров ҳуқуқини ёхуд гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тўхтатувчи қонунлар қабул қилинган тақдирда, бу ҳужжатлар қабул қилиниши натижасида гаровга олувчига етказилган зарар қиймати унга Ўзбекистон Республикаси томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади. Зарар қийматини тўлашга доир низолар суд томонидан ҳал қилинади.

2. Давлат томонидан давлат мулкига айлантириш, қийматини тўлаш шарти билан давлат ихтиёрига олиш, мусодара қилиш, хатга олиш каби мол-мулк ёки ҳуқуқларини мажбуран тортиб олиш чоралари, шунингдек ўз оқибатларига кўра шунга ўхшаш чоралар кўрилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси шу чораларни амалга ошириш натижасида гаровга олувчига етказилган зарар қийматини тўлайди.

3. Давлат идорасининг гаровга қўйилган мол-мулкни ёки гаровга қўйилган ҳуқуқларни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан гаровга қўйилган уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки дов-дараҳтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқ тўхтатилган ёки гаровга қўйилган ҳуқуқлар тўхтатилган ҳолларда, бу қарор туфайли гаровга олувчи кўрган зарар қиймати унга тўлиқ ҳажмда тўланади. Зарар қийматини тўлашга доир низолар суд ёки ҳўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

65-м о д д а. Гаров ҳуқуқини бузувчи ҳужжатларнинг ҳақиқий эмаслиги

1. Жойлардаги давлат хокимияти ёки давлат бошқаруви идорасининг қонунларига номувофиқ равишда чиқарган ҳужжати натижасида гаровга олувчининг гаров нарсасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга доир ҳуқуқлари бузилган тақдирда, бундай ҳужжат гаровга олувчининг даъвосига биноан суд

ёки хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин.

2. Ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган оқибатлар гаровга қўювчи гаров нарсасини хўжалнида тўлиқ тасарруф этиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолларда ҳам юзага келади.

3. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳужжатлар чиқарилиши натижасида гаровга олувчига етказилган зарар қиймати тегишли давлат хокимияти ёки давлат бошқаруви идораси томонидан тўлиқ ҳажмда тўланиши лозим.

VII БЎЛИМ. ХАЛҚАРО МУОМАЛАДАГИ ГАРОВ

66-модда. Гаров шартномасига нисбатан қўлланадиган қонунлар

1. Гаров шартномасидаги томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартноманинг шакли, у қаерда тузилган бўлса, шу мамлакат қонунлари билан ёки гаров тўғрисидаги шартномани тузиш чоғида томонларнинг ўзи танлаган мамлакатнинг қонунлари билан ёхуд томонларнинг ўзаро келишувига биноан белгиланади.

2. Гаров тўғрисидаги шартномага нисбатан ҳуқуқ қўллаш борасида томонлар ўртасида битим бўлмаган тақдирда гаровга қўювчи қайси мамлакатда таъсис этилган бўлса, ўз турар жойига ёки асосий фаолият жойига эга бўлса, ана шу мамлакат қонунлари ҳуқуқи қўлланади.

3. Муайян мол-мулк ёки ҳуқуқнинг гаров шартномасининг обьекти бўла олиши ёки бўла олмаслиги тегишли равишда мол-мулкка мулкдорлик ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунлар билан ҳамда шу ҳуқуқ юзага келган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар билан белгилаб қўйилади.

4. Узбекистон Республикасида жойлашган иморатлар, бинолар, иншоотлар ва бошقا кўчмас мол-мулкнинг гарови тўғрисидаги шартнома шакли, шунингдек унга бўлган ҳуқуқлар шакли Узбекистон Республикасида таъсис этилган, турар жойи ёки асосий фаолият жойига эга бўлган гаровга қўювчи томонидан тузилган муомаладаги мол-мулк гарови шартномасининг шакли

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

67-модда. Гаровни рўйхатга олишда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий ваколатининг чегаралари

Ушбу Қонунга мувофиқ гаровни рўйхатга олиш мажбурий бўлган ҳолларда, агар у:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кўчмас мол-мулк гаров нарсаси бўлса;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқ гаров нарсаси бўлса;

в) муомаладаги ва қайта ишлашдаги моллар гарови тўғрисидаги шартномада гаровга қўювчи Ўзбекистон Республикасида таъсис этилган бўлса, ўз турар жойига ёки асосий фаолият жойига эга бўлса;

г) денгиздаги қурилмалар, иншоотлар гаров нарсаси бўлса, агар улар Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахсининг, ёхуд Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги ажнабий юридик шахсининг, ёхуд қаррогоҳи Ўзбекистон Республикасида жойлашган давлатлараро ташкилотнинг мулк ёки ижара обьекти бўлса, Ўзбекистон Республикаси идоралари томонидан амалга оширилади.

2. Ажнабий давлат идоралари томонидан амалга оширилган гаров тўғрисидаги шартномани рўйхатга олиш, агар унга гаровни мажбурий тарзда рўйхатга олишнинг ушбу модданинг 1-бандида белгиланган талаблари бузилмаган бўлса, эътироф этилади.

68-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида кимошди савдосида сотиш

1. Гаров тўғрисидаги ташқи савдо шартномасида томонлар гаров тўғрисидаги шартномани имзолашда ёки кейин келишиб олиш асосида гаровга қўйилган мол-мулкни Ўзбекистон Республикасидан ташқарида кимошди савдоси қилиб сотишни белгилаб қўйишга ҳақлидирлар.

2. Гаровга қўйилган мол-мулкни кимошди савдоси тарзида сотиш тартиботи кимошди савдоси қайси дав-

лат ҳудудида ўтказиладиган бўлса, ана шу давлат ҳу-
қуқи билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида жойлашган гаровга қў-
йилган мол-мулк республикадан ташқарида кимошди
савдосида сотилса, бунда даставвал Ўзбекистон Респуб-
ликасининг бож тўғрисидаги қонунларида кўзда тутил-
ган талаблар бажарилмоғи керак.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

**«ГАРОВ ТҮФРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА ҚИРИТИШ
ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ КЕНГАШИННИГ
1992 йил 9 декабрь**

ҚАРОРИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 18-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi қарор
қилиади:

1. «Гаров түғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган кундан бошлаб амалга қиритилсин.

2. «Гаров түғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни у амалга қиритилганидан кейин пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари «Гаров түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, башарти, улар ушбу Қонуга зид бўлмаса, қўлланилаверади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Қонун эълон қилинган кундан бошлаб уч ойлик муддатда:

гаров түғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш билан шуғулланиш ваколати берилган бошқарув идорасини тузсин;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига «Гаров түғрисида»ги Қонундан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi муҳокамасига тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ни ушбу Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсан;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва бошқа идоралари «Гаров түғрисида»ги Қонунга зид бўлган ўз меъёрий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлини ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий

Кенгашининг Раиси

Ш. ИЎЛДОШЕВ.

ДАВЛАТ БОЖИ ТҮГРИСИДА
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
1992 йил 9 декабрь

ҚОНУНИ

(Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 22-модда)

1-м о д д а . Давлат божини тўловчилар

Ўзларининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилувчи ва маъсус ваколатларга эга бўлган ташкилотларда юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни олуви юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилар деб ҳисобланадилар.

2-м о д д а . Давлат божи ундириладиган объектлар

Давлат божи:

судларга бериладиган даъво аризаларидан, маъсус ишлар тўғрисидаги аризалардан (шикоятлардан), маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларга доир шикоятлардан, судларнинг қарорлари юзасидан бериладиган кассацион ва назорат тарзидағи шикоятлардан, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун;

хўжалик судларига берилган даъво аризаларидан, шунингдек хўжалик судларининг қарорларини қайта кўриш тўғрисидаги аризалардан;

нотариал идоралар ҳамда шаҳар, туман ва қишлоқ бошқарув идоралари томонидан нотариал ҳаракатларни бажарганлик учун, шунингдек ҳужжатларнинг нотариал йўл билан тасдиқланган нусхаларини берганлик учун, қайд этилган идоралар томонидан битим, ариза лойиҳалари тузилганлиги, ҳужжатлар тайёрланганлиги ва улардан кўчирмалар қилинганлиги учун;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этганлик учун, шунингдек фуқароларга фуқаролик ҳолати актлари қайд этилганлиги тўғрисидаги такрорий гувоҳномалар берганлик учун ва фуқаролик ҳолати актлари қайд этилган ёзувларга ўзгартиришлар, қўшимчалар, тузатишлар киритган ҳамда уларни қайта тиклаган ҳолда гувоҳномалар берганлик учун;

юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун;

чет элдан республикага келиш ва республикадан чет элга чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, шунингдек бошқа давлатлардан Ўзбекистон Республикаси тақлиф қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни берганлик, ана шу ҳужжатларга ўзгартиришлар киритганлик учун; яашашга доир ҳужжат берганлик ёки унинг муддатини узайтирганлик учун; республика ҳудудига келиш ва республика ҳудудидан чет элга чиқиш ҳуқуқини берадиган чет эл паспортига ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатга виза берганлик учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисида бериладиган аризалардан;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини туар жойига қайд этганлик учун;

ов қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги рухсатномалар берганлик учун;

чет элдан келган пул жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга берганлик учун;

жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар берганлик учун ундирилади.

3-модда. Давлат божи ставкалари

Давлат божи ставкаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

4-модда. Давлат божи бўйича имтиёзлар

1. Судларда қўйидагилар давлат божини тўлашдан озод қилинадилар:

а) даъвогарлар — иш ҳақини ундириб олиш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;

б) даъвогарлар — муаллифлик ҳуқуқларидан келиб чиқадиган даъволардан, шунингдек янгилик очиш, ихтиро қилиш, рационализаторлик тақлифлари ва саноат намуналарига бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги даъволар юзасидан;

в) даъвогарлар — алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

г) даъвогарлар — майиб бўлишдан ёки соғлиққа етказилган бошқа шикастланишлардан, шунингдек боқувчисининг ўлимидан келиб чиқсан заарларни қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

д) даъвогарлар — қонунга зид тарзда маҳкум этиш, жиной жавобгарликка тортиш, маъмурий жазо солиш орқали фуқарога етказилган заарни тўлаш билан боғлиқ низолар юзасидан;

е) ижтимоий суфурта идоралари ва ижтимоий таъминот идоралари — жабрланувчига ёки унинг оила аъзоларига зарар етказувчидан етказилган заарни пенсия ва нафақа тарзида ундириш тўғрисидаги регресс даъволар юзасидан;

ж) ижтимоий таъминот идоралари — зарар етказувчиdan бензинга кетадиган харажатларнинг товон пули, таъмирлаш, автомототранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, ногиронларни автомототранспорт воситаларини ҳайдашга ўргатишга кетган харажатларнинг суммасини ундириш тўғрисидаги регресс даъволар юзасидан, шунингдек хотўри тўланган пенсия ва нафақа суммаларини ундириб олиш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

з) даъвогарлар — жиноят туфайли етказилган моддий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

и) шахслар — мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ бўлмаган никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича кассацион шикоятлардан;

к) юридик ва жисмоний шахслар — жиноят ишлар ва алиментларни ундириш тўғрисидаги ишлар билан боғлиқ ҳужжатларни уларга берганлик учун;

л) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва унинг маҳаллий идоралари — кўчиб борувчиларга нисбатан кўчиб бориш жойига бормаганликлари ёки кўчиб борган жойларини ўз ҳолича тарк этганликлари учун, кўчиб бориш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

м) ҳунар-техника таълими тизимининг билим юртлари — ўқув даргоҳларини ўз ҳолича ташлаб кетган ёки улардан ҳайдалган ўқувчиларни таъминлашга давлат томонидан сарф қилинган харажатларни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

н) Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хў-

жалиги вазирлиги, унинг идоралари — Узбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган сув тўғрисидаги қонунларни бузиш натижасида давлатга етказилган зарарни қоплаш учун маблағларни давлат фойдасига ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

о) шахслар — жиноят туфайли етказилган моддий зарарни ундириб олиш тўғри эканлиги баҳслашилаётган жиноий ишлар юзасидан кассацион шикоятлардан;

п) қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар;

р) даъвогарлар — ўрмон хўжалиги даромадини ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан (шу жумладан, дарахтларни ўсиб турган жойида сотиш тўғрисидаги қоидаларни бузганлик учун кўрилган зарар ва жарима, шунингдек ўзбошимчалик билан дарахтларни кесганлиги, пичаи ўрганилиги ва моллар ўтлатганилиги учун улдириладиган жарималар), жисмоний шахслар мулки бўлган уй-жойларни, дала ҳовлиларниг ва бошқа мулкларни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари фондига бепул олиб қўйиш тўғрисидаги ишлар юзасидан, шунингдек жисмоний шахслардан уларга тегишли бўлган тарихий, бадиий ва бошқа жиҳатдан жамият учун аҳамиятга эга бўлган мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисидаги ишлар юзасидан — жисмоний шахслар бу мулкка хўжасизларча муносабатда бўлган ҳолларда;

с) Ўзбекистон Республикаси молия ва солиқ идоралари — барча ишлар ва ҳужжатлар юзасидан, шунингдек алоҳида ишлар бўйича судга ариза берганлик учун;

т) Ўзбекистон Республикаси давлат сугурута идоралари — мажбурий сугурута қилиш операциялари билан боғлиқ ишлар юзасидан;

у) даъвогар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари — алиментлар ва бошқа тўловлар тўлашдан қочиб юрган шахсларни қидириш учун қилинган харатжатларни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

ф) юридик ва жисмоний шахслар — суднинг ишни тўхтатиш ёки уни қараб чиқишини қондириш тўғрисидаги, қарор ижросини кечикитириш ёки чўзиш, ижро усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги, даъвони қондириш ёки уни бошқасини қондириш билан алмаштириш тўғрисидаги ажримларини бекор қилиш ҳақидаги аризалар, янги очилган ҳолатлар муносабати билан судлов

қарорини, ажримни ёки қарорни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризалар, суд томонидан белгиланган жарималарни бекор қилиш ёки камайтириш тўғрисидаги, судлов қарори ижросини ўзгартириш тўғрисидаги, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги аризалар, суд ижрошининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар, судларнинг жаримани бекор қилиш ва камайтиришни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоятлар ҳамда суд ажрими устидан бошқа хусусий шикоятлар;

х) прокуратура идоралари — жисмоний ва юридик шахслар фойдасини кўзлаб қилинадиган даъволар юзасидан;

ц) ногиронлар жамоат ташкилотлари, уларнинг мусассалари, ўқув-ишилаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари — ҳамма даъволар юзасидан;

ч) Ўзбекистон Республикаси Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўймитаси ва унинг жойлардаги идоралари — балиқчилик ва балиқ заҳираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш муносабати билан балиқ хўжалиги; атроф муҳитни ифлослантириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик оқибатида овчилик хўжалигига ва давлат овчилик фондига етказилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

ш) Ўзбекистон Республикаси Нафақа жамғармаси ва унинг жойлардаги идоралари — жисмоний шахслардан мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан.

2. Қуйидагилар хўжалик судларида кўриладиган ишлар бўйича давлат фойдасига бож тўлашдан озод қилинадилар:

а) ижтимоий суфурта идоралари ва ижтимоий таъминот идоралари — жабрланган ёки унинг оила аъзолари га зарар етказувчидан пенсия ва нафақа суммасини ундириб олиш тўғрисидаги регресс даъволар юзасидан;

б) ижтимоий таъминот идоралари — зарар етказувчидан бензинга, автомобиль ва мотоколяскаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишга, уларнинг эҳтиёти қисмларига кетган, ногиронларни автотранспорт, воситаларини ҳайдашга ўргатиш учун қилинган харажатларнинг товон пулини ундириш тўғрисидаги регресс даъволар юзасидан;

в) даъвогарлар — ўрмон хўжалиги даромадини ундириш тўғрисидаги ишлардан (шу жумладан, дарахт-

ларни ўсиб турган жойида сотиш тўғрисидаги қоидаларни бузганлиги учун кўрилган зарар ва жарима, шунингдек ўзбошимчалик билан дараҳтларни кесганлиги, пичан ўрганлиги ва моллар ўтлатганлиги учун ундириладиган жарималар;

г) Ўзбекистон Республикаси молия ва солиқ идоралари — барча ишлар ва ҳужжатлар юзасидан, шунингдек алоҳида ишлар бўйича судга ариза берганлик учун;

д) давлат суғурта идораларининг даъвогарлари ва жавобгарлари — мажбурий суғурта қилиш операциялари билан боғлиқ барча ишлар юзасидан;

е) Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг идоралари — сув тўғрисидаги қонунларни бузиш натижасида давлатга етказилган зарар ўринни қоплаш учун маблағларни давлат фойдасига ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

ж) Ўздавлатстандарти ва унинг идоралари — стандартларни, техник шартларни ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи ҳамда маҳсулотлар сифати устидан назорат қиувучи идоралар ёки шундай ваколатларга эга бўлган бошқа идоралар жўнатишни ман этган маҳсулотларни етказиб бергани учун, корхоналар ва ташкилотлардан бюджет фойдасига жарималар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

з) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари — қўйидаги даъволар: балиқчилик, балиқ захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, шунингдек балиқчилик хўжалиги сув ҳавзаларига ифлосланган оқова сувларни ва бошқа чиқиндиларни ташлаш оқибатида балиқ хўжалигига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволар, овчилик хўжалигига ва давлат овчилик фондига етказилган зарарни қоплаш учун ташкилотларга қилинган даъволар, атроф муҳитни ифлослантириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик оқибатида давлатга етказилган зарар ўринни қоплаш учун маблағларни давлат фойдасига ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

и) прокуратура идоралари — юридик шахслар манфаатини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан;

к) ногиронлар жамоат ташкилотлари, уларнинг мусассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари — барча даъволар юзасидан;

л) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар — пул маблағлари бўлмаган ва бу нарса банк муассасаси томонидан тасдиқланган тақдирда хўжалик суди ажрими юзасидан.

3. Нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи идораларда қўйидагилар давлат божини тўлашдан озод этиладилар:

а) шахслар — давлат пенсиялари ва нафақаларини олиш учун зарур бўлган, шунингдек васийлик қилиш ва ўғил (қиз) қилиб олиш тўғрисидаги ишлар юзасидан ҳужжатлар нусхаларининг тўғрилигини тасдиқлаб берганлик учун;

б) шахслар — мулкларини давлат фойдасига, шунингдек юридик шахслар фойдасига инъом қилиш тўғрисидаги васиятнома ва шартномаларни тасдиқлаганик учун;

в) солиқ ва молия идоралари — уларга давлатнинг мерос ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар (гувоҳномалар дубликатлари) берганлик учун, шунингдек ана шу гувоҳномаларни (гувоҳномалар дубликатларини) олиш учун керакли ҳамма ҳужжатлар учун;

г) ногиронлар жамоат ташкилотлари, уларнинг муассасалари, ўқув-ишлиб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари — барча нотариал ҳаракатлар юзасидан;

д) юридик ва жисмоний шахслар — уларга мерос ҳуқуқи тўғрисида қўйидаги гувоҳномалар.

Батани ҳимоя қилиш чоғида, давлат ёки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа вазифаларни ўтаётганда ёхуд инсон ҳаётини қутқариш, давлат мулкини асраш ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишда фуқаролик бурчини адо этиш муносабати билан ҳалок бўлган шахсларнинг мол-мулкига мерос ҳуқуқи тўғрисида;

уй-жой (квартира) учун, уй-жой қурилиш кооперативдаги пай учун мерос ҳуқуқи тўғрисида, агарда улар мерос берувчининг вафот қилиш кунигача бирга яшашган, прописка қилинган бўлса ва мерос берувчининг вафотидан кейин ҳам шу уйда (квартирада) яшаётган бўлишса;

банкларга қўйилган пул жамғармалари тўғрисида, шахсий ва мулкий супурталар шартномалари бўйича супурта пуллари тўғрисида, давлат заём облигациялари учун, иш ҳақлари суммалари учун, муаллифлик ҳуқуқи, кашфиёт, ихтиро, рационализаторлик таклифлари ва саноат намуналари учун муаллифлик қалам ҳақи ва

мукофот суммалари учун мерос ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун;

е) шахслар — пенсия ва нафақаларни олиш учун ишонч қофозини тасдиқлатганликлари учун;

ж) оналар — кўп болалик учун уларга орденлар ва медаллар берилганлиги ҳақидаги ишлар бўйича ҳужжатлар нусхаларининг тўғрилигини тасдиқлаб берганлик учун;

з) мактаб-интернатлар — фарзандларининг мактаб-интернатлардаги таъминоти учун ота-оналардан қарзларни ундириш тўғрисидаги ижро кўрсатмаларини амалга оширганлик учун;

и) молия идоралари — фарзандларининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг маҳсус мактаблари ва маҳсус ҳунар-техника билим юртлари даги таъминоти учун ота-оналардан қарзларни ундириш тўғрисидаги ижро кўрсатмаларини амалга оширганлик учун;

к) ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисадан вафот этиш ва ҳалок бўлиш ҳодисасига корхоналар ва ташкилотлар ҳисобидан сүфурта қилинган фуқароларнинг меросхўрлари — сүфурта пулига мерос ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳномалар берганлик учун;

л) сурункали руҳий касалликка чалингандиклари туфайли қонунларда белгиланган тартибда васийлик ўрнатилган шахслар — мулкка меросхўрлик қилишлари тўғрисида гувоҳномалар олганликлари учун;

м) давлат солиқ ва молия идоралари — уларга давлатнинг ворислик ҳуқуқларини тасдиқловчи гувоҳномалар дубликатларини, шунингдек бу гувоҳномаларни олиш учун керакли барча ҳужжатларни берганлик учун;

н) Улуғ Ватан уруши ногиронлари, Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида яралangan шахслар, Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган шахсларнинг оила аъзолари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳамда Ватанини ҳимоя қилишда ва Совет Армиясида ўз хизмат бурчини ўтаетганда яралangan шахслар, Афғонистон Республикасида байналмилалчилик бурчини ўтаган шахслар, 1986—1987 йилларда Чернобиль АЭСининг заҳарланган минтақаси доирасида фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар, 1986 йилда Чернобиль АЭСидаги авария муносабати билан заҳарланган минтақадан кўчирилган (шу жум-

ладан, ўз ихтиёри билан чиқиб кетган) шахслар, агар улар вафот этган бўлсалар, уларнинг оила аъзолари— имтиёзлар берилиши учун зарур бўлган ҳужжатлар нусхаларининг тўғрилигини тасдиқлаб берганлик учун;

о) муаллифлик ҳуқуқи бўйича агентлик ва унинг идоралари — муаллифлик ҳуқуқи бўйича тўланиши керак бўлган мукофотларнинг ундирилиши ҳақидаги ижро кўрсатмаларини амалга оширганлик учун;

п) шахслар — йўловчиларнинг мажбурий суғуртаси юзасидан суғурта пулига ҳамда фуқароларга қарашли мол-мулк мажбурий суғуртаси юзасидан суғурта қоплови пулига бўлган мерос ҳуқуқи тўғрисида уларга гувоҳномалар берганлик учун.

4. Фуқаролик ҳолатларини қайд этувчи идораларда қўйидагилар давлат божини тўлашдан озод қилинадилар:

а) халқ таълими идоралари, балоғатга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар — етим болаларни ва отоналар ҳомийлигидан маҳрум бўлган болаларни барча болалар интернат муассасаларига ва ўқув юртларига юбориш учун туғилганлик тўғрисида такrorий гувоҳномалар берганлик учун;

б) жисмоний шахслар — туғилиш, ўлим, ўғил (қиз) қилиб олиш ва оталик ўрнатилиши қайд этилганлиги учун, оталик ўрнатилиши, ўғил (қиз) қилиб олиниши ҳолларида, шунингдек фуқаролик ҳолатларини қайд этиш пайтида йўл қўйилган хатолар муносабати билан туғилганлик тўғрисида ҳужжатлар ёзувлари ўзгартирилган, тўлдирилган ва тузатилган тақдирда уларга гувоҳномалар берганлик учун;

в) жисмоний шахслар — белгиланган тартибда дарраксиз кетган ёки руҳий қасаллиги ё ақли заифлиги туфайли фаолиятга яроқсиз деб топилган шахслар билан ёхуд қилган жиноятлари учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар билан бўлган никоҳларини бекор қилиш тўғрисида уларга судлов қарори асосида гувоҳномалар берганлик учун;

г) жисмоний шахслар — уларга оқланган қариндошлиарининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни такроран берганлик ёки илгари берилган гувоҳномаларни алмаштирганлик учун.

5. Ўзбекистон Республикасидан чет элга бориш тўғ-

рисидаги ишларда давлат божини тўлашдан қўйидаги-
лар озод қилинадилар:

а) жисмоний шахслар — уларга дипломатик пас-
портлар берганлик учун;

б) жисмоний шахслар — яқин қариндошлари вафот
этганлиги ёки уларнинг қабрларини зиёрат қилиш са-
баби билан чет элга бориш учун чет эл паспортлари ёки
уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар берганлик учун.
Айтилган имтиёзлар бериладиган фуқаролар қаторига
ота-оналар, фарзандлар, эр-хотинлар, туғишган ака-
укалар ва опа-сингиллар киради;

в) 16 ёшга тўлмаган жисмоний шахслар — уларга
чет элга бориш учун ҳужжатлар берганлик учун;

г) ажнабий сайёҳлар — чет эл паспортларини рўй-
хатдан ўтказганлик учун;

д) фуқаролик иши, оиласвий ва жиноий иш бўйича
ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга
биноан чет эл судларига фуқаролик ва жиноий ишлар
юзасидан томонлар, гувоҳлар ва эксперталар сифатида
чақириладиган жисмоний шахслар — чет элга бориш
учун уларга ҳужжатлар берганлик учун;

е) ўқишига, стажировкага ёки ишлаб чиқариш прак-
тикасини ўтиш учун чет элга борувчи 16 ёшга тўлган
ўқувчилар — уларга чет эл паспортлари берганлик
учун.

Чет элга чиқишига ҳужжатлар берганлик учун бож
тўлашдан озод қилинган шахслар шу ҳужжатларга би-
рон бир ўзгартиришлар киритилганлиги учун давлат
божи тўлашдан ҳам озод қилинадилар.

6. Тураг жойга қайд этишда қўйидагилар давлат
божини тўлашдан озод қилинадилар:

а) қариялар ва ногиронлар интернат-үйларида яшов-
чи қариялар ва ногиронлар;

б) мактаб-интернатлар ва ҳунар-техника билим юрт-
ларининг бутунлай давлат таъминотида бўлган ва ётоқ-
хоналарда яшовчи ўқувчилари.

7. Бож тўловчиларнинг айрим гуруҳлари ва тоифа-
ларига давлат божи тўлашда Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берадиган тартибда қў-
шимча имтиёзлар берилиши мумкин.

**5-модда. Давлат божини тўлаш ва уни бюджет-
га ўтказиш тартиби**

Давлат божи нақд пул, бож маркалари билан, шу-

нингдек бож тўловчининг кредит муассасасидаги ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Мулкий низо бўйича судга, хўжалик судига даъво аризаси берилганда, шунингдек олди-сотди шартномасини, инъом қилишни, мол-мулкни алмаштиришни, нотариал йўл билан тасдиқлашда, мерос ҳуқуқини расмийлаштиришда, даъво қиймати, шартнома суммаси ёки мерос миқдори чет эл валютасида белгиланадиган ҳолларда давлат божи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаб қўядиган тартибда чет эл валютасида ундирилиши мумкин.

Кўрсатилган хизмат учун давлат божи давлат идораси ихтиёрида қолдириладиган қисмини истисно этган ҳолда, бюджеттга ўтказилади.

Қолдириладиган қисмининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади.

6-модда. Давлат божини қайтариш

Тўланган давлат божи қўйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисман қайтарилади:

бож амалдаги қонунларда талаб этилганидан ортиқча миқдорда тўлаинганда;

аризалар (шикояtlар) қайтариб берилганда ёки уларни қабул қилишдан бош тортилганда, шунингдек нотариал идоралар ёки туман, шаҳар ва қишлоқ бошқарув идоралари нотариал ҳаракатларни бажаришни рад этганда;

судда ёхуд хўжалик судида кўрилмайдиган бўлганилиги туфайли ишнинг кўрилиши тўхтатилганда ёки даъвони кўриб чиқиш бекор қилинганда, шунингдек даъвогар томонидан айнан шу ишлар тоифаси учун низоларни дастлабки тарзда ҳал қилишнинг белгиланган тартиби бузилган бўлса ёхуд даъво салоҳиятсиз шахс томонидан қилинган бўлса;

судлов қарори белгиланган тартибда бекор қилинганда, башарти бунда жавобгардан давлат божи давлат фойдасига ундириб бўлинган бўлса;

балоғатга етмаган фарзандлари бўлмаган эр-хотинларнинг никоҳи ўзаро розилик асосида бекор қилинганлигини қайд этиш учун бож тўланганда, башарти эр хотинларнинг ярашиши ёки улардан бирининг судга

келмаслиги туфайли никоҳни бекор қилиш содир этил-
маган бўлса;

умум фуқаролик чет эл паспортини бериш рад этил-
гандা;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси то-
монидан белгилаб қўйиладиган бошқа ҳолларда.

7-модда. Давлат божини ундирувчи идоралар- нинг масъулияти

Давлат божини ундирувчи муассасаларнинг раҳбар-
лари божлар тўғри ундирилиши учун, шунингдек улар
ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда бюджеттага ўтказилиши
учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари-
да белгиланган тартибда жавоб берадилар.

8-модда. Давлат божи тўғри ундирилиши усти- дан назорат

Давлат божи тўғри ундирилиши устидан назоратни
молия ва давлат солиқ идоралари амалга оширадилар.

9-модда. Ушбу Қонунни қўлланишга доир йў- риқнома

Ушбу Қонунни қўлланишга доир йўриқномани Ўзбе-
кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат солиқ Бош бошқармаси Ўзбекистон Республи-
каси Молия вазирлиги билан биргаликда чиқаради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

**«ДАВЛАТ БОЖИ ТҮФРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТҮФРИСИДА**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ҚЕНГАШИННИНГ**
1992 йил 9 декабрь

ҚАРОРИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 23-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши қарор
қилади:

1. «Давлат божи түфрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1993 йил 1 январидан эътиборан амалга киритилисин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари «Давлат божи түфрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар амалдаги меъерий ҳужжатларнинг ушбу Қонунга зид бўлмаган қисмлари қўлланилаверади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ойлик муддат ичida:

давлат божи ставкаларини белгиласин;

Ҳукуматнинг, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларни ушбу Қонунга мувофиқлаштирун;

ушбу Қонуннинг қўлланишини таъминловчи бошқа зарур меъерий ҳужжатлар қабул қилсин

**Ўзбекистон Республикаси Олий
Қенгашининг Раиси**

Ш. ИУЛДОШЕВ

**ПАТТА ТУЛОВИ ТҮГРИСИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг
1992 йил 9 декабрь**

ҚОНЫИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 25-модда)

1-модда. Патта ҳақи тўловчилар

Бозорлар, ярмаркалар ва олди-сотди қилиш учун махсус белгиланган бошқа жойларда моллар, буюмлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сатаётган жисмоний шахслар патта ҳақи тўлайдилар.

2-модда. Патта тўлови олиш объектлари

Патта тўлови олди-сотди қилишга ажратилган ҳар бир жой учун, савдо қилинган ҳар бир кун ёки ҳар бир мол, буюм, ҳар бош чорва мол учун олинади. Агар олди-сотди қилиш учун ажратилган жой учун ижара шартномасига кўра ижара ҳақи тўланса, у ҳолда патта тўлови ижара қийматига киритилади.

3-модда. Патта тўлови олиш тартиби

Патта тўлови ҳар бир тўловчидан нақд пул олиб, унга патта қофози бериш ўёли билан ундирилади. Патта қофозини бошқа тўловчиларга бериш ман этилади. Патта тўлови бозорлар, ярмаркалар ва олди-сотди учун махсус ажратилган бошқа жойлар ходимлари томонидан йифилади.

4-модда. Патта тўлови миқдорлари

Патта тўлови миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

5-модда. Патта ҳақини тўловчи ҳамда олувчи идораларнинг вазифалари ва жавобгарлиги

Моллар, буюмлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини бозорлар, ярмаркалар ёки олди-сотди қилиш учун

ажратилган бошқа махсус жойларда патта ҳақи тўла-
масдан сотиш тақиқланади.

Бозорлар, ярмаркалар ҳамда моллар, буюмлар, қиши-
лоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш учун махсус ажра-
тилган бошқа жойларнинг маъмурити патта ҳақи тўғ-
ри ва ўз вақтида ундирилишига риоя қилиши шарт.
Патта тўловидан тушган маблағ бюджетга ҳар ойда бир
марта, лекин ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-куни-
дан кечиктирилмай ўтказилади. Патта тўловидан туш-
ган маблағни ўз вақтида бюджетга ўтказмаганлик учун
ҳар бир кечиктирилган кун ҳисобидан 0,5 фоиз миқдор-
да жарима ундирилади.

6-модда. Патта тўловидан тушган маблағдан фойдаланиш тартиби

Патта тўлови маблағларидан фойдаланишинг тар-
тиби ҳар йили ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашла-
ри томонидан белгиланади, лекин шу маблағнинг ка-
мида ярми бозор, ярмарка ёки моллар, буюмлар ва
қишилоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш учун махсус
ажратилган жойлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бош-
қа ташкилот тасарруғида қолиши шарти билан.

Патта тўловининг қолган қисми маҳаллий бюджетга
ўтказилади.

7-модда. Патта тўлови тўғри ундирилиши усти- дан назорат қилиш

Патта тўлови тўғри ундирилишини давлат солиқ
идоралари назорат қиласидилар.

8-модда. Ушбу Қонунни қўлланишга доир йў- риқнома

Ушбу Қонунни қўлланишга доир йўриқнома Ўзбе-
кистон Республикаси Молия Вазирлиги билан келишил-
ган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-
маси ҳузуридаги Давлат солиқ Бош бошқармаси то-
монидан чиқарилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

**«ПАТТА ТҮЛОВИ ТҮГРИСИДА»ГИ УЗБЕҚИСТОН
РЕСПУБЛИҚАСИ ҚОNUНИНИ АМАЛГА
КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА
УЗБЕҚИСТОН РЕСПУБЛИҚАСИ
ОЛИЙ ҚЕНГАШИННИНГ
1992 йил 9 декабрь**

ҚАРОРИ

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 26-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгashi қарор
қиласди:

1. «Патта тўлови тўгрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонуни 1993 йил 1 февралидан амалга киритилсиз.
2. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ойлик муддат ичидаги:

патта тўлови миқдорларини тасдиқласин;

Хукуматнинг, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини мазкур Қонунга мувофиқ ҳолга келтирисин;

Қонуннинг қўлланишини таъминловчи меъёрий ҳужжатларни қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий
Қенгашининг Раиси**

Ш. ИУЛДОШЕВ

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА БОШҚА
ҮЗИЮРАР МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАР
ЭГАЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ТУФРИСИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
1992 йил 9 декабрь**

ҚОНУНИ

{Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 27-модда)

1-модда. Солиқ тўловчилар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва ҳаво тўлдирилган резина фиддиракли транспорт воситаларига ҳамда бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмларга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар (шу жумладан ажнабий шахслар) транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқни тўловчилар ҳисобланади.

2-модда. Солиқ тўлаш тартиби ва муддатлари

1. Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ ҳар иили тўланади. Солиқ транспорт воситалари рўйхатдан, қайта рўйхатдан ёки техник кўрикдан ўтказилгунга қадар тўланади.

Транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ тўловлари суммаси тўловчилар — корхоналар ва ташкилотлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, бажарилган ишлар ҳамда хизматларга доир харатжатлар таркибига киритилади.

2. Солиқни тўлаш муддатлари халқ депутатлари туман, шаҳар Қенгашлари ва шаҳарлардаги туман ҳокимлари томонидан, лекин 1 июлдан кечиктирмасдан белгиланади.

3-модда. Солиқни ҳисобга ўтказиш ва ундан фойдаланиш тартиби

Транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ пули тегиши-

ли маҳаллий бюджетларга ўтказилади ва йўлларни таъмирлаш, қуриш ҳамда ободонлаштириш учун ишлатилади.

4-м о д д а. Солиқ ставкалари

Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиорар машина ва механизmlар эгаларидан олинадиган солиқ миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

5-м о д д а. Солиқ бўйича имтиёзлар

1. Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиорар машина ва механизmlар эгаларидан олинадиган солиқдан қуийдагилар озод этиладилар:

давлат бюджети ҳисобида турадиган муассаса ва ташкилотлар;

пахта териш, дон йипиш комбайнлари, ҳамда бошқа маҳсус комбайнлар эгалари;

шаҳарларда (таксидан ташқари) ва шаҳар атрофига қатнаб йўловчилар ташувчи умумфойдаланишдаги автотранспорт корхоналари;

Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, Ватанини ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларда ҳарбий қисмларда, штабларда ва ҳаракатдаги армия таркибига киравчи муассасаларда хизматини ўтаган ҳарбий хизматчилар, шунингдек собиқ партизанлар, байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлмиш шахслар;

қўл билан бошқариладиган мотоколяскаси ва автомобили бор ногиронлар.

2. Солиқ:

а) йўлларни таъмирлаш ва қарамоғида сақлаш ишларида банд бўлган йўл хўжалиги корхоналари ҳамда ташкилотларининг транспорт воситалари ва механизmlари учун;

б) давлат дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари учун кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситалари ва механизmlари учун ундирилмайди.

6-м о д д а. Солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги

Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиорар маши-

на ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқни ўз вақтида тўламаган солиқ тўловчилар муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун (шу жумладан тўлов тўланган кунни қўшган ҳолда) қарз суммасининг 0,5 фойзи миқдоридаги пеня билан тўлайдилар.

Нотўғри солинган солиқни бутун ўтган давр учун қайта кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

7-модда. Ушбу Қонунни қўлланишга доир йўриқнома

Ушбу Қонунни қўлланишга доир йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат солиқ Бош бошқармаси томонидан чиқарилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

**«ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА БОШҚА
ЎЗИЮРАР МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАР
ЭГАЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ
ТҮФРИСИДА»ГИ ЎЗБЕҚИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕҚИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ҚЕНГАШИННИНГ
1992 йил 9 декабрь**

ҚАРОРИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 23-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгashi қарор
қилиди:

1. «Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солик түфрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1993 йил 1 февралидан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1 февралгача бўлган муддатда:

— транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солик миқдорини белгиласин;

— Ҳукуматнинг, вазирликлар ва давлат идораларнинг меъёрий ҳужжатларини мазкур Қонунга мувофиқ ҳолга келтирисин;

— Қонуннинг қўлланилишини таъминловчи зарур ҳужжатлар чиқарилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Қенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ

**ПРОКУРАТУРА ТҮФРИСИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг
1992 йил 9 декабрь**

ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 29-модда)

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикасида қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорати идоралари, ҳоқимлар, шунингдек кимга бўйсимишидан, кимнинг тасаруфидан бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар: фуқаролар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни амалга оширадилар.

2-модда. Қонунлар ижроси устидан амалга ошириладиган прокурорлик назоратининг мақсад ва вазифалари

Прокуратура идораларининг фаолияти қонуннинг устунлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, шунингдек давлат мустақиллинни, ижтимоий давлат тузумини, спёсий ва иқтисодий тизимларни, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқларини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилгандир.

3-модда. Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар ўз фаолиятини қўйидаги йўналишларда амалга оширадилар:

инсон ва фуқароларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат олиб бориш;

ушбу қонуннинг биринчи моддасида қайд этилган барча идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларнинг ижро эилишини назорат қилиш (умумий назорат);

жиноятчиликка қарши курашувчи идораларнинг қонунларни ижро этишларини назорат қилиш ва уларнинг қонунларни қўллашга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

судларда жиноий ишлар кўриб чиқилишида давлат айбловини қўллаб-қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини қараб чиқишида иштирок этиш, қонунларга энд бўлган суд ҳужжатларнiga протест келтириш;

ушланганларни сақлаш, дастлабки қамоқ, суд тайинлаган жазо ва мажбурий характердаги бошқа чораларни ўташ жойларида қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;

Қуролли Кучларда қонунларга риоя этилишини назорат қилиш;

жиноятлар юзасидан тергов олиб бориш, жиноят содири этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш;

қонунчиликни такомиллаштириш ва қонунларни тарғиб қилишда қатнашиш.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари фаолиятини ташкил этиш ва бу фаолият тартиби ҳамда прокурорларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Прокуратура зиммасига ушбу Қонунда назарда тутилмаган вазифаларни юклаш мумкин эмас.

5-м о д д а. Прокуратура фаолиятини ташкил этиш принциплари

Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари:

қўйи поғонадаги прокурорлар юқори поғонадаги прокурорларга бўйсимиш тартибида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилигидаги ягона марказлашган тизимни ташкил этадилар;

назоратни ва ўз ваколатларини Давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув маҳаллий идораларидан, мансабдор шахслардан, жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиб турган қонунларга, халқаро ва давлатлараро шартномаларга (битимларга) қатъий риоя этиб, фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсинган ҳолда амалга оширадилар;

қонунийлик ҳамда жиноятчиликнинг аҳволи, асосий йўналишлари тўғрисида, бошқарув идоралари томонидан қонунларга риоя этилишини таъминлаш, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасидаги вазифалар қандай бажарилаётганлигидан тегишли бўлишига қараб, Ўзбекистон Республикаси Президентини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий идораларини, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматларини, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини, ҳокимларини хабардор этадилар;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги, шунингдек давлат сири ҳамда қонун билан муҳофаза килинадиган бошқа сирни сақлаш ҳақидаги қонун талабларига зид келмайдиган даражада ошкора иш кўрадилар.

6-м о д д а. Ўз ваколатларини амалга оширишда прокуратуранинг мустақил бўла олиш кафолатлари

Прокуратура фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси назоратида бўлади ва прокуратуранинг қонунлар ижро этилишини назорат қилиш, аризалар ва хабарларни текшириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқару-

вининг бошқа идоралари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг ҳамда улар вакилларининг, шунингдек мансабдор шахсларнинг аралашиши таъқиқланади.

Прокуратура идоралари партиядан ҳоли қилинган ва уларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ташкилий тузиулмаларини тузишга йўл қўйилмайди.

Прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш ёки ўз фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатганлик, унинг дахлсизлигига тажовуз қилганлик, шунингдек прокурор ва терговчининг рухсатисиз текширишларга ва дастлабки терговга доир маълумотларни ошкор этганлик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

7-модда. Прокурор талабларини бажаришнинг мажбурийлиги

Прокурорнинг ўзи аниқлаган қонунбузарлик ҳолларини, қонун бузишларнинг сабабларини ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш, ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, ревизия ва текшириш ўтказиш, мутахассис ажратиш тўғрисидаги, прокуратурага келиш ва қонун бузилганини хусусида тушунириш бериш ҳақидаги талабларини бажариш шундай талаб юборилган барча идоралар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Прокурорнинг талаблари ва қарорлари устидан шикоят қилиниши ана шу талаблар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб қололмайди.

8-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг мажлисларида прокурорнинг иштирок этиши

Узбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, тегишли равиша Узбекистон Республикаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг мажлисларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳри шаҳарлар ва туманларнинг прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлар белгиланган тартибда тегишли ва қуий даражадаги ҳокимият ва бошқарув идораларининг мажлисларида иштирок этишга ҳақлидирлар.

9-модда. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир.

10-модда. Аризалар ва шикоятларни қараб чиқиши

Прокуратура идоралари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини, давлат, жамоат ҳамда бошқа ташкилотларнинг мурожаатларини қараб чиқадилар ва башарти, ҳал этишининг бошқа тартиби белгиланмаган бўлса, фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Прокурорлар фуқароларни шахсан қабул қиласидилар.

Прокурор ўзига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни текшириш вазифасини зарур ҳолларда тегишли давлат бошқаруви ва назорати идораларига, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топшириш ҳамда улардан текширишга тааллуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларида доир ёзма ахборот беришларини талаб этиш ҳуқуқига эгадир.

Прокурорнинг шикоят ва ариза бўйича қабул қилган қарори устидан юқори поғонадаги прокурорга шикоят қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори шикоят юзасидан қарор қабул қилганидан кейин прокуратура идораларида ана шундай шикоятларга доир ишлар ётқизилади, янги маълум бўлган ҳолатларга доир шикоятлар бундан мустаснодир.

II. ЎЗБЕҚИСТОН РЕСПУБЛИҚАСИ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИНИНГ ТИЗИМИ ВА УЛАРНИ ТАШҚИЛ ЭТИШ

11-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари тизими

Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари тизими Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар, туманлараро ва бошқа ҳудудий прокуратурулардан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари тизимига, шунингдек транспорт, ҳарбий, табиат муҳофазаси прокуратурулари ва бошқа ихтисослаштирилган прокуратурулар ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан вилоятлар ва туманлар прокуратуруларига тенглаштирилган бошқа прокуратурулар, туман прокуратуруларига эга бўлган шаҳарларда эса туман прокуратурулари бўйсинадиган шаҳар прокуратурулари тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тузиладиган транспорт, табиат муҳофазаси прокуратурулари, бошқа ихтисослаштирилган прокуратурулар вилоятлар, туманлар прокуратурулари, туманлараро прокуратурулар ёки шаҳар прокуратурулари ваколати билан ташкил этилади ҳамда фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий прокуратурасини ташкил этиш ва унинг иш тартиби ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ҳарбий прокуратураси тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини тайинлаш ва унинг ҳисобдорлиги

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 5 йил муддатга тайинланиб, кейин Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисинг тасдигидан ўтади. У Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентини қонунийлик ва ҳуқуқтартиботнинг аҳволи тўғрисида мунтазам хабардор этиб туради ва беш йилда камида бир марта Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига ўз фаолияти хақида ҳисобот тақдим этади.

13-модда. Прокурорларни тайинлаш ва уларнинг ҳисобдорлиги

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан 5 йил муддатга тайинланади ва улар олдида ҳисобдордир.

Вилоят прокурорлари ва Тошкент шаҳри прокурори ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 5 йил муддатга тайинланадилар, унга бўйсинадилар ва унинг олдида ҳисобдордирлар.

Шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 5 йил муддатга тайинланадилар, юқори поғонадаги прокурорлар ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсинадилар ҳамда улар олдида ҳисобдордирлар.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилик қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва озод этиладиган кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг тасдигидан ўтадиган биринчи ўринборасига, ўринбосарларга эга. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни таҳсилайди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (райс), унинг бирин-

чи ўринбосари, ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Узбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий прокурори, прокуратура идораларининг бошқа раҳбар ходимларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг шахсий таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлар тузилиб, уларда катта прокурорлар ва прокурорлар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори катта ёрдамчилар, махсус топшириқ бўйича ёрдамчилар ва ёрдамчиларга эга бўлади.

Бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлар бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг катта ёрдамчилари, махсус топшириқ бўйича ёрдамчилари ва ёрдамчиларини, бошқармалар ва бўлимларнинг катта прокурорлари ҳамда прокурорларини, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилари ва катта терговчиларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади.

15-м одда. Қорақалпоғистон Республикасининг прокуратураси

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига Қорақалпоғистон Республикаси прокурори бошчилик қиласи, унинг Ўзбекистон Бош прокурори томонидан тайинланадиган ва озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида Қорақалпоғистон Республикаси прокурори (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва прокуратура идораларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг шахсий таркибини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори тасдиқлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бошқармалар ва бўлимлар тузилади. Бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари, республика прокурорининг катта ёрдамчилари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигига биноан Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар. Қорақал-

поғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчилари, бошқармалар ва бўлимларнинг катта прокурорлари ҳамда прокурорлари, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар ва катта терговчилар Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

16-модда. Вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратуралари

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратураларига, уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар бошчилик қиласидилар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланадиган ва озод этиладиган биринчи ўринbosарлари ва ўринbosарлари бўлади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратураларида, уларга тенглаштирилган бошқа прокуратураларда прокуратурага бошчилик қиласидиган прокурор (раис), унинг биринчи ўринbosари, ўринbosарлари ва прокуратура идораларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатларнинг шахсий таркибини тегишли прокурорларнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори тасдиқлайди.

Вилоятлар, Тошкент шаҳри прокуратураларидага ва уларга тенглаштирилган бошқа прокуратураларда бошқармалар ва бўлимлар тузилиб, уларнинг бошлиқлари, шунингдек катта ёрдамчилар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар. Бошқармалар ва бўлимлар бошлиқларининг ўринbosарлари, ёрдамчилар, катта прокурорлар ва прокурорлар, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар тегишли прокурор томонидан тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

17-модда. Шаҳарлар ва туманларнинг прокуратуралари

Шаҳарлар ва туманларнинг прокуратураларига, шунингдек уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар бошчилик қиласидилар.

Прокурорларнинг ўринbosарлари, катта ёрдамчилари, ёрдамчилари бўлиши мумкин. Прокуратураларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент

шаҳри прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар тайинлайдиган ва лавозимдан озод қиласидиган катта терговчилар ва терговчилар хизмат қиласидилар.

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларни ишдан бўшатиш асослари ва тартиби

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари лавозимларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод этилиб, кейин Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий органи төмөнидан озод этилади.

Вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорлари, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан озод этиладилар.

Ана шу прокурорларни лавозимдан озод этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Прокуратура идоралари ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура идораларига раҳбарлик қилиш борасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг фаолиятига раҳбарлик қиласиди ва бу фаолият устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикасининг барча прокурор ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар, йўриқномалар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тергов ишларига доир масалалар бўйича кўрсатмалари барча тергов идораларининг ижроси учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари башарти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда ўзига қонунларига мос келмаганда уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўзи ҳам бекор қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ажратилган штат бирлиги ва маблағлар доирасида ўзига бўйсинувчи прокуратураларни ташкил этади ва тугатади, республика Прокуратураси аппаратининг ва қуий поғонадаги прокуратуралар таркибини ҳамда ходимлари штатини тасдиқлади.

Барча даражадаги ва поғонадаги прокуратуралар ташкилий таркибининг тузилиши ва мансаб окладлари белгиланган бюджет ажратмалари ва штат бирлиги доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади.

20-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорининг ўз бўйсинувидаги идораларга раҳбарлик қилиш борасидаги ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар тегишинча шаҳарлар, туманлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қиласидилар, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва кўрсатмалари асосида ҳамда уларни ижро этиш юзасидан ўзига бўйсинувчи ходимларнинг ҳаммаси учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқарадилар, кўрсатмалар берадилар, ажратилган иш ҳақи фонди доирасида белгиланган лавозимларни сақлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси билан келишиб аппарат ва ўзига бўйсинувчи прокуратураларнинг штат жадвалига ўзгаришлар киритишлари мумкин.

21-модда. Туманларга бўлинган шаҳар прокурорининг ўзига бўйсинувчи идораларга раҳбарлик қилиш борасидаги ваколатлари

Туманларга бўлинган шаҳарнинг прокурори туман-

лар прокуратураналари ва уларга тенглаштирилган прокуратураналарнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, юқори поғонадаги прокурорга аппарат ва ўз бўйсунувидаги прокуратураналнинг штат сонини ўзгартириш, ходимларни жой-жойига қўйишга доир таклифлар киритади.

22-м одда. Прокуратура идораларининг ҳайъати

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураналарида, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва уларга тенглаштирилган прокуратураналарда ҳайъатлар фаолият кўрсатади. Ҳайъатлар кенгаш қабилидаги идора бўлиб, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволига, прокуратура идораларининг фаолиятига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқлари ва кўрсатмаларининг ижросига, кадрларга доир энг муҳим масалаларни қараб чиқади, ўз бўйсунувидаги прокураторларнинг, прокуратура таркибий бўлинмаларининг ва бошқа ходимларнинг ҳисоботларини тинглайди.

Тегишли ҳайъатларнинг мажлисларида вазирликлар, идоралар, давлат бошқаруви, назорати ва текшируви идораларининг, корхона, муассаса ва ташкилотлар, бирлашмалар раҳбарларининг, ҳарбий қисмлар ва қўшилмалар командирлари ҳамда ўзга мансабдор шахсларнинг қонунлар ижроси масалаларига доир ахборотлари ва тушунтиришлари тингланиши мумкин.

Ҳайъатларнинг энг муҳим қарорлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ва тегишли прокураторларнинг буйруқлари билан ҳаётга тадбиқ этилади.

Бош прокурор билан ҳайъатнинг фикри бир ердан чиқмаган тақдирда, Бош прокурор ўз қарорини амалга оширади ва бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисини воқиф этади.

Куйи поғонадаги прокуратураналар ҳайъати аъзолари ўртасида зиддият келиб чиқсан тақдирда тегишли прокурор ўз қарорини амалга ошириб, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига ёзма равища ахборот беради.

III. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

1-боб. Қонунларга риоя этилиши устидан умумий назорат

23- м о д д а. Назорат предмети

Қуидагилар назорат предметига киради:

барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорат идоралари, ҳокимлар, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар, ҳарбий қисмлар, жамоат ташкилотлари, партиялар ва ҳаракатлар, мансабдор шахслар қонунларни бажараётганлиги, шунингдек улар чиқараётган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига мувофиқлиги;

шахснинг дахлсизлиги тўғрисидаги, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш (башарти ушбу ҳуқуқларни муҳофаза этишнинг ўзга тартиби кўзда тутилмаган бўлса) тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши;

иқтисодий муносабатларга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятга доир қонунларга риоя этилиши;

фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари.

Прокурор аралашувини талаб қиласидан қонун бузилиш ҳоллари ҳақида аризалар ёки бошқа маълумотлар тушганда, шунингдек етарли асослар бўлганда ҳам ўз ташаббуси билан қонунлар ижросининг текширувлари ўtkaziladi. Прокурорнинг хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятга бевосита аралашувига, шунингдек идоравий бошқарув ва назорат органлари фаолиятини амалга оширишига йўл қўйилмайди.

24- м о д д а. Прокурорнинг ваколатлари

Прокурор ўз ваколати доирасида назоратни амалга ошириш чоғида:

хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тобелигидан, кимга қарашлиги эканлигидан ва мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар муассасалар, корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашма-

ларининг худуди ва биноларига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни олиб кўришга;

текшириш учун зарур бўладиган қарорлар, фармийишлар, йўриқномалар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олишга, қонунийликнинг ахволи тўғрисида ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақида маълумотларни олишга;

давлат идоралари, ҳарбий қисмларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахслардан ўз назорати остидаги ҳамда ўз бўйсинувидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш ва тафтиш этишни, текширишлар, идоравий ва ноидоравий экспертизалар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

mansabdar shahslar va fuqarolarni chaqirтириб, улардан қонунлар бузилганлигига доир оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлиdir.

Қонун бузилганлиги аниқланган тақдирда прокурор ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, муассасаларнинг, корхоналар ва ташкилотлар, ҳокимлар, ҳарбий қисмлар ва жамоат бирлашмалари ҳужжатларига, шунингдек мансабдор шахсларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатларига нисбатан протест келтиришга;

қонунда белгиланган тартибда жиноий ишлар, интизомий ишлар ёки маъмурӣ ҳуқуқбузарликларга доир ишлар қўзғатишга, кўриб чиқиши учун материалларни жамоатчилик муҳокамасига топширишга;

қонунни очиқдан-очиқ бузиш ҳолларига чек қўйиш тўғрисида амрнома беришга;

қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик хусусида мансабдор шахслар ва fuqarolargaga ёzma raviysha ogoxno-ma bildiriшga;

давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга қонунбузарлик ҳолларини, шунингдек қонун бузилишининг сабаблари ва бунга йўл очиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишга;

fuqarolap, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судлар ёки хўжалик судларига ариза билан мурожаат этишга;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига Узбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, про-

курорлик назорати амалга оширилмайдиган давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларининг норматив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос эмаслиги хусусида мурожаат этишга ҳақлидир.

25- м о д д а. Прокурорнинг протести

Прокурор ёки унинг ўринбосари қонунга зид бўлган норматив ҳужжатга нисбатан ана шу ҳужжатни чиқарган идорага ёки юқори турувчи идорага протест келтирадилар. Мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларинга нисбатан ҳам худди шу тартибда протест келтирилади.

Прокурор келтирган протест бу протест топширилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн кунлик муддат ичida қараб чиқилиши шарт. Қонунийлик бузилганлигига тезда барҳам бериш талаб қилинган фавқулодда ҳолатларда прокурор протестини қараб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақлидир. Протестни қараб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга дарҳол ёзма равища маълум қилинади.

Протест коллегиал идора томонидан қараб чиқилган тақдирда мажлис бўладиган кун прокурорга маълум қилинади, у протестни қараб чиқишда иштирок этишга ҳақлидир.

Протест ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжат чиқарган идора ёки юқори турувчи идора томонидан рад этилган тақдирда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичida қараб чиқилмаган тақдирда, прокурор тегишли судга ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги ахборот қилинган пайтдан бошлаб бир ойлик муддат ичida ёки қараб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин берилиши мумкин.

Прокурорнинг судга ариза бериши у судда кўриб чиқилгунига қадар ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўяди.

26- м о д д а. Прокурорнинг қарори

Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан қонуннинг бузилиш мазмунидан келиб чиқсан ҳолда жиноий иш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ёки интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатиш тўғри-

сида асосли қарор чиқаради. Қонунда кўзда тутилган ўзга ҳолларда ҳам прокурор қарор чиқаради.

Интизомий ёки маъмурӣ ҳуқуқбузарлик тӯғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги прокурор қарори идора ёки аниқ мансабдор шахс томонидан бу қарор тушган кундан бошлаб кечи билан ўн беш кунлик муддат ичидага қараб чиқилиши шарт. Қараб чиқилиши натижалари тӯғрисида прокурорга зудлик билан ёзма равишда маълум қилинади.

27- м о д д а . Прокурорнинг тақдимномаси

Прокурор қонуннинг бузилишига ана шу бузилишларнинг сабабларига ва унинг бузилишига кўмаклашган шарт-шароитларга барҳам бериш тӯғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатига эга бўлган давлат идорасига, жамоат ташкилотига ёки мансабдор шахсларга киритали. бу тақдимномадарҳол кўриб чиқилиши лозим. Кўрилган чора-тадбирлар тӯғрисида бир ойлик муддат ичидаги прокурорга маълум қилиниши шарт.

Тақдимнома коллегиал идора томонидан қараб чиқиляётганда прокурорга мажлис ўtkазиладиган кун маълум қилинади, прокурор бу мажлисда қатнашишга ҳақлидир.

28- м о д д а . Прокурор амрномаси

Қонун бузилишини бартараф этиш тӯғрисидаги амрнома прокурор томонидан ана шу қонунбузарликка йўл қўйган идора ёки мансабдор шахсга, ёхуд юқори идорага ёки ана шу қонунбузарликни бартараф этишгага қодир мансабдор шахсга юборилади.

Қонун бузилганлиги яққол кўзга ташланган ҳолларда ва бу фуқаролар, давлат, корхона, муассаса, ташкилотнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлганда амрнома киритилади. Амрнома зудлик билан бажарилиб, бундан прокурор воқиф этилиши лозим.

Амрномадаги талабларга норози бўлган тақдирда идора ёки мансабдор шахс бу амрнома устидан юқори поғонадаги прокурорга шикоят қилиши мумкин. Прокурор шикоятни уч кунлик муддат ичидага қараб чиқиши шарт. Шикоят амрнома ижросини тўхтатиб қўймайди.

29- м о д д а . Прокурорнинг ёзма огоҳлантируви

Фуқароларнинг қонун томонидан қўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, давлат ёки жамоат манфаатларига заарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар бўлганида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадларида мансабдор шахслар ва фуқаролар прокурор томонидан қонуннинг бузилишига йўл қўйилмаслик хусусида ёзма равишда огоҳлантириладилар ҳамда ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тушунтирилади.

Огоҳнома тўғрисида прокурор юқори турувчи ташкilotга, шунингдек огоҳнома чиқарилган шахснинг пешлаш, ўқиш ёки яшаш жойи маъмуриятига ёхуд жамоат бирлашмаларига маълум қилишга ҳақлидир.

30- м о д д а . Прокурорнинг қонуний фаолиятига монелик қилганлик ва талабларини бажармаганлик учун жавобгарлик

Актлар ва бошқа зарур ҳужжатлар, материаллар ва маълумотлар тақдим этиш, текширишлар ва тафтишлар ўтказиш, мутахассислар ажратиш, прокуратурага келиш ва қонун бузилганлиги юзасидан тушунтиришлар беришдан бўйин товлаш, шу жумладан прокурор фикри билдирилган ҳужжатларда баён этилган талабларни бажаришдан бош тортиш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда бажармаслик тарзида прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва прокурор талабларини бажармаслик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга олиб келади.

2- б о б . Жиноятчиликка қарши кураш идораларининг қонунларни ижро этишлари устидан назорат қилиш

31- м о д д а . Назорат предмети

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва маълумотларни қараб чиқиш ҳамда ҳал этиш ва текширувлар ўтказишининг қонунларда белгиланган процессуал тартиби, жиноятчиликка қарши кураш идоралари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги, шунингдек

жиноятчиликка қарши курашга қаратылған бошқа қо-
нунларга оғишмай амал қилишлик — жиноятчиликка
қарши кураш идораларининг қонунларни ижро этишла-
ри устидан назорат қилиш предметидир.

32- м о д д а. Прокурорнинг ваколатлари

Суриштирув ва дастлабки тергов идоралари томони-
дан қонунларнинг ижро этилиши устидан ңазоратни
амалга оширад экан, прокурор ўз ваколатлари доира-
сида:

суриштирув ва дастлабки тергов идораларидан тек-
шириш учун жиной ишларни, ҳужжатларни, материал-
ларни, содир этилган жиноятларга, тезкор-қидириув,
суриштирув, дастлабки тергов ишининг боришига доир
маълумотларни талаб қилади; содир этилган ёки тай-
ёрланаётган жиноятларга доир аризалар ва маълумот-
ларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш
тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро эти-
лаётганлигини ойда камида бир марта текширади;

терговчилар ва суриштирув ўтказувчи шахсларнинг
ғайриқонуний ҳамда асоссиз қарорларини бекор қи-
лади;

жиноятни текшириш, әҳтиёт чорасини танлаш, ўз-
гартириш ёки бекор қилиш, жиноят квалификациясини
белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва
жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма
кўрсатмалар беради;

суриштирув идораларига жиноят содир этган шахс-
ларни ушлаш, мажбурий келтириш, қамоққа олиш, тин-
туб ўтказиш, яширилган ашёларни эгасининг тақдимига
қўра олиш, бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тўғ-
рисидаги қарорларни ижро этишини топширади, шунинг-
дек прокурор ёки прокуратура терговчиси қўлидаги иш-
лар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноятлар содир
этган шахсларни аниқлаш тўғрисида кўрсатмалар бе-
ради;

суриштирув ва дастлабки терговда иштирок этади.
ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш юзасидан шахсан
айрим тергов ҳаракатларини ёки текширув ишларини
тўлиқ амалга оширади.

тинтуб ўтказишга, почта-телеграф ҳужжатларига
арест солиш ва уларни олиб кетишга, гумон қилинаёт-
ган ёки айбланаётган шахснинг телефонлар ва бошқа

сўзлашув аппаратлари орқали олиб борилаётган сухбатларини эшитиб туришга, айбланувчини лавозимидан четлатишга ва қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчи ҳамда суриштирув идорасига бошқа хатти-ҳаракатлар учун рухсат беради;

қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда тергов ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддатини узайтиради;

жиноий ишларни суриштирув ва дастлабки тергов идораларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

ҳар қандай ишни суриштирув идорасидан олиб қўяди ва терговчига беради, тўла ва холис текширув ўтказишини таъминлаш мақсадида ишни дастлабки бир тергов идорасидан олиб бошқасига беради, шунингдек бир терговчидан олиб бошқасига беради;

башарти, ишни текшириш чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлсалар, суриштирув ўтказаётган шахсни ёки терговчини суриштирув ёхуд дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлатади;

жиноий ишлар қўзғатади ёхуд жиноий ишлар қўзғатишини рад этади; жиноий ишларни ётқизади ёки юритилишини тўхтатиб туради; қонунларда назарда тутилган ҳолларда терговчи ёки суриштирув идорасига жиноий ишни ётқизиш ёки тўхтатишга розилик беради; айблаш фикрини (қарорини) тасдиқлади;

жиноий ишларни судга жўнатади.

Прокурорнинг жиноий-процессуал қонунларда назарда тутилган тартибга мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов идораларига тергов олди текшируви, қўзғатилган ва тергалаётган жиноий ишлар билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу идоралар учун мажбурий ҳисобланади.

33- м о д д а. Фуқароларнинг ҳуқуқларини чекловчи хатти-ҳаракатларга рухсат бериш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, уларга tenglashshirilgan прокурорлари, уларнинг ўринбосарлари, ҳарбий ва транспорт прокурорлари, шунингдек шаҳарлар, туманлар прокурорлари ва уларга tenglashshirilgan прокурорлар, фу-

қароларни қамоққа олишга рухсат бериш ҳуқуқига эгадир.

Прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари ўз ваколатлари доирасида жиноят-процессуал қонунларда назарда тутилган фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чекловчи хатти-ҳаракатларга ҳам рухсат бералилар.

34- м о д д а. Прокуратура идоралари томонидан жиноятларни тергов қилиш

Прокуратура идоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган ва жиноят-процессуал қонунига биноан ўз ваколатларига берилган жиноятларга доир ишларни тергов қиласидар.

Прокурор ҳар қандай жинойи ишни ўзи юритиш учун олишга ёки ўзига бўйсинувчи прокурорга топширишга, шунингдек биргаликда текширув ўтказиш учун прокуратура терговчилари, ички ишлар идоралари ҳамда бошқа идораларнинг терговчилари ва оператив ходимлардан иборат тергов гурухини тузишга ҳақлидир.

3- боб. Судларда ишларнинг кўриб чиқилишида прокурорнинг ваколатлари

35- м о д д а. Судларда ишларнинг кўриб чиқилишида прокурорнинг иштироки

Прокурор қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг ўзи ёхуд суд зарур деб топган тақдирда судларда ишлар кўриб чиқилишида иштирок этади. Суд мажлисида иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари ҳажми ва доиралари Ўзбекистон Республикаси процессуал қонунлари билан тартибга солинади.

Прокурор давлат айбловини қўллаб-қувватлар экан, далил-исботлар ўрганилишида иштирок этади, жиноят қонуни қўлланишига, судланувчига берилиши лозим ёўлган жазо тури ва миқдорига доир ўз фикрини судга баён этади. Бунда прокурор қонун талабларига ва иш юзасидан тўпланган материалларнинг холис баҳосига амал қиласиди.

Башарти, ишни қараб чиқиш вақтида прокурор қў-

йилаётган айблов суд мажлисида ўз тасдиини топмайпти деган хуносага келса, у айбловдан воз кечади.

Прокурор суд жараёнида бошқа қатнашчилар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланар экан, судларнинг мустақиллиги ва улар фақатгина қонунга бўйсаниш принципига қатъий риоя этиши, ўз фаолияти билан одил судловни амалга оширишга кўмаклашиши шарт.

36-модда. Суд қарорларига нисбатан кассация тартибида протест келтириш

Прокурор ишнинг кўриб чиқилишида иштирок этганини ёки этмаганлигидан қатъи назар, ушбу иш хусусида суднинг чиқарган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари қонунга ҳамда иш юзасидан тўплангандарга қай даражада мувофиқ келишини текширади. Прокурор жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича суднинг чиқарган ғайри қонуний қарорлари устидан юқори турувчи судга протест келтиради.

37-модда. Прокурорнинг кассацион ва хусусий протести

Прокурорга ва унинг ўринбосарига иш биринчи инстанция судида кўриб чиқилишида иштирок этганиклини ёки иштирок этмаганликларидан қатъи назар, ўз ваколатлари доирасида кассацион ва хусусий протест келтириш ҳуқуқи берилади.

38-модда. Суд қарорларининг қонунийлигини текшириш учун суддан ишларни талаб қилиб олиш

Прокурор, унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари қонуний кучга кирган ҳар қандай ишни суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадир. Прокурор, унинг ўринбосари ёки уларнинг топшириғига биноан прокуратуранинг бошқа ходимлари судларда ҳар қандай тоифадаги шундай ишларни ўрганиш ҳуқуқига эга.

Прокурор суд томонидан чиқарилган ҳукмлар, ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг қонунга мувофиқ эмаслигини аниқлагач, протест киритиш ҳу-

қуқига эга, агар бу ҳол унинг ваколат доирасига кирмайдиган бўлса, юқори поғонадаги прокурорга тақдимнома билан мурожаат этиб, протест киритишни сўрайди.

39- м о д д а . Суднинг қонуний кучга кирган қарорларига нисбатан протест келтириш

Суднинг қонуний кучга кирган ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларига нисбатан протест келтириш ҳуқуқига қуйидагилар эгадир:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг йўринбосарлари — Ўзбекистон Республикасидаги судларнинг ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларига нисбатан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленумларининг қарорлари бундан мустасно;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар — туман (шаҳар судийнинг ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларига нисбатан; Қорақалпоғистон Республикаси Олий Суди, вилоятлар судлари, Тошкент шаҳар суди раёсатлари суд ҳайъатлари ишни кассация тартибида қараб чиқиб, қабул қилган қарорларига шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар хўжалик судларининг қарорларига нисбатан.

Суднинг маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш юзасидан чиқарган қарорига нисбатан район, шаҳар ва юқори поғонадаги прокурорлар ҳамда уларнинг йўринбосарлари томонидан, протест келтирилиши мумкин.

40- м о д д а . Протестларни ўзgartириш, тўлдириш, чақириб олиш. Жиноий ишни суддан талаб қилиб олиш

Жиноий ва фуқаролик ишларига доир суднинг ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларига нисбатан берилган кассация, хусусий ва назорат тартибидаги протест иш судда кўриб чиқилгунига қадар тўлдирилиши, ўзgartирилиши ёки протест келтирган прокурор, шунингдек юқори поғонадаги прокурор томонидан чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри,

шаҳар ва туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, айблаш фикрини тасдиқлаган прокурорлар жиноий ишни айбланувчини судга беришга қадар ва прокурор томонидан қўзғатилган фуқаролик ишини судда қараб чиқилишига қадар чақириб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

41- м о д д а. Жиноий ишлар ва фуқаролик ишлари юзасидан суд чиқарган қарорларининг ижросини тўхтатиб туриш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳар қандай суднинг протест келтирилган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори ижросини иш назорат тартибида ҳал этилгунга қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Фуқаролик ва хўжалик ишлари устидан назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи берилган прокурорлар қонун очиқ-равшан бузилганлигидан далолат берувчи маълумотлар етарлича бўлгани тақдирда ишни талаб қилиб олиш билан бирга суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорининг ижросини улар устидан протест келтирганга қадар кўпи билан уч ой муҳлатга тўхтатиб туришга ҳақлидирлар.

42- м о д д а. Прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Қорақалпогистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсатлари, тегишли хўжалик судлари ҳайъатлари мажлисларида иштирок этиши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми ва Олий хўжалик судининг Пленуми мажлисларида, унинг ўринbosарлари эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг мажлисларида иштирок этадилар.

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар прокурорлари ва Тошкент шаҳри прокурори вилоятлар судлари ва Тошкент шаҳар суди раёсатларининг, тегишли хўжалик судлари ҳайъатларининг мажлисларида иштирок этишга ҳақлидирлар.

43- м о д д а. Қонунларни қўллаш юзасидан судларга тушунтиришлар бериш тўғрисидаги таклиф

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ва Олий хўжалик судининг Пленумлари мухокамасига жиноий, фуқаролик, хўжалик, маъмурӣ ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ва бошқа судлов ишларини қараб чиқиш чоғида юзага келадиган қонунларни қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича тушунтиришлар бериш тўғрисида таклиф киритишга ҳақлидир.

4- б о б. Ушланганларни сақлаб туриш, дастлабки қамоқ, суд тайинлаган жазо ва мажбурий характеристидаги бошқа чораларни ўташ жойларида қонунларнинг бажарилиши устидан назорат

44- м о д д а. Назорат предмети

Назорат предметини:

ушланганларни сақлаб туриш, дастлабки қамоқ жойларида озодликдан маҳрум этиш жойларида ва ахлоқ тузатиш ишларига юборилган жойларда, мажбурий даволаш ва тарбиялаш муассасаларида шахсларни сақлаб туриш қай дараҷада қонуний эканлиги;

ушланганлар ва қамоққа олинганларни сақлаб туриш, жазони ўташ, маҳкум этилганларни тарбиялаш, қонунларга мувофиқ мажбурий даволаш ва тарбиялаш чораси қўлланилган шахсларни ушлаб сақлаш тартиби ва шароитлари ҳақидаги қонунларга риоя этилаётганилиги;

ушланганлар, қамоққа олинганлар, ҳукм этилганлар, шунингдек мажбурий даволаш ва тарбиялаш чоралари кўрилган шахсларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқлари ва бурчларига риоя этилиши таъминлананаётганилиги;

ахлоқ тузатиш-меҳнат қонунларини қўлладиган мансабдор шахслар ва идораларнинг фаолиятида қонунийликка риоя этилаётганилиги ташкил этади.

45- м о д д а. Прокурорнинг ваколатлари

Ушланганларни сақлаб туриш, дастлабки қамоқ,

озодликдан маҳрум этиш жойларида, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ва суд томонидан белгиланадиган мажбурий тарздаги бошқа чораларни ўташ чофида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурор ўз ваколатлари доирасида:

ушланганларни сақлаб туриш, дастлабки қамоқ, озодликдан маҳрум этиш жойларида, мажбурий даволаш ва тарбиялаш муассасаларига исталган вақтда монеликсиз кириш ва бинонинг ҳамма жойлари билан танишишга;

шахсларни сақлаб туришга, дастлабки қамоқ жойларида сақлашга, шунингдек озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ва бошқа жазо чораларини ўташга ёхуд мажбурий даволаш ва тарбиялаш чоралари қўллашга асос бўлган ҳужжатлар билан танишишга;

озодликдан маҳрум этиш жойларида ғайриқонуний равища сақлаб турилган ёки қонунга хилоф тарзда ушланган, дастлабки қамоқда сақланаётган, мажбурий равища даволанаётган ёки тарбиялананаётган шахсларни дарҳол озод қилишга;

башарти, қамоқларда сақланаётган, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган шахсларга нисбатан қўлланилган интизомий чоралар қонунга мувофиқ келмаса, бу қарорларни бекор қилиш, ўз қарори билан юқорида уқтирилган шахсларни жарима изоляторидан, камера типидаги бинодан, карцердан, интизомий изолятордан дарҳол озод қилишга;

ушланган, қамоққа олинган, ҳукм этилган ҳамда мажбурий даволаш ва тарбиялаш чораси кўрилган шахсларни еўраб-суриштиришга;

ушбу модда айтиб ўтилган муассасаларнинг маъмурятлари чиқарган буйруқлар, фармойиш ва қарорлар, улар кўрган тезкор-қидирув тадбирларининг, ана шу муассасаларда одамларни сақлаб туриш тартиби ва шароитларини ҳамда жазони ўташнинг тартиби ва шартлари белгилаб қўйилган қонунларга қай даражада мувофиқлигини текширишга; башарти, бундай ҳужжатлар қонунларга зид бўлса, уларнинг ижросини тўхтатиш ва улар устидан протест келтиришга ҳақлидир.

46-модда. Прокурор қарорлари ва талаблари ижросининг мажбурийлиги

Ушланган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум

этилган ва бошқа жазо чораси қўлланган шахсларни, шунингдек мажбурий тарздаги чоралар кўрилган ёки маҳсус психиатрия муассасасига жойлаширилган шахсларни сақлашнинг қонунда белгиланган тартиби ва шароитлари ижросига доир прокурорнинг қарор ва талаблари маъмурият томонидан, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораси кўрилган маҳкумларга нисбатан судлар чиқарган ҳукмни ижро этувчи идоралар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

47- м о д д а . Шикоят ва аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашда прокурорнинг вазифалари

Прокурор ушланган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган ҳамда мажбурий даволаш ва тарбиялаш чоралари кўрилган шахсларнинг давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга шикоят ҳамда аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳамда маъмуриятнинг шикоят ва аризаларни қонунда белгиланган тартибда кимга тегишлигига мувофиқ жўнатиш тўғрисидаги қонун талабларининг риоя этилишини кузатиб боради. Тушган шикоят ва аризани прокурор белгиланган муддатда қараб чиқади ва зарур чора-тадбир кўради ҳамда ўз қарори тўғрисида аризачига маълум қиласди.

IV. ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ

48- м о д д а . Прокурор лавозимига тайинланган шахсларга қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикасининг олий юридик маълумоти бор ва зарур касб-корга ҳамда аҳлоқий фазилатларга эга бўлган фуқаролари прокурор этиб тайинланадилар. Прокуратура идораларида лавозимга биринчи марта тайинланган шахслар қасамёд қиласдилар, қасамёд матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман, шаҳар прокурорлари ва уларга

тенглаштирилган прокурорлар лавозимига ёши 25 дан кам бўлмаган шахслар тайинланади.

Прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгилайдиган тартибда аттестациядан ўтишлари лозим.

Прокуратура идораларида хизмат қилиш билан бир вақтда пулли юридик хизмат кўрсатишга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлашга йўл қўйилмайди, илмий, педагогик ва ижодий фаолият бундан мустаснодир.

Фаолияти қонунийлиги прокурор назорати остида бўлган сайлов йўли билан ташкил этиладиган идораларга прокурорнинг ўзи сайланиши мумкин эмас.

49-м одда. Прокуратура идоралари ходимларининг мансаб даражалари ва ҳарбий унвонлари

Прокуратура идораларининг хизматчиларига, шу жумладан прокуратурага қарашли илмий муассасалар ва ўқув юртлари ходимларига эгаллаб турган лавозимига ва иш стажига мувофиқ даражали унвонлар ёки ҳарбий унвонлар берилади.

Даражали унвон ҳамда ҳарбий унвон бериш ва ундан маҳрум этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Прокуратура ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низом билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланадиган ҳарбий Прокуратура тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

50-м одда. Прокурорлар ва прокуратура терговчиларининг дахлсизлиги

Прокурор ва прокуратура терговчиси давлат ҳимоясида бўлиб, хизмат дахлсизлигига эгадирлар.

Прокурор ва прокуратура терговчисига нисбатан жиноий иш қўзғатиш ва жиноий ишни текшириш фақатгина прокуратура идораларининг ҳуқуқ-ваколатларига киради.

Прокуратура ходимларига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик ва ножӯя хатти-ҳаракат учун интизомий

жавобгарлик чораларини қўллашга доир масала юқори поғонадаги прокурор томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан рўйхати белгиланадиган прокурор-тергов ходимлари ўқ отар қуролини олиб юриш ҳуқуқига эгадирлар.

51-модда. Прокуратура ходимларини рағбатлантириш ва уларни интизомий жавобгарлиги

Прокурорлар ва прокуратура терговчиларини рағбатлантириш ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори прокуратура идораларининг ходимларини кўп шиллик ва ҳалол хизмати учун кўкракка тақиладиган «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг Фахрий ходими» нишони билан тақдирлаб, уларга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Фахрий ёрлигини топшириши мумкин. Кўкракка тақиладиган «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг Фахрий ходими» нишони билан тақдирлашга тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори республикада қонунийликни мустаҳкамлаш ишидаги алоҳида хизматлари, кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идораларининг ходимларини давлат мукофотларига тақдим этиши мумкин.

52-модда. Прокурор ходимларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти

Прокурор ходимларнинг, прокуратурага қарашли илмий муассасалар ва ўқув юртлари хизматчиларининг иш ҳақи мансаб окладидан, мансаб даражаси ва кўп йиллик хизмати учун тўланадиган қўшимча ҳақдан иборат бўлади.

Мансаб даражалари берилган шахслар белгиланган нормалар бўйича белул кийим-кечак билан таъминланадилар.

Прокурор ходимларига давомийлиги 30 суткадан иборат ҳар йилги таътил берилади. Мансаб даражалари га эга бўлиб, прокуратура идораларида 10 йилдан кўп иш стажига эга бўлган прокуратура ходимларига:

10 календарь йилидан кейин — 5 сутка,
20 календарь йилидан кейин — 10 сутка,
25 календарь йилидан кейин — 15 сутка давомийлигида ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Прокурор ходимлари хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шаҳар, шаҳар атрофи ва маҳаллий йўналишдаги жамоат транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгалар; хизмат сафарига борганларида транспортнинг барча турлари билетларни ва меҳмонхоналарда жойларни олдиндан банд қилиб қўйиш ва навбатсиз олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

V. ПРОҚУРАТУРА ИДОРАЛАРИНИ ТАШҚИЛ ЭТИШГА ДОИР БОШҚА МАСАЛАЛАР

53-модда. Узбекистон Республикасининг прокуратура муассасалари ва ташкилотлари

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси илмий-тадқиқотлар ўтказиш, прокурор ходимлар малакасини ошириш учун белгиланган тартибда ўзига қарашли илмий ва ўқув муассасалари ташкил этиши, махсус адабиётлар чоп этиши, матбаа корхонасига эга бўлиши мумкин.

54-модда. Халқаро ва давлатлараро алоқалар

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари доирасида халқаро ва давлатлараро шартномаларга (битимларга) мувофиқ тажриба алмашиш, прокурор назоратини амалга оширишнинг илгор услубларини ўрганиш ва жорий этиш, жиноятчиликка ва қонунийлик бузилишига қарши кураш, ходимларга таълим бериш ва уларнинг ўқувини ташкил этиш ҳамда бошқа масалалар бўйича хорижий давлатларнинг прокуратуралари билан халқаро ва давлатлараро алоқаларга эга бўлиши мумкин.

**55- м о д д а . Прокуратура идораларини молиявий
ва моддий-техника таъминоти**

Прокуратура идораларининг молиявий ва моддий-техника таъминоти марказлаштирилган тартибда республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳокимлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ҳарбий қисмларининг қўмондонликлари ўзи худудларида жойлашган прокуратура идораларини тегишли кизмат бинолари билан таъминлашлари шарт.

56- м о д д а . Прокуратура идораларининг муҳри

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ва унга бўйсунувчи прокуратуралар, илмий-ўқув юртлари ва бошқа муассасалар, корхоналар юридик шахс ҳисобланниб, Ўзбекистон Республикаси давлат гербининг тасвири ва ўз номи туширилган муҳрга эга бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

**«ПРОКУРАТУРА ТҮФРИСИДА»ГИ ЎЗБЕҚИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ҚИРИТИШ
ТҮФРИСИДА**

**ЎЗБЕҚИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ҚЕНГАШИНинг**

1992 йил 9 декабрь

ҚАРОРИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 30-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши қарор
қилади:

1. «Прокуратура түфрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ушбу Қонуннинг прокуратура ва суд идоралари нинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи меъёrlари прокуратура идоралари билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ўзаро муносабатларига даҳл қилмайди.

3. Ўқдириб ўтилсинки:

Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура түфрисида»ги Қонунида назарда тутилган ваколатларини у тегишли тартибда сайлангунинг қадар Ўзбекистон Республикасининг Олий Қенгаши амалга оширади;

ушбу Конун 6-моддасининг учинчи қисмида, 10-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 24-моддасининг биринчи қисмида, 30-моддасида, 32-моддасининг иккинчи қисмида, 35, 36-моддаларида, 45-моддасида (тўртинчи хатбошисидан ташқари), 46—47-моддаларида, 48-моддасининг биринчи учинчи ва бешинчи қисмларида, 50-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 51-модданинг биринчи қисмида «прокурор» атамаси ишлатилганда: Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори, ўзининг ҳуқуқ-ваколатлари доирасида фаолият кўрсатувчи қуйи поғонадаги барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиqlари, прокурорнинг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, бошқарма ва бўлимларнинг катта прокурорлари ҳамда прокурорлари тушунилади.

4. Қонунда белгиланган тартибда лавозимга тайинлангунга қадар Ўзбекистон Республикаси Прокурори, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосарни ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарлари деб ҳисоблансан.

5. Прокуратура идоралари прокурор-терговчи ходимлари қасамёдининг матни қўйидаги таҳрирда тасдиқлансан:

«Мен, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, прокуратура ходимлари сафига кирап эканман:

Ўзбекистон халқига содиқ бўлишга;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуларига қатъий риоя этишга;

қонун ким томонидан бузилишидан қатъи назар, қонуннинг ҳар қандай тарзда бузилишига қарши муросасиз курашибга, прокурор назоратининг самарадорлигини оширишга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга;

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини жиддий эътибор билан холис ва адолатли равишда кўриб чиқишга;

давлат ва хизмат сирини, қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ошкор этмасликка;

маҳаллийчилик ва маҳкамачилик таъсирини кескин енгишга;

касб маҳоратимни муттасил ошириб боришиб, прокуратура ходими шаънини улуғлашга, вижданан пок бўлишга, прокуратуранинг энг яхши анъаналарини асрар-авайлашга ва янада бойитишиб;

қонунийликни, хизмат интизомини ҳар қандай тарзда бузишм, нолойиқ хулқ-атворим прокуратура обрў-эътиборига путур етказиши Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зарар келтириши мумкинлигини унумасликка қасамёд қиласан.

Ушбу қасамёдни бузган тақдиримда прокуратура ходими деган юксак номга ўзимни нолойиқ деб била-ман.

Имзо

(фамилияси, исми, отасининг исми)

Манзили»

Сана

Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси

Ш. ИУЛДОШЕВ

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ
ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ДАРАЖАЛИ
МАХСУС УНВОНЛАРИ ТҮГРИСИДАГИ НИЗОМНИ
ВА УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИ ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ
РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ИНТИЗОМИЙ
ЖАВОБГАРЛИГИ ТҮГРИСИДАГИ НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ КЕНГАШИННИГ
1992 йил 9 декабрь**

ҚАРОРИ

(Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 31-модда)

«Прокуратура тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунининг 49 ва 51-моддаларига мувофиқ Узбекистон Республикаси Олий Қенгashi қарор қиласди:

Узбекистон Республикаси Прокуратураси идоралари ходимларининг даражали маҳсус унвонлари тўғрисидағи Низом ва Узбекистон Республикаси Прокуратураси идоралари ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги Низом (илова қилинади) тасдиқлансин.

**Узбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси**

Ш. ИУЛДОШЕВ

Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги
748-XII-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ
ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ДАРАЖАЛИ
МАХСУС УНВОНЛАРИ ТҮФРИСИДА**

НИЗОМ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура түғрисида»ги қонунига мувофиқ ушбу Низом прокуратура идораларининг ходимларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси прокуратураси илмий муассасалари ва ўқув юртлари ходимларининг даражали маҳсус унвонларини белгилаш ва бериш тартибини белгилайди.

2. Прокуратура идоралари ходимларининг қўйидаги даражали маҳсус унвонлари белгиланади:

олий даражали маҳсус — ҳақиқий Давлат адлия маслаҳатчиси,

- 1- даражали Давлат адлия маслаҳатчиси,
- 2- даражали Давлат адлия маслаҳатчиси,
- 3- даражали Давлат адлия маслаҳатчиси;

юқори даражали маҳсус — адлия катта маслаҳатчиси, унвонлар

- адлия маслаҳатчиси,

— адлия кичик маслаҳатчиси;

қўйи даражали маҳсус — 1- даражали юрист,

- 2- даражали юрист,

— 3- даражали юрист,

— кичик юрист.

3: Даражали маҳсус унвонларни бериш ходимнинг ишчанлик ва шахсий фазилатларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда унинг эгаллаб турган лавозимига ва иш стажига мувофиқ ҳолда босқичма-босқич тартибда амалга оширилади.

4. Прокуратура идораларининг ходимларига эгаллаб турган лавозимига мос келадиган даражали маҳсус унвонлар берилади:

ҳақиқий Давлат адлия маслаҳатчиси

1- даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

2- даражали Давлат адлия маслаҳатчиси
3- даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

Адлия катта маслаҳатчиси

Адлия маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарлари
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бошқарма ва бўйлимларининг бошлиқлари,
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган бошқа прокурорлар

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг катта ёрдамчилари ва маҳсус топшириқлар бўйича ёрдамчилари, бошқарма ва бўйим бошлиқларининг ўринбосарлари, бошқармалар таркибидаги бўйимларнинг бошлиқлари, илмий муассаса ва ўқув юртининг раҳбари, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг алоҳида мухим ишлар бўйича катта терговчилари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорларининг ўринбосарлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ўринбосарлари.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёрдамчилари, бошқармалар таркибига кирувчи бўйимлар бошлиқларининг ўринбосарлари, бошқарманинг катта прокурорлари,

алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилари ва катта терговчилари, илмий муассаса ва ўқув юрти раҳбарининг ўринбосарлари, кафедра мудирлари ва сектор раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокуратуralар бошқарма ва бўлимларининг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, шаҳар, туман ва уларга тенглаштирилган прокурорлар.

Адлия кичик маслаҳатчиси

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ёрдамчилари, бошқармалар ва бўлимларнинг катта прокурорлари ва прокурорлари, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилари ва катта терговчилари ҳамда ўқитувчи ва илмий ходимлари, шаҳар, туман ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ўринбосарлари.

1- даражали юрист
2- даражали юрист
3- даражали юрисі

Шаҳар ва туман прокурорларининг ёрдамчилари, терговчилари (даражали унвонга эга бўлган муддатга боғлиқ тарзда).

кичик юрист

Прокуратура идораларида иш ўрганаётганлар, ёш мутахассислар, мутахассислиги бўлмаган шахслар ва ёрдамчи лавозимларда ишлаётганлар.

5. Ҳар бир даражали маҳсус унвонни эгаллаб туриш муддати қуйидагича белгиланади:

кичик юрист	— 1 йил
3- даражали юрист	— 2 йил
2- даражали юрист	— 2,5 йил
1- даражали юрист	— 3 йил
Адлия кичик маслаҳатчиши	— 3 йил
Адлия маслаҳатчиси	— 3,5 йил
Адлия катта маслаҳатчиши	— 4 йил

1, 2, 3- даражали Давлат адлия маслаҳатчиси унвонларини эгаллаб туриш муддати белгиланмайди.

6. Ҳақиқий Давлат адлия маслаҳатчиси, шунингдек 1, 2, 3- даражали Давлат адлия маслаҳатчиси даражамаксус унвонлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

Бошқа даражадаги максус унвонларни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори беради.

7. Кичик юрист даражали максус унвони аттестациядан ўтган ва лавозимга тасдиқланган ёш мутахассисларга берилади, иш ўрганиш даврида алоҳида ўрнак кўрсатган ёш мутахассислар 3- даражали юрист унвонига тақдим қилиниши мумкин.

Прокуратура идораларининг ишлар бошқармасида, молия, моддий-техникавий таъминот тармоқларида ишләётган ҳамда аттестацияга даҳли бўлмаган ўзга ходимлар меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатганликлари учун истисно тариқасида даражали унвонга тақдим этилишлари мумкин.

8. Прокуратура идораларига ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан ва бошқа ташкилотлардан ишга ўтган ходимларга тайинланган лавозимига, уларнинг билими ва иш тажрибасига боғлиқ равишда даражали максус унвонлар берилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қўйидаги ҳуқуқларга эга:

айrim ҳолларда ўз хизмат бурчини намунали бажарганлиги учун ходимларга даражали максус унвонларни ушбу Низомнинг 5- моддасида кўрсатилган муддат тугамасдан аввал бериш;

юқорироқ лавозимга тайинлаганда навбатдан ташқари, лекин ходим эгаллаб турган унвондан кўпи билан икки погона юқори турган унвон бериш;

1, 2, 3- даражали Давлат адлия маслаҳатчиси унвонни бериш тўғрисидаги тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат этиш.

10. Прокуратура идораларининг даражали маҳсус унвон берилган ходимлари мазкур унвонга умрбод эга бўлиб қоладилар. Ходим ўзининг бадном қиласиган қилмиши учун прокуратура идораларидан бўшатилганда даражали маҳсус унвондан маҳрум этилиши мумкин. Прокуратура идораларининг ходимлари ўз хизмат бурчини қўпол равишда бузган ҳолда ёки нолойиқ хулқатвори учун унвони пасайтирилиши мумкин.

11. Прокуратура ходимларини олий даражали маҳсус унвонлардан маҳрум этиш ёки улар унвонини пасайтириш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, бошқа унвонлардан маҳрум этиш ёки унвондан пасайтириш — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан амалга оширилади.

12. Прокуратура органлари идораларининг даражали маҳсус унвонларга эга бўлган ходимларига мансаб оқладларига қўшимча ҳақ тўланади.

13. Прокуратура органларининг даражали маҳсус унвонга эга бўлган ходимлари хизмат вазифаларини бажариш даврида алоҳида кўринишдаги белгилар тақилган маҳсус либос киядилар. Олий даражали маҳсус унвонга эга бўлиб, пенсияга чиқиши муносабати билан хизматдан бўшаган прокуратура идоралари ходимлари алоҳида кўринишдаги белгилар тақилган маҳсус либосни кийиб юриш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

14. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси таркибига кирган қуролли кучларда қонунларнинг ижросини назорат қилувчи ҳарбий прокуратуранинг ходимларига унвонлар бериш алоҳида низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги
748-ХII-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ
ИДОРАЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИНИ
РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ИНТИЗОМИЙ
ЖАВОБГАРЛИГИ ТҮФРИСИДА**

Низом

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Прокурор-тергов ходимларининг билимдонлиги, юксак ахлоқий фазилатлари ва онгли шахсий интизоми прокуратура зиммасига юкландган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Улар ҳалол ва қонунларнинг бузилишига муросасиз бўйишлари, ўз касб вазифаларини фуқаролик матонати билан адолатли ва вижданан бажаришлари лозим. Прокуратура ходимлари Ўзбекистон Республикаси конституцияси ва қонунларига қатъий риоя қилишлари, ишда ташаббускор бўйишлари, ишнинг сифат ва самарадорлигини оширишлари, ўз фаолиятлари орқали қонуннинг устиворлигини таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини қонунларга ҳурмат руҳида шакллантиришга кўмаклашишлари лозим.

Прокурор-тергов ходимлари томонидан содир этилган ҳар қандай қонунбузарлик ва хизмат интизомининг бузилиши прокуратура обрўсини туширади, давлат ва жамият манфаатларига зиён етказади.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 51- моддасига мувофиқ прокурор-тергов ходимларининг, шунингдек, прокуратура ўқув, илмий ва бошқа муассасаларининг ходимларини мукофотлаш ва уларни интизомий жавобгарликка тортиш тартибини белгилайди.

II. Рағбатлантириш

3. Прокурор-тергов ходимлари, шунингдек прокура-

туранинг ўқув, илмий ва бошқа муассасаларининг ходимлари хизмат вазифаларини вижданан ва намунали бажарганликлари, ташаббускорлиги ва ишдаги изчиллиги учун рағбатлантириладилар.

4. Рағбатлантиришнинг қўйидаги турлари мавжуд:

1. ташаккурнома
2. пул мукофоти
3. совфа

4. қимматбаҳо совға

5. даражали унвонини кўтариш

6. «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишони билан мукофотлаш.

Прокуратура идораларининг ходимлари меҳнатдаги алоҳида хизматлари учун «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» Фахрий унвонига ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотларига тақдим этилишлари мумкин.

5. Рағбатлантириш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

ташаккурнома эълон қилиш, пул мукофоти, совфа бериш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қо-рақалпоғистон Республикаси прокурорлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, транспорт прокурорлари, ҳарбий прокурорлар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан амалга оширилади;

қимматбаҳо совға билан мукофотлаш, даражали унвонини ошириш, «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирлаш, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» Фахрий унвонига ҳамда бошқа давлат мукофотларига тавсия этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан амалга оширилади.

Туман, шаҳар прокурорлари, шунингдек ҳарбий прокурорлар, транспорт прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ишда алоҳида ўрнак кўрсатган прокуратура идораларининг ходимларини рағбатлантириш ҳақидаги тақдимномани юқори турувчи прокурорга киритадилар.

6. Рағбатлантириш буйруқ орқали эълон қилинади ва ходимнинг меҳнат дафтарчасига ҳамда шахсий ишида қайд қилиб қўйилади. Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ билан мукофотланган ходим, мазкур прокуратура ходимлари, лозим ҳолларда эса барча прокурор-тер-гов ходимлари таништирилади.

III. Интизомий жазо

7. Прокурор-тергов ходимларига, шунингдек прокуратуранинг ўқув, илмий ва бошқа муассасаларининг ходимларига нисбатан интизомий жазо, ўз хизмат вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд прокуратура ходими деган номга дөртуширадиган ножӯя хатти-ҳаракат содир этганлиги учун қўлланилади.

8. Қўйидагилар интизомий жазолар ҳисобланади:

- 1) танбеҳ
- 2) ҳайфсан
- 3) қаттиқ ҳайфсан
- 4) даражали унвонили пасайтириш

5) «Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишонидан маҳрум этиш

- 6) лавозимини пасайтириш
- 7) ишдан бўшатиш

8) ишдан бўшатиб, даражали унвонидан маҳрум этиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Республика Президенти берган даражали унвонлардан маҳрум этиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий идораси томонидан тайинланган шахсларни лавозимларидан бўшатишдан (шу жумладан, айни бир пайтда уларни даражали унвонларидан маҳрум этишдан) ташқари, барча интизомий жазо турларини қўллаш ҳуқуқига эга. Бу ҳолларда Бош прокурор тегишли тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий идорасига мурожаат қилишга хақлиdir.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, транспорт, ҳарбий ва уларга тенглаштирилган бошқа прокурорлар ўзига бўйсунувчи ходимларга қўйидаги интизомий жазо турларини қўллаши мумкин: танбеҳ, ҳайфсан, қаттиқ ҳайфсан, шунингдек уларнинг номенклатурасига кирадиган шахсларни лавозимидан пасайтириш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга.

Туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар уларга бўйсунадиган прокурор ва

тергов ходимларига жазо бериш учун юқори турувчи прокурорга тақдимнома киритади.

Содир этилган айнан бир ножӯя хатти-ҳаракат учун ходимга фақат битта интизомий жазо қўлланилиши мумкин.

10. Интизомий жазо қўллаш масаласини ҳал этаётган прокурор содир этилган ножӯя хатти-ҳаракатни шахсан ўзи ўрганиб чиқиши ҳамда уни содир этган шахсдан ёзма тушунтириш олиши шарт. Зарур ҳолларда эса хизмат текшируви тайинланиши мумкин.

Интизомий жазо ножӯя хатти-ҳаракат маълум бўлган кундан бошлаб бир ой муддатдан кечиктирилмай қўлланилади, лекин бунда ходим бетоб бўлган, меҳнат таътилидаги вақти, шунингдек хизмат текшируви учун кетган вақт ҳисобга кирмайди. Ножӯя хатти-ҳаракат маълум бўлган кундан бошлаб бир йил ўтган бўлса интизомий жазо қўлланилиши мумкин эмас.

~~Ходим прокуратура идораларида ишланға~~ энд бўлган номуносиб хатти-ҳаракатлар содир этган, шунингдек ҳаракатлар жиноий ва фуқаролик процессуал қонунларнинг талабини бузиш билан боғлиқ бўлса, бу хатти-ҳаракатлар содир этилган муддатдан қатъи назар у интизомий жавобгарликка тортилади.

Жазо буйруқ билан берилиб, интизомий жазога тортилган ходимга эълон қилинади ва унинг шахсий ишига тикиб қўйилади. Интизомий жазо тўғрисидаги буйруқ ушбу прокуратура ходимларига ва зарур ҳолларда барча прокурор-тергов ходимларига ҳам эълон қилинади.

11. Юқори турувчи прокурор буйруғида ўз қарорини асослаган ҳолда жазони бекор қилиши, кучайтириши ёки енгиллаштириши мумкин. Интизомий жазо сифатида лавозимдан пасайтириш ёки ишдан бўшатиш жазоси қўлланилган бўлса, бу лавозимнинг пасайтирилишини ёки ишдан бўшатилишини ноқонуний деб топса юқори турувчи прокурор жазоланган ходимни аввалги лавозимига тиклаш ва ишдан бўшатилган кундан бошлаб мажбуран ишламаган вақти учун ўртача иш ҳақи тўлаш ёки паст лавозимда ишлаган вақт учун маошнинг фарқини кўпи билан бир йил учун тўлаш тўғрисида қарор чиқаради.

12. Ходим интизомий жавобгарликка тортилгандан кейин бир йил ичida қайтадан жавобгарликка тортил-

маса у интизомий жавобгарликка тортилмаган деб ҳисобланади. Бир йиллик вақтнинг ўтиши тегишли жазо чоралари қўлланган ходимларнинг «Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишони қайтарилишига, аввалги лавозимига тикланишига ва даража унвонларининг қайтарилишига олиб келмайди. Илгариги даражали унвонларига ва лавозимларига тиклаш фақат аттестациядан ўтказиш тартибида амалга оширилади.

Ходим ўз хизмат вазифасини вижданан бажараётганини намоён қиласа, унга берилган интизомий жазони жазо берган прокурор ёки юқори турувчи прокурор муддатидан илгари олиб ташлаши мумкин.

13. Ходимнинг интизомий жазога тортилиши унинг навбатдаги даражали унвонга ва юқори лавозимга қўтаришга йўл қўймайдиган ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Интизомий жазонинг борлиги бериладиган мукофотнинг миқдорига, меҳнат таътилини белгилаш ва бошқа имтиёзларни беришда таъсир кўрсатади.

14. Прокурор интизомий жазо беришда ўз ваколат донрасидан чиқса ёки уни етарли даражада қўлламаса, юқори турувчи прокурор олдида жавоб беради.

15. Ходимга берилган интизомий жазо устидан шикоят берилиши мумкин. Ариза юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига интизомий жазо бериш тўғрисидаги буйруқ ходимга эълон қилингандан кейин икки ҳафта ичida берилиши мумкин.

Юқори турувчи прокурор ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори аризани тушган кундан бошлаб 10 кун ичida кўриб чиқиб қарор қабул қиласи, агарда қўшимча текшириш керак бўлса бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқади.

Шикоят берилиши, интизомий жазонинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

16. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўзига бўйсунадиган прокурорлар томонидан берилаётган рафбатлантириш ва жазо чораларининг асослилигини ва қонунийлигини назорат қилиб боради ва асоссиз ҳамда ноқонуний буйруқларнинг бекор қилиш тадбирини кўради.

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ АЙРИМ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ҮЗГАРТИРИШЛАР ВА
ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТҮФРИСИДА**

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
1992 йил 9 декабрь**

ҚОНЫ

**(Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 32-модда)**

Узбекистон Республикасининг «Прокуратура түғри-
сида»ги қонунига ассан Узбекистон Республикаси Олий
Қенгаши қарор қиласди:

Узбекистон Республикасининг қуийдаги қонуний
ҳужжатлариша үзгартришлар ва қушимчалар киритил-
синг:

1. Узбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майда-
ги қонуни билан тасдиқланган Узбекистон Республика-
сининг жиноят процессуал кодексига (Узбекистон Респ-
убликаси Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил,
№ 6, 3-модда):

1. Кодекс қуийдаги мазмундаги 193¹-модда билан
түлдирилсин:

**«193¹-модда. Қўп воқеали ишларнинг терговини
назорат қилишда прокурорнинг ва-
колатлари**

Узбекистон Республикасининг бош прокурори ва
унинг ўринбосарлари кўп воқеали алоҳида хавфли ай-
рим жиноий ишлар бўйича муайян шахсга нисбатан
тўпланган далилларни айловнинг айрим воқеалари
бўйича етарли деб ҳисобласалар, терговни тугаллаш
ҳақида ёзма кўрсатма беришга ва шу воқеалар бўйича
ишни судга юборишга ҳақлидирлар».

2. 17, 78¹, 79, 186, 343¹, 347, 350, 360, 404, 421- мод-
далар қуийдаги таҳрирда баён этилсин:

**«17-модда. Жиноят-судлов ишларини юргизиш-
да прокурорнинг ўрни**

Узбекистон Республикаси қонунлари суриштирув ва

дастлабки тергов идоралари томонидан аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар. Прокурор қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ўзи ёки суд зарур деб топган тақдирда, ишларнинг судда қараб чиқилишида иштирок этади.

Прокурор жиноят-судлов ишлари юргизишнинг ҳамма босқичларида ҳар қандай қонунбузарликни барта-раф қилмоқ учун, бундай қонунбузарлик ким томонидан содир қилинишидан қатъи назар, қонунда белгиланган чораларни ўз вақтида кўриши шарт.

Прокурор жиноят-судлов ишларини юргизиша ўз ваколатини давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари ва бошқарув идоралари, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиб турган қонунларга, халқаро ва давлатлараро шартномаларга (битимларга) асосланиб мустақил амалга оширади.

Прокурорнинг қонунга мувофиқ чиқарган қарори барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролик томонидан ижро этилиши учун мажбурийдир.

78¹- м о д д а . Ҳибсга олиш учун рухсат бериш

Фуқароларни ҳибсга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, туман, шаҳар прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлар рухсат (санкция) бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Қонунда кўзда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурор гумон қилинаётган шахсни ёки айбланувчини ҳибсга олишга рухсат (санкция) беради. Ҳибсга олишга рухсат бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш чоғида прокурор қамоқقا олиб туриш асослари кўрсатилган барча материаллар билан пухта танишиб чиқиши ва зарур ҳолларда гумон қилинаётган шахсни ёки айбланувчини шахсан сўроқ қилиши, вояга етмаган гумон қилинаётган шахсни ёки айбланувчини эса албатта сўроқ қилиши зарур.

79-м ода. Қамоқда олиб туриш муддатлари

Жиноий ишлар юзасидан жиноятлар тергов қилина-
етганда қамоқда олиб туриш муддати икки ойдан ортиқ
давом этиши мумкин эмас.

Бу муддат терговни тугатиш имкони бўлмаган ва эҳ-
тиёт чорасини ўзгартериш учун асослар бўлмаган ҳол-
да туман, шаҳар прокурорлари ва унга тенглаштирил-
ган прокурорлар томонидан уч ойгача узайтирилиши
мумкин. Йшнинг алоҳида мураккаб эканлиги сабабли-
гина Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тош-
кент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган
прокурорлар томонидан бу муддат олти ойгача узайти-
рилиши мумкин.

Қамоқда олиб туриш муддатини олти ойдан ортиқ
узайтиришга алоҳида ҳолларда ва фақат оғир жиноят
садир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан йўл
қўйилади. Чунончи, муддатни Узбекистон Республикаси
Бош прокурорининг ўринбосари — тўқиз ойгача ва Уз-
бекистон Республикасининг Бош прокурори — бир йил-
гача узайтириши мумкин.

Муддатни яна узайтиришга йўл қўйилмайди, қамоқ-
да олиб турилган айбланувчи дарҳол озод этилиши ке-
рак.

Тергов қилиш тугалланган жиноий иш материаллари
айбланувчига ва унинг ҳимоячисига танишиб чиқиши
учун ушбу модданинг учинчи қисмида кўзда тутилган
қамоқда олиб туришнинг энг охирги муддати тугашига
камидан бир ой қолганда тақдим этилиши лозим.

Айбланувчи ва унинг ҳимоячиси жиноий иш мате-
риаллари билан танишиб чиқиши учун кетган вақт эҳ-
тиёт чораси сифатида қамоқда олиб туриш муддатини
ҳисоблашда эътиборга олинмайди.

Айбланувчини қамоқда олиб туриш муддати тугаган,
иши суд янгидан тергов қилишга қайтарган, ишнинг
ҳолатларига кўра эса қамоқда олиб туриш тарзидаги
эҳтиёт чорасини ўзгартериш мумкин бўлмаган ҳоллар-
да тергов устидан назоратни амалга ошираётган про-
курор қамоқда олиб туриш муддатини иш унга келиб
тушган пайтдан бошлаб бир ой атрофида узайтириши
мумкин. Кўрсатилган муддатни яна узайтириш айбор-
нинг иши судга юборилгунга қадар қамоқда ўтирган
вақтини ҳисобга олиб, ушбу модданинг иккинчи, учин-

чи ва олтинчи қисмларида белгиланган тартиб ва доирада амалга оширилади.

186- м о д д а . Суриштирув ва дастлабки тергов идоралари қонунларнинг ижро этишлари устидан назорат олиб бориш

Суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш вақтида қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат прокурор томонидан амалга оширилади.

Суриштирув ва дастлабки тергов идораларининг қонунларни ижро этишлари устидан назорат олиб борар экан прокурор ўз ваколати доирасида:

сuriштирув ва дастлабки тергов идораларидан текшириш учун жиноят ишларини, содир қилинган жиноятлар тўғрисида, оператив-қидириув фаолиятининг, суриштирув ва дастлабки терговнинг бориши тўғрисидаги ҳамда жиноят содир этган шахсларни аниқлашнинг ҳолати ҳақидаги ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни талаб қиласди, содир қилинган ёки тайёрланыётган жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш хусусидаги қонун талаблари ижро этилишини ойида камида бир марта текширади;

терговчилар ва суриштирув олиб борувчи шахслар чиқарган файриқонуний ва асоссиз қарорларни бекор қиласди;

жиноятни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш, жиноятни квалификациялаш, айрим тергов ҳаракатларини олиб бориш ва жиноят содир қилган шахсларни қидириб топиш ҳақида ёзма кўрсатмалар беради;

сuriштирув идораларига жиноят содир қилган шахсларни ушлаш, тутиб келтириш, қамоққа олиш, тинтуб қилиш, изланаётган ашёни ихтиёрий тарзда топшириш, қидириб топиш ҳақидаги қарорларни ижро этишни, бошқа тергов ҳаракатлари олиб боришни топширади, шунингдек жиноятларни фош қилиш ва уларни содир қилган шахсларни аниқлаб топиш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида, прокурор ёки прокуратура терговчиси қўлида, мавжуд бўлган ишлар бўйича кўрсатмалар беради;

сuriштирув ва дастлабки тергов олиб борища қатнашади, зарур ҳолларда айрим тергов ҳаракатларини

шахсан ўзи бажаради ёки ҳар қандай иш юзасидан тўла
ҳажмда тергов ўтказади;

ушбу кодексда кўзда тутилган ҳолларда тинтув ўт-
казиш, почта-телеграф хат-хабарларини хатлаб қў-
йиш ва уларнинг ихтиёрий тарзда топширилиш гумон
қилинаётган шахс ва айбланувчининг телефонлар ва
бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бораётган
суҳбатларини эшитиш, айбланувчини мансабидан чет-
лаштириш ҳақида ва терговчи ҳамда суриштирув идо-
раси бошқа ҳаракатлар қилиши хусусида рухсатнома
беради;

ушбу кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда
тергов муддатини ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамоқ-
да олиб туриш муддатини узайтиради;

жиноий ишларни суриштирув ва дастлабки тергов
идораларига қўшимча тергов ўтказиш ҳақидаги ўзининг
кўрсатмалари билан қайтариб юборади;

~~суриштирув олиб борувчи илорадан ҳар қандай иш-~~
ни олиб, уни терговчига топширади, ишни дастлабки
тергов идорасининг биридан бошқасига олиб беради,
шунингдек ишни ниҳоятда тўла ва холис тергов қилиш
мақсадида бир терговчидан бошқа терговчига олиб бе-
ради;

~~суриштирув олиб борувчи шахс ёки терговчи ишни~~
тергов қилиш вақтида қонуннинг бузилишига йўл қў-
йилса, уларни бундан кейин суриштирув ёки дастлабки
тергов олиб боришдан четлаштиради;

жиноий иш қўзғатади ёки жиноий иш қўзғатишни
рад этади;

жиноий ишлар бўйича иш юриштишни ётқизади ёки
тўхтатиб қўяди;

қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчи ёки
суриштирув идорасига иш юритишин тўхтатиш учун ро-
зилик беради, айблов хулосаси (қарор) ни тасдиқлади,
жиноий ишларни судга юборади.

343¹- модда. Маҳкумни тергов изоляторига ёки турмага жойлаштириш

Бошқа шахс содир қилган жиноят ҳақидаги иш юза-
сидан тергов ҳаракатларини олиб бориш зарур бўлган-
да, ахлоқ тузатиш меҳнат ёки тарбия-меҳнат колония-
сида жазони ўташ шарти билан озодликдан маҳрум
этилган шахс Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят-

лар, Тошкент шаҳар прокурорлари, шунингдек уларга тенглаштирилган прокурорлар розилиги билан — икки ойгача, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринbosарининг розилиги билан — тўрт ойгача, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан олти ойгача муддатга ёки иш судда кўрилиши муносабати билан суд ажримига биноан, иш кўрилиб бўлгунча, тергов изолятори ёки турмага жойлаштирилиши мумкин.

347-модда. Суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ва қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш

Суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ва қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқишга Ўзбекистон Республикаси қонунларида шу ҳуқуқ бериб қўйилган прокурор, суд раиси ва уларнинг ўринbosарлари простестига биноангина йўл қўйилади.

Простестни қўйидагилар киритишига ҳақлидирлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қароридан ташқари Ўзбекистон Республикасидаги ҳар қандай суднинг ҳукми, ажрими ва қарори устидан — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ва уларнинг ўринbosарлари;

2. Туман (шаҳар) судларининг ҳукмлари ва ажримлари, ишни кассация тартибида кўрган Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар судларининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати ажримлари устидан — Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят прокурори, Тошкент шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурорлар, Қорақалпоғистон Олий суди раиси, вилоят ва Тошкент шаҳар судлари раислари;

Протест киритган шахс уни қайтариб олишга ҳақли. Прокурор келтирилган протест юқори турувчи прокурор томонидан қайтариб олиниши мумкин. Протест ишни кўриб чиқиш бошлангунга қадар қайтариб олиниши мумкин.

350-модда. Суд ҳукмининг, ажримининг ва қарорининг ижросини тўхтатиб туриш
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекис-

тон Республикаси Олий судининг раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасидаги ҳар қандай суднинг протест киритилган ҳукми, ажрими ва қарори шжро этилишини иш назорат тартибида ҳал қилгунига қадар тўхтатиб туришга ҳақлидирлар. Конуннинг очиқдан-очиқ бузилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлган тақдирда, мазкур шахслар жиноий ишни талаб қилиб олиш билан бир вақтда ҳукм, ажрим ва қарорнинг ижросини то улар юзасидан протест киритилганга қадар уч ойдан ошмайдиган муддатта тўхтатиб қўйишга ҳақлидирлар.

360- м о д д а . Янги очилган ҳолатларга асосан жиноий ишга протест киритиш

Янги очилган ҳолатларга асосан ҳукмни бекор қилиш хусусидаги протест Ўзбекистон Республикасидаги барча судларнинг ҳукмлари устидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбоеарлари киритиши мумкин.

404- м о д д а . Дастлабки қамоқ жойларида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати

Дастлабки қамоқ жойларида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунига мувофиқ амалга оширадилар.

421- м о д д а . Ушланганлар сақланадиган жойларда қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати

Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахслар сақланадиган жойларда қонунларга риоя этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунига мувофиқ амалга оширадилар.

3. 26- модданинг учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси прокурори» сўзлари «Ўзбекистон Республи-

касининг бош прокурори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 93- модданинг тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси прокурори», «Қорақалпоғистон АССР» деган сўзлар тегишинча «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори», «Қорақалпоғистон Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 108- модда қўйидаги мазмундаги еттинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси худудида содир қилинган жиноятлар ҳақидаги жиноий ишлар бошқа чет эл давлатларининг тергов идоралари томонидан халқаро ва давлатларапо битимлар асосида тергов қилинади».

6. 109- модданинг иккинчи қисми «Айбланувчи тарикасида» сўзларидан кейин «эҳтиёт чорасини қўллаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин, «рози бўлмаган тақдирда» деган сўзлардан кейин эса «шунингдек прокурор айбланувчини ҳибсга олиш учун рухсат беришини рад қилган тақдирда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 121- модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноий ишлар бўйича дастлабки тергов икки ойлик муддатдан кечикмай тамомланиши лозим. Дастлабки тергов муддати иш қўзғатилган пайтдан бошлаб, иш айлов фикри билан прокурорга юборилган иш бўйича ўтказилаётган тергов ётқизилган ёки тўхтатилган пайтгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу муддат терговни тугатиш имкони бўлмаган тақдирда туман, шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурор томонидан ўч ойгача узайтирилиши мумкин.

Тергов қилиш алоҳида мураккаб бўлган ишлар бўйича ушбу модданинг биринчи қисмida белгиланган дастлабки тергов муддати Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурор ёки уларнинг ўринbosарлари томонидан — олти ойгача узайтирилиши мумкин.

Фақат алоҳида ҳолларда дастлабки терговнинг бу муддати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринbosарлари томонидан янада узайтирилиши мумкин».

8. 200- модданинг:

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон ССР прокурори, СССР Бош прокурори ёки уларнинг ўринbosарлари» де-

ган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон ССР Прокурори, ССР Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 227- модданинг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Прокурор судлар томонидан оғир жиноятлар тўғрисидаги ишлар қараб чиқилаётганда, шунингдек прокурорнинг ўзи ёки суд зарур деб топган ишларни кўришда иштирок этади. Прокурор давлат айловини қувватлар экан, далилларни текширишда қатнашади; судланувчиларга, жабланувчиларга, гувоҳларга, экспертларга ва айлов хулёсасига илова қилинган рўйхатга асосан ёки ўз илтимоси бўйича судга чақирилган шахсларга саволлар беради; жиноий харакатларни квалификация қилиш бўйича жиноят қонунини қўллаш ва унга жазо тури ва меъёрини тайинлаш ҳамда суд ҳал қилиши лозим бўлган бошқа масалалар юзасидан судда ўз фикрини баён этади; жиноят содир этилишига сабаб бўлган вазиятлар ва шарт-шароитлар ҳамда уларни йўқотиш чоралари ҳақида ўз мулоҳазаларини тақдим этади».

10. 302- модданинг иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Прокурор, унинг ўринбосари файриқонуний ёки асосиз чиқарилган ҳар бир ҳукм устидан кассация тартибida протест киритиши шарт. Протест уни киритган прокурор ёки юқори турган прокурор томонидан чақириб олиниши мумкин».

11. 332- модда. биринчи қисмининг 1 ва 2- бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) ушбу Кодексда кўзда тутилган ҳолларда пул товони тўлаш, тўлатиш ёки жарима солиш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан бу ажрим кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс томонидан шикоят берилиши ёки прокурор, унинг ўринбосарлари томонидан протест киритилиши мумкин. Судянинг иш қўзғатишини рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан жабланувчи ва унинг вакили шикоят берishi ёки прокурор, унинг ўринбосарлари томонидан протест киритилиши мумкин;

2) ушбу Кодекснинг 215, 216, 235, 236, 238- модда-

лари, 286- моддасининг 3- қисми, 297, 340 ва 341- моддадаридаги назарда тутилган ҳолларда суд томонидан чиқарилган ажрим устидан шикоят берилиши мумкин эмас, лекин прокурор, унинг ўринбосарлари протест киритишлари мумкин».

12. 352- модданинг еттинчи, саккизинчи қисмларидаги «Ўзбекистон Республикаси прокурорига, Ўзбекистон Республикаси Прокурори» деган сўзлар тегишинча «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори» деган сўзлар билан алмаштирилсин; «СССР Бош прокурори» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

13. 358- модданинг бешинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Прокурорига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

II. Ўзбекистон Республикасининг, 1963 йил 23 мартағи Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Гражданлик процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1963 йил, 9-сон, 31-модда):

1. Кодекс қуйидаги мазмундаги 24²- боб билан тўлдирилсин:

«24²- боб

ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИ ҒАЙРИҚОНУНИЙ ДЕБ ТОПИШ ҲАҚИДА ПРОҚУРОРНИНГ СУДГА АРИЗА БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛИШИ

264⁸- м о д д а . Прокурорнинг судга ариза билан мурожаат қилиши

Ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжатни чиқарган идора ёки юқори турган идора томонидан прокурорнинг протести рад қилинганда ёки протест қонунда кўрсатилган муддатда кўрилмаган тақдирда ушбу ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги ариза билан прокурор судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

264⁹- м о д д а . Прокурорнинг ариза билан судга мурожаат қилиш муддати

Протест рад қилинганлиги ҳақидаги хабар олинганидан сўнг ёки протест қараб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат тугагандан кейин бир ой ичida прокурор судга ариза бериши мумкин.

264¹⁰- м о д д а . Протест киритиш ҳуқуқий ҳужжат- ни ҳаракатдан тұхтатиш

Прокурорнинг судга мурожаати протест киритилган ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳаракатини иш судда күрілгунча тұхтатады.

264¹¹- м о д д а . Прокурор аризасини күриб чиқиши

Прокурор аризаси суд томонидан 10 кун муддат ичінде маъмурый ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни қараб чиқиши бўйича ушбу кодексда белгиланған қоидаларга мувофиқ күриб чиқилади.

Прокурорнинг аризаси унинг иштирокида ва протест рад қилиш ҳақида қарор чиқарган ёки уни муддатида күриб чиқмаган идора раҳбари ёхуд уларнинг қонуний вакиллари иштирокида күрилади.

Протестни рад қилган ёки уни муддатида кўрмаган идора раҳбари ёхуд уларнинг қонуний вакиллари суд мажлисига узрсиз сабаб билан келмасликлари прокурор аризасининг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди, лекин суд ушбу шахснинг келишини мажбурий деб топиши мумкин.

264¹²- м о д д а . Прокурорнинг аризаси бўйича суд қарори

Суд прокурорнинг аризасини асосли деб топса, уни қаноатлантириш ва ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиши ҳақида қарор чиқаради.

Агар суд протест киритилган ҳужжатни қонунга мувофиқ ҳолда уни чиқарган идоранинг ваколат доирасида қабул қилинган деб топса, аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида қарор чиқаради.

Ҳуқуқий ҳужжатнинг қонуний деб топиши ҳақидаги прокурорнинг аризаси бўйича суднинг чиқарган қарори протестни рад қилган идора бошлиғига юборилади. Суд қарорининг ижроси умумий асосларда амалга оширилади».

2. 13 ва 349- моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«13- м о д д а . Фуқаролик-судлов ишларини юрги-
зишда прокурорнинг ўрни**

Прокурор қонунларда назарда тутилған ҳолларда,

шунингдек ўзи ёки суд зарур деб топган тақдирда, ишларнинг судда қараб чиқилишида иштирок этади.

Прокурор фуқаролик-судлов ишлари юргизишнинг ҳамма босқичларида ҳар қандай қонунбузарликни бартараф қилмоқ учун, бундай қонунбузарлик ким томонидан содир қилинишидан қатъий назар, қонуларда белгиланган чораларни ўз вақтида кўриши шарт.

Прокурор фуқаролик-судлов ишларини юргизишида ўз ваколатини давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари ва бошқарув идоралари, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиб турган қонуларга, халқаро ва давлатлараро шартномаларга (битимларга) асосланиб мустақил амалга оширади».

«349- модда. Протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Туман (шаҳар) судларининг, Тошкент шаҳар судининг, вилоят судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ва уларнинг ўринbosарлари протест киритиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят прокурори, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг раиси, вилоят судининг раиси, Тошкент шаҳар судининг раиси туман (шаҳар) судларининг қарорлари, ажримлари устидан ҳамда тегишли бўлишига қараб, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг, вилоят суди ва Тошкент шаҳар судининг ишни кассация тартибида кўрган фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатлари чиқарган ажримлари устидан протест киритишга ҳақлидирлар».

3. 251- модданинг биринчи қисми қўйидаги мазмундаги тўртинчи банд билан тўлдирилсин:

«4) Ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги прокурорнинг аризаси»;

тўртинчи банд бешинчи банд деб ҳисоблансан.

ІІІ. Ўзбекистон Республикасининг 1970 йил 24 ию-

нидаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг аҳлоқ тузатиш-меҳнат кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1970 йил, № 18, 168- модда):

1. 11- модданинг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этиш, сургун, бадарға ва озодликдан маҳрум этмасдан аҳлоқ-тузатиш ишларига жалб этиш ҳақидаги ҳукмларни ижро этишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширадилар. Қонунларнинг бажарилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга оширас экан, прокурор қонуннинг ҳар қандай бузилишини ўз вақтида топиш ва бартараф қилиш чораларини кўришга, бу қонуннинг ким томонидан бузилишидан қатъи назар, бузилган ҳуқуқларни тиклашга ва айборларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортишга мажбурдир».

2. 15- модданинг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бошқа шахс томонидан содир этилган жиноят иши бўйича тергов харакатлари олиб бориш зарур бўлган ҳолларда аҳлоқ-тузатиш меҳнат ёки тарбия меҳнат колонияларида озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган маҳкум Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурори, уларга тенглаштирилган бошқа прокурор рухсати билан — икки ойгача, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг рухсати билан — тўрт ойгача, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг рухсати билан эса — олти ойгача қамоқда ёки тергов изоляторида қолдирилиши мумкин».

3. 20- модданинг учинчи хатбошиси қўйидагича таҳрирда баён этилсин:

«Бошқа шахс томонидан содир этилган жиноят иши бўйича тергов харакатлари олиб борилиши муносабати билан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган бошқа прокурорларнинг рухсати билан — икки ойгача, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарлари рухсати билан — тўрт ойгача, Ўзбекистон Республикаси бош прокурорининг рухсати билан эса — олти ойгача».

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1985 йил 13 деқабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тұғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1985 йил, 35-сон, 411-модда):

1. Кодекс қуидаги мазмундаги 187⁶-модда билан тұлдирисин:

«187⁶-модда. Прокурорнинг қонуний ғаолиятига тұсқынлик қылғанлық ва талабини бажармаганлық

Актлар ва бошқа зарур ҳужжатларни, материаллар ва ахборотларни беришдан, текширув, тафтиш ўтказышдан, мутахассисларни ажратишдан, прокуратурага кепишишдан, қонун бузилиши муносабати билан тушунтириш беришдан бош тортиш ҳамда прокурор юбөрган ҳужжатларни күриб чиқмаслик ёки уларни тұла ҳажмада бажармаслик, шуннингдек прокурорға уннинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига әришиш мақсадида бирон-бир тарзда күрсатғанлық,—

Фүқароларға әнг кам ойлик иш ҳақпининг бир баробаридан уч баробаригача миқдорида, мансабдор шахсларга эса әнг кам ойлик иш ҳақпининг уч баробаридан етти баробаригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

2. 232-моддада «187⁵»-рақамларидан кейин «187⁶»-рақамлари билан тұлдирисин.

3. 288-модданинг иккинчи қисми «171» сонидан кейин «187⁶»-рақамлари билан тұлдирисин.

V. Белгилаб қўйилсинки, Маъмурий-ҳуқуқбузарлик тұғрисидаги кодексининг «187⁶-моддасида кўзда тутилған маъмурий-ҳуқуқбузарлик тұғрисидаги ишларни қўзғатиши ҳақидаги қарорни (протокол) ва бошқа материалларни прокурор судга йўллайди, суд эса Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ишни кўриб чиқади».

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

**ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖОЙЛАРИДАН
БЎШАТИЛГАН ШАХСЛАР УСТИДАН ИЧКИ ИШЛАР
ИДОРАЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ НАЗОРАТИ
ТҮҒРИСИДА**

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИҚАСИНинг

1992 йил 9 декабрь

ҚОНУНИ

(Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993-йил, 1-сон, 33-модда).

1-модда. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тарбиявий олдини олиш таъсир чораларининг мажмуини ифодалаб, назорат остидагиларга нисбатан ушбу Қонунла кўзда тутилган чеклашларни қўллашдан иборат бўлади.

2-модда. Маъмурий назоратнинг асосий мақсади илгари судланганлар томонидан такрор жиноятлар содир этилишини олдини олиш, уларда ижобий ижтимоий йўлга кириб олиши шакллантиришдан иборатdir.

3-модда. Маъмурий назорат ўрнатилиши ва амалга оширилиши назорат остидаги кишининг бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, унинг инсоний қадр-қимматини камситмаслиги, иш, ўқиш ва истиқомат жойида обрўсими тўқмаслиги лозим.

4-модда. Маъмурий назорат вояга етган қўйидаги шахсларга нисбатан ўрнатилади:

а) оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар уларнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганликларидан далолат берса;

б) оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар улар жазо муддатини ўтаб бўлганларидан сўнг ички ишлар идораларининг жамият учун заарли кун кечиришни тўхтатиш тўғрисидаги огоҳлантиришига қарамай, жамоат тартибини

мунтазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний ман-
фаатларига путур етказаётган бўлсалар.

5-модда. Маъмурий назорат остига олинган шахс-
ларга нисбатан қўйидаги чеклашлар қўлланилиши мум-
кин:

а) куннинг ички ишлар идоралари белгилаб қўйган
вақтида уй (квартира)дан чиқиб кетишни тақиқлаш;

б) туман (шаҳар)нинг муайян жойларида бўлиши
тақиқлаш;

в) ички ишлар идоралари (милиция)нинг рухсати-
сиз туман (шаҳар) дан ташқарига чиқиб кетишни та-
қиқлаш;

г) рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт
мартагача милицияга келиб учрашиш.

Юқорида кўрсатилган чеклашлар назорат остида
бўлган шахснинг турмуш тарзига, оиласий аҳволига,
аввалги судланганлигига ва унинг шахсини тавсифлов-
чи бошқа ҳолатларга қараб тўла ҳажмда ёки айрим-
айрим йўсинда қўлланилади.

Чеклашлар рўйхати узил-кесил ҳисобланади, унга
қўшимчалар қилиш ёки кенгайтириб шархлаш мумкин
эмас.

6-модда. Маъмурий назоратни амалга ошириш
назорат остидаги кишининг истиқомат жойидаги ички
ишлар идоралари (милиция)га юклатилади.

7-модда. Судъянинг қарори маъмурий назоратни
ўрнатиш учун асос ҳисобланади.

8-модда. Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги
тўғрисидаги асосли тақдимнома судга қўйидагилар то-
монидан юборилади:

а) озодликдан маҳрум этиш жойларида турган шахс-
ларга нисбатан,— ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси
бошлиғи томонидан, жазога ҳукм қилинган шахс туз-
лиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтиш-
ни асло истамаганлигидан далолат берувчи материал-
лар бўлган тақдирда, озод этишдан камида бир ой ол-
дин;

б) озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатил-
ган шахсларга нисбатан,— ички ишлар идораси бошлиғи
томонидан, шахс ахлоқ тузатиш—меҳнат муассасаси-
дан бўшатилганидан кейин жамният учун заарли
тарзда кун кечираётганлигидан далолат берувчи мате-
риаллар асосида.

9-модда. Маъмурий назоратни ўрнатиш тўғриси-

даги масала судья томонидан тақдимнома олинган пайтдан бошлаб 10 кундан кечикмай ҳал қилинади. Маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорда назорат белгилашга нималар сабаб бўлганлиги, назорат муддати, назорат остидаги шахсга нисбатан қўлланиладиган чеклашлар, агар маъмурий назорат озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатишда белгиланган бўлса, унинг танланган яшаш жойига етиб келиш муддати кўрсатилади.

10-модда. Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача муддатга белгиланади. Назоратни амалга ошириш муддати, ушбу Қонун 4-моддасининг «а» бандида кўрсатилган шахслар яшаш жойига етиб келган пайтдан бошлаб, 4-модданинг «б» бандида кўрсатилган шахсларга нисбатан эса,— судья маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида қарор чиқарган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Маъмурий назорат муддати ички ишлар идораларининг тақдимномасига биноан ҳар сафар яна олти ойга узайтирилиши мумкин, лекин узайтирилган назорат муддати мазкур жиноят учун белгиланган судланганлик муҳлатининг тугаши ёки судланганликнинг олиб ташланиши учун қонунда назарда тутилган муддатлардан ошмаслиги лозим. Назорат остидаги шахс ўзига белгиланган вақт ичидан тузалиш йўлига ўтмаган, жамоат тартибини бузаётган, фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган ёки ўзига нисбатан қўлланилаётган чеклашларга риоя этмаётган тақдирда маъмурий назорат муддатини узайтиришга йўл қўйилади.

11-модда. Чеклашлар рўйхати назорат остидаги кишининг шахси, унинг турмуш тарзи ва хулқ-авторига қараб, лекин ушбу Қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган чеклашлар доирасида қисқартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

12-модда. Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси маъмурияти жазони ўташ даврида маъмурий назорат остига олиниши белгиланган шахсни озодликдан маҳрум этиш жойидан бўшатиш олдидан у танлаган истиқомат жойидаги ички ишлар идораларига бўшатилаётган кишининг етиб бориш вақтини хабар қилган ҳолда судьянинг маъмурий назорат белгилаш тўғрисидаги қарорини юборади.

13-модда. Судьянинг маъмурий назорат белгилаш ёхуд назорат муддатини узайтириш ва назоратни амал-

га ошириш вақтида қўлланиладиган чеклашларни ўз-гартириш тўғрисидаги қарори назорат остида бўлган шахсга ички ишлар идораси бошлиғи томонидан, озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлган шахсга эса—аҳлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси бошлиғи томонидан тилхат орқали билдирилади. Бунда назорат остидаги шахсга унинг бурчлари, маъмурий назорат қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тушунтирилади, назорат озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилиш олдидан белгиланган шахсга эса—танланган истиқомат жойига белгиланган муддатда етиб бормаганлик учун жавобгарлик тушунтирилади. Назорат остидаги шахсга, шунингдек у маъмурий назоратдан бўйин товлаб истиқомат жойидан ўзбошимчалик билан кетиб қолганлик учун жавобгарлик тушунтириб берилади.

14-модда. Маъмурий назорат остига олинган шахсларнинг фотосурати олинади ва ички ишлар идораларида ҳисобга олиб қўйиладилар. Зарур ҳолларда назорат остида бўлган шахсларнинг бармоқлари излари бостириб олинади. Маъмурий назорат остида бўлган ҳар бир шахс тўғрисида назорат дафтари юргизилади.

15-модда. Ички ишлар идоралари (милиция) ходимлари маъмурий назоратни амалга оширишда:

а) назорат остига олинганларнинг хулқ-атворини улар яшаётган ва ишлаётган жойда мунтазам назорат қилиб боришлари;

б) назорат остига олинганларни танланган истиқомат жойида прописка қилиш ва уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш юзасидан зарур чоралар кўришлари;

в) улар томонидан жамоат тартиби бузилиши, бошка фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказилишининг олдини олишлари ҳамда йўл қўймасликлари;

г) уларга нисбатан белгиланган чеклашлар бузилганилиги тўғрисида қонунда белгиланган тартибда баённомалар ёзишлари шарт.

16-модда. Милиция ходимлари маъмурий назоратни амалга оширишда:

а) назорат остига олинган шахснинг хулқ-атвори тўғрисида у ишлаётган, ўқиётган корхона, муассаса маъмуриятидан ва у яшаётган жойдаги жамоат ташки-

лотларни ҳамда фуқаролардан маълумотлар талаб қилиб олиш;

б) назорат остида бўлган шахсни ишга жойлаштириш ва унга турмуш шароити яратиб бериш тўғрисида тегишли давлат, жамоат ва хўжалик ташкилотлари олдига масала қўйиш;

в) назорат остида бўлган шахсни суҳбат учун милицияга чақириш, лозим пайтларда бундай суҳбатларни корхоналар, муассасалар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, назорат остига олинган шахснинг қариндошлари, шунингдек суҳбат мавзуига алоқадор шахслар иштироқида ўтказиш;

г) назорат остида бўлган шахсдан маъмурий назорат қондаларини ижро этиш билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

д) назорат остида бўлган шахснинг туар жойнин соат 6 дан 22 га қадар бориб кўриш ҳуқуқига эгадирлар.

Маъмурий назоратни амалга ошириш юзасидан айрим тадбирларни ўтказишида ички ишлар идораларига ёрдам бериш учун ички ишлар идораларининг штатсиз ходимлари ва жамоатчиликнинг бошқа вакиллари жалб қилиниши мумкин.

Маъмурий назоратдан бош тортаётган шахсларни қидириш судья қарорига биноан милиция томонидан амалга оширилади.

17-модда. Маъмурий назорат қўйидаги ҳолларда тўхтатилади:

а) маъмурий назорат олиб бориш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин, агар уни узайтиришга асос бўлмаса;

б) муддатидан илгари, башарти назорат остида бўлган шахс тузалиш йўлига қатъиян ўтганлиги, ишда ва турмушда ўзини яхши томондан кўрсатганлиги аниқланган бўлса;

в) назорат остида бўлган шахснинг судланганлик муҳлати тугаган ёки судланганлиги олиб ташлангани ҳолларда.

18-модда. Маъмурий назоратни 17-модданинг «а» ва «в» бандларида назарда тутилган ҳолларда тўхтатиш тўғрисида маъмурий назоратни амалга ошираётган милиция ходими томонидан қарор чиқарилиб, бу қарор ички ишлар туман, шаҳар, шаҳардаги туман бўлими (бошқармаси) бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Маъмурий назоратни 17- модданинг «б» бандида назарда тутилган ҳолларда муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисида ички ишлар идораси бошлиги томонидан судга асосли тақдимнома йўлланади, тақдимнома ўн кунлик муддатда кўриб чиқилиши лозим.

Судья ёки ички ишлар идорасининг маъмурий назоратни тўхтатиш тўғрисидаги қарори назорат остида бўлган шахсга эълон қилинади.

Маъмурий назорат остида турган шахсга доир ҳисобга олиш ҳужжатлари ички ишлар идорасида назорат тўхтатилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида сақланади.

19- модда. Маъмурий назорат остида турган шахс ҳалол меҳнат қилиб кун кечириши, жамоат тартибини бузмаслиги, бошқа фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, қўйидаги қоидаларга риоя этиши шарт:

а) милициянинг чақирувига биноан кўрсатилган муддатда бориш ҳамда маъмурий назорат қоидаларини ижро этиш билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушуниришлар бериш;

б) ишлаш ёки яшаш жойи ўзгарганлиги тўғрисида, шунингдек туман (шаҳар)дан ташқарига кетаётгани тўғрисида маъмурий назоратни амалга ошираётган милиция ходимларини бир кеча-кундузда хабардор қилиш;

в) бошқа аҳоли манзилгоҳига борганида ва у ерда бир кеча-кундуздан кўпроқ вақт туриб қолганида маҳаллий ички ишлар (милиция) бўлимида рўйхатдан ўтиш;

г) ушбу Қонунининг 5- моддасида назарда тутилган, унга нисбатан қўлланилган чеклашларга риоя этиш.

20- модда. Маъмурий назорат остига олинган шахслар белгиланган чеклашларни бузганлари тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда маъмурий ёки жинонӣ жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий назоратдан бўйин товслаб истиқомат жойидан ўзбошимчалик билан кетиб қолган, шунингдек маъмурий назорат озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилаётганда белгиланган ҳолларда танланган истиқомат жойига муайян муддатда узрли сабабларсиз етиб келмаган назорат остидаги шахслар Ўзбекистон

Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жи-
ний жавобгарликка тортиладилар.

21-модда. Ушбу Қонунга риоя этилиши устидан
назорат Узбекистон Республикаси Баш Прокурори ва
унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оши-
рилади.

22-модда. Судъянинг маъмурий назорат ўрнатиш
тўғрисидаги қарори прокурорнинг норозилиги билан ёки
юқори суд идораси томонидан назорат асоссиз равишда
белгиланган деб эътироф этилган тақдирда бекор қили-
ниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

23-модда. Маъмурий назоратни белгилаш ҳамда
амалга ошириш билан боғлиқ шикоят ва аризалар ички
ишлар идораси бошлиғи, прокурор ёки юқори суд идо-
раси раиси томонидан белгилаб қўйилган ваколатлар
доирасида кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

Шикоят берилганлиги судья маъмурий назоратни
тўхтатиш тўғрисида қарор чиқармагунча унинг амалга
oshiрилишини тўхтатиб қўймайди.

Узбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг АЙРИМ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ҮЗГАРТИШЛАР ВА
ҚҰШИМЧАЛАР ҚИРИТИШ ҲАҚИДА ҲАМДА
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг МАЪМУРИЙ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИҚ ТҮҒРИСИДАГИ КОДЕКСИДА ВА
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ЖИНОЯТ
КОДЕКСИДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН ЖАРИМА
МИҚДОРЛАРИНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШ
ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг
1992 йил 9 декабрь**

ҚОНУНИ

**(Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 34- модда)**

Республика қонунларини янада такомиллаштириш мақсадида Узбекистон Республикаси Олий Қенгаши қарор қиласы:

Узбекистон Республикасининг қуидаги қонун ҳужжатларига үзгартышлар ва құшимчалар киритилсін:

1. Узбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майдағы Қонуни билан тасдиқланған Узбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Узбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил, 6-сон, 2-модда):

1) кодекс қуидаги мазмунда бўлган 179³, 196¹ ва 198¹- моддалар билан тўлдирилсін:

«179³- м о д д а . Фойдани (даромадни) қасдан яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасдан яширганлик (ҳисобга олмаганлик)

Фойдани (даромадни) қасдан яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасдан яширганлик (ҳисобга олмаганлик), агар бу хатти-ҳаракатлар худди шундай қонунбу-

зарлик учун маъмурий жазо берилгандан кейин бир йил мобайнида такрор содир этилган бўлса,— икки йилгача муддатга аҳлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ёки энг кам ойлик иш ҳақининг эллик ҳиссаси миқдорида жарима солиш билан жазоланади».

«196¹- модда. Оммавий ахборот воситаларини ғайриқонуний тайёрлаганлик ва тарқатганик

Оммавий ахборот воситаларини қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказмай туриб ёки уни чиқариши слуд нашр этишни тўхтатиш тўғрисидаги қарордан кейин тайёрлаш ва тарқатиш, агар бу хатти-ҳаракатлар маъмурий жазо берилгандан кейин бир йил мобайнида такрор содир этилган бўлса,—

айборга қарашли бўлган ахборотни тайёрлаш ва тарқатиш учун фойдаланилган техника воситаларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай энг кам ойлик иш ҳақининг ўн ҳиссаси миқдорида жарима солиш билан жазоланади».

«198¹- модда. Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини қасдан бузганлик

Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини қасдан бузиши, башарти, худди шу хатти-ҳаракатлар содир этганлик учун маъмурий жазо берилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,—

икки йилгача муддатга аҳлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ёки энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш ҳиссаси миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

2) 23- модда тўртинчи қисмининг учинчи хатбоши-сидан «хусусий соҳибкорлик фаолияти ёки коммерция-да воситачилик қилганлик (174- модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) 177-модда биринчи қисмининг диспозициясидан «эллик тийиндан ортиқ суммага» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) кодексдан 174, 177³, 179¹, 180- моддалар ҳамда 175 ва 177²- моддаларининг изоҳи чиқариб ташлансин;

5) амалдаги 198¹- модда 198²- модда деб ҳисоблансин ва у қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«198²- модда. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш қоидаларини қасдан бузиши

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини қасдан бузиши, яъни Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз яшаши ёки ҳақиқий деб ҳисобланмаган ҳужжатлар билан яшаши, рўйхатдан ёки пропискадан ўтиш юзасидан белгиланган тартибга ёхуд турар жойидан кўчиш ва янги турар жой танлаш бўйича белгиланган тартибга риоя қилмаслиги, бу ерда яшаш учун белгиланган мухлат тугаганидан кейин Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш қоидаларига риоя қилмаслиги, агар бундай шахслар худди шу қоидаларни бузганликлари учун бир йил давомида илгари ҳам маъмурий жазога тортилган бўлсалар,—

бир йилдан уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

II. Ўзбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майдаги қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил, 2-сон, 3- модда) 108- моддасида:

биринчи қисмидаги «179- модданинг биринчи қисмida» деган сўзлардан кейин «179³- моддада» деган сўзлар киритилсин;

учинчи қисмидаги «192—194⁶» рақамларидан сўнг «196¹»- рақами киритилсин;

биринчи қисмидаги «179¹, 180» рақамлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «197¹» рақамларидан сўнг «198¹» рақамлари киритилсин ва «174», «177³» рақамлари чиқариб ташлансин.

III. Ўзбекистон Республикасининг 1985 йил 13 деқабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1985 йил, 35-сон, 411- модда):

1) кодекс қуйидаги мазмунда бўлган 121¹, 193¹, 206¹ ва 254³- моддалар билан тўлдирилсин:

«121¹- м о д д а. Метрополитендан фойдаланиш қоидаларини бузганлик

Метрополитендан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузганлик,—

энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан то ярмигача бўлган миқдорда жарима солинишига олиб келади.

Маъмурий жазо берилганидан кейин бир йил давомида худди шундай хатти-ҳаракат такрор содир этилса,—

энг кам ойлик иш ҳақининг ярмидан тўла миқдоригача жарима солинишига олиб келади».

«193¹- м о д д а. Давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузганлик

Давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибининг давлат статистика кузатувларини ўтказиш учун зарур бўлган ҳисоботлар ва бошқа маълумотларни тақдим этмаслик тарзида бузилиши, ҳисобот маълумотларининг бузиб кўрсатилиши ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларининг бузилиши,—

энг кам ойлик иш ҳақининг уч ҳиссасидан беш ҳиссасигача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жазо берилгандан сўнг бир йил мобайнида такроран содир этилган айни шундай хатти-ҳаракатлар,—

энг кам ойлик иш ҳақининг беш ҳиссасидан ўн ҳиссасигача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади».

«206¹- м о д д а. Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини бузганлик

Узбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқишга доир ҳужжатларни расмийлаштиришнинг белгиланган тартибини бузиши,—

ғайриқонуний равища расмийлаштирилган ҳужжатлар мусодара этилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссаси миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай хатти-ҳаракатлар мансабдор шахслар томонидан содир этилган бўлса,—

ғайриқонуний равища расмийлаштирилган ҳужжатлар мусодара этилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан то ўн беш ҳиссаси миқдоригача жарима солишга сабаб бўлади».

«254³- модда. Узбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг идоралари

Узбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг идоралари ушбу Кодекснинг 193¹- моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ва ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган идоралар номидан маъмурий жазолар беришга Узбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринbosарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика қўмитасининг раиси ва унинг ўринbosари, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликларининг истиқболни белгилаш ва статистика бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринbosарлари, туман ҳамда шаҳар ҳокимликларининг истиқболни белгилаш ва статистика бўлимлари бошлиқлари ҳақлидирлар».

- 2) 56- модданинг изоҳи чиқариб ташлансин;
- 3) 128¹- модданинг учинчи қисмидаги «Метрополитен вагонларида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
- 4) 128²- модданинг биринчи қисмидан «шунингдек метрополитенда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
- 5) 158- модда қўйидаги мазмунда бўлган иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«худди шу хатти-ҳаракатлар маъмурий жазо берилганидан кейин бир йил мобайнида такрор содир этилса,—

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг ярмигача миқдорда, мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида жарима солинишига олиб келади»;

- 6) 166¹- модданинг диспозициясидаги «эллик тийин-

дан ошмаган» деган сўзлар «кам миқдордаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 171- модданинг диспозициясидан «текин даромад миқдори юз сўмдан ортиқ бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) 175- моддада:

сарлавҳаси ва биринчи қисмининг изоҳ қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«175- м о д д а . Фойдани (даромадни) яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яширганлик (ҳисобга олмаганлик) ва касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик

Фойдани (даромадни) яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яширганлик (ҳисобга олмаганлик), шунингдек бухгалтерлик ҳисоб-китобининг йўқлиги ёки ҳисоб-китобни белгиланган тартибни бузиб олиб борганлик ҳамда бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатганлик, солиқларни ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган бошқа тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ бўлган бухгалтерлик ҳисоботлари, баланслар, ҳисоб-китоблар, декларация ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этганлик, шунингдек касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик —»;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

9) 175¹- модданинг биринчи қисмидан «даромадлар ҳисоб-китобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб борганлик, даромадлар ҳақидаги декларацияларни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик ёхуд декларацияга нотўғри маълумотлар киритганлик» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) 194- модданинг учинчи қисми. қуийидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оммавий ахборот воситасини қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказмай туриб ёки уни чиқарishни ёхуд нашр

Этишни тұхтатиши тұғрисидаги қарордан кейин қонунга хилоф ҳолда тайёрлаш ва тарқатиши,—

Энг кам ойлик иш ҳақининг 5 ҳиссаси миқдорида жарима солиб, матбаа ёки бошқа нашрнинг жами нускасы олиб қўйилишига сабаб бўлади»;

11) 207- модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«207- м о д д а. Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш қоидаларини бузиши

Чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилиши, яъни Ўзбекистон Республикасида яашаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз яашаш ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яашаш, рўйхатдан ёки пропискадан ўтиш ёҳуд бир жойдан иккинчи жойга бориш ва истиқомат жойини танлаб олиш юзасидан белгиланган тартибга риоя қилмаслик, яашаш учун белгиланган муддат тугагач бу ердан чиқиб кетишдан бўйин товлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш қоидаларига риоя қилмаслик,—

Энг кам ойлик иш ҳақининг ўн ҳиссасигача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилувчи ёки уларга хизмат кўрсатилишини таъминловчи, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида бўлиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш шартларига риоя қилиш билан борғлиқ вазифаларни бажарувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан уларни рўйхатдан, пропискадан ўтказиш ёки рўйхатдан чиқариш, улар учун Ўзбекистон Республикасида яашаш, бир жойдан иккинчи жойга бориш ва истиқомат жойини ўзгартириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш юзасидан белгиланган тартибининг бузилиши,—

Энг кам ойлик иш ҳақининг уч ҳиссасидан ўн ҳиссагача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Хусусий иш билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасига

таклиф қилган ҳамда уларга уй-жой майдони берган фуқароларнинг уларни белгиланган тартибда ўз вақтида рўйхатдан, пропискадан ўтказишни ёки рўйхатдан ўчиришни таъминлаш чораларини кўрмаслиги,—

энг кам ойлик иш ҳақининг беш ҳиссасигача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши юзасидан белгиланган қоидаларига ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиши қоидаларига хилофравиша фуқароларнинг чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уй-жой, транспорт воситаларини бериб қўйиши ёки уларга бошқа хил хизмат кўрсатиш —

энг кам ойлик иш ҳақининг беш ҳиссасигача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади».

12) 228- модданинг биринчи қисмидаги «193-200» рақамлари «193, 194, 195—200» рақамлари билан алмаштирилсин;

13) 232- модда «189- моддаларида» деган сўзлардан кейин «194- модданинг учинчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

14) 233- модда иккинчи қисмининг биринчи бандидаги «206- моддалар» деган сўзлар «206—206¹- моддалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

IV. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарлиқ тўғрисидаги кодексининг 121¹ ва 206¹- моддаларида кўзда тутилган протокол ички ишлар идорасининг ва-колатли ходимлари (милиция) томонидан тузилади.

V. Ўзбекистон Республикасининг 1970 йил 24 шундаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Аҳлоқ тузатиш-меҳнат кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1970 йил, 18-сон, 168- модда):

1) 40- модданинг сарлавҳасидаги ва биринчи қисмидаги «йигирма ёшга тўлгунга қадар» деган сўзлар» йигирма уч ёшга тўлгунга қадар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 122- модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«122- м о д д а . Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш

Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган оғир жиноятлари учун тайинланган жазони ўтаб чиққан ёки қасддан қилган ҳар қандай жинояти учун иккى марта ва ундан кўп марта судланиб, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо муддатини ўтиш давридаги ёхуд жазони ўтаб бўлгандан кейинги хулқи улар аҳлоқан тузалиш ва меҳнат қилиб ҳалол кун кечириш йўлига тушишини сира истамаганликларидан далолат бериб турган бўлса, ички ишлар идоралари бундай шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатадилар.

Маъмурий назорат ўрнатиш учун асос ҳамда уни амалга ошириш тартиби озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгилаб қўйилади;

3) 123- моддада:

иккинчи қисм қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ушбу Кодекснинг 122- моддаси биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан аҳлоқ тузатиши-меҳнат муассасасининг бошлиғи улар бўшатилишидан энг камида бир ой олдин муассаса жойлашган ердаги судга маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги асослаб кўрсатилган тақдимнома ҳамда маҳкумнинг аҳлоқан тузалиш ва меҳнат қилиб, ҳалол кун кечириш йўлига тушишини сира истамаётганлигидан далолат берувчи материалларни юборади»;

мода қўйидаги мазмунда бўлган учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги судьянинг қарори ҳамда танланган турар-жойга етиб бориш муддати назорат остидаги шахсга тилхат воситасида маълум қилинади. Қарор назорат остидаги шахс танлаган турар жойдаги ички ишлар идораси (милиция) га барвақт жўнатилади, бунда сўнгги муддат бўшатилган кун ҳисобланади».

VI. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳриридаги Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси қабул

қилингунга қадар бундан буён қатъий сўмларда ифода-ланган жарима миқдорларини қайта ҳисоблашнинг қуидаги тартибиға амал қилинсин:

агар жариманинг энг юқори миқдори:

— ўн сўм бўлса, у ҳуқуқбузарлик содир этилаётган даврда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисмига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори йигирма беш сўмдан оз бўлмаслиги керак;

— ўттиз сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бирига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори эллик сўмдан оз бўлмаслиги керак;

— эллик сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг ярмига тенг деб ҳисоблансан, бунда жариманинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисмидан оз бўлмаслиги керак;

— юз сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан оз бўлмаслиги керак;

— икки юз сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасига тенг деб ҳисоблансан, бунда кўзда тутилган жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ярмидан оз бўлмаслиги керак;

— уч юз сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг уч ҳиссасига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан оз бўлмаслиги керак;

— беш юз сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг беш ҳиссасига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— минг сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссасига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг уч ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— уч минг сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг ўн ҳиссасига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— ўн минг сўм бўлса, у энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш ҳиссасига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак.

VII. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳриридаги Жиноят кодекси қабул қилингунга қадар бундан бўён қатъий сўмларда ифодаланган жарима миқдорларини қайта ҳисоблашниң қўйидаги тартибига амал қилинсин:

агар жариманинг энг юқори миқдори:

— эллик сўмдан ошмаса, у жиноят содир этган даврда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг чорак қисмидан оз бўлмаслиги керак;

— юз сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ярмидан оз бўлмаслиги керак;

— икки юз сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг уч ҳиссасига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаслиги керак.

— беш юз сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз ҳиссасига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— минг сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг ўн ҳиссасига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг уч ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— уч минг сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг ўн икки ҳиссасига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— беш минг сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш ҳиссасига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— ўн беш минг сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма ҳиссасига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн икки ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— ўн беш минг сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш ҳиссасига тенг деб ҳисоблансан, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— йигирма беш минг сўмдан ошмаса, у энг кам ой-

лик иш ҳақининг ўттиз беш ҳиссасига тенг деб ҳисобланисин, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак;

— ўттиз минг сўмдан ошмаса, у энг кам ойлик иш ҳақининг эллик ҳиссасига тенг деб ҳисобланисин, бунда жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш ҳиссасидан оз бўлмаслиги керак.

VIII. Ушбу Қонун эълон қилинган вақтдан бошлаб қучга киритилади.

Узбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИҚАСИ ЖИНОЯТ
КОДЕКСИНинг ВА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИҚАСИ МАЪМУРИЙ
ХУҚУҚБУЗАРЛИҚ ТҮҒРИСИДАГИ КОДЕКСИНинг
АЙРИМ МОДДАЛАРИНИ ҚУЛЛАНИШ ТАРТИБИ
ТҮҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИҚАСИ ОЛИЙ
КЕНГАШИНинг
1992 йил 9 декабрь**

ҚАРОРИ

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 35-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi қарор
қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг
қатор моддаларида назарда тутилган кўп миқдорда, кўп
зарар, анча зарар, жиддий зиён дейилганида белгилан-
ган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баробаридан ор-
тиқ миқдордаги моддий зарар, жуда кўп миқдор де-
йилгандан эса белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг
юз баробаридан ортиқ миқдордаги моддий зарар тушу-
нилиши ўқтирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий хуқуқбузар-
лик тўғрисидаги кодексининг 56-моддасида назарда
тутилган талон-торож қилинган давлат ёки жамоат мул-
кининг қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг ярмидан
ошмаса, оз миқдорда талон-торож қилганлик ҳисобла-
нади. Бунда талон-торож қилинган буюмларнинг нату-
ра шаклидаги миқдори «вазни, ҳажми» ва ҳалқ ҳўжа-
лиги учун зарур аҳамияти ҳисобга олинади.

3. Чайқовчилик орқасидан орттирилган фойда миқ-
дори белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан
ошмаса, у Ўзбекистон Республикаси Маъмурий хуқуқ-
бузарлик тўғрисидаги кодексининг 171-моддасида на-
зарда тутилган майда чайқовчилик деб ҳисобланади.

Чайқовчилик орқасидан орттирилган фойда миқдори
белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари-
дан ортиқ бўлса, уни Ўзбекистон Республикаси Жиноят

кодекси 175- моддасининг иккинчи қисмida назарда тутилган кўп миқдордаги чайқовчилик деб, белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш баробаридан ортиқ бўлса, уни шу модданинг учинчи қисмida назарда тутилган жуда кўп миқдордаги чайқовчилик деб тушумоқ керак.

Чайқовчилик турини белгилаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш чоғида, чайқовчилик орқасидан ҳақиқатан орттирилган ёки орттирилиши мўлжалланган фойда миқдоридан ташқари, қайта сотиш учун харид қилинган ва ошиги билан сотилган моллар ёки бошқа буюмларнинг қиймат ва миқдори ҳам ҳисобга олиниши лозим.

4. Алдаш орқасидан топилган маблағ миқдори энг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлса, у Ўзбекистон Республикаси Мъемурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 166¹- моддасида назарда тутилган харидорлар ва буюртмачиларни унча кўп бўлмаган миқдорда алдаш деб ҳисобланади.

Алдаш орқасидан топилган маблағ миқдори энг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлса, у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 177- моддасининг иккинчи қисмida назарда тутилган харидорлар ва буюртмачиларни кўп миқдорда алдаш деб ҳисобланади. Бунда қилинган жиноятга баҳо бериш масаласини ҳал этишда сотилган товарларнинг тури ва қиймати, бажарилган буюртмачиларнинг тури ва қиймати, аҳолига кўрсатилган хизматнинг тури ҳам ҳисобга олинади.

5. Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан ортиқ миқдорда қонунсиз олинган ҳақ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177¹- моддасида назарда тутилган кўп миқдорда қонунсиз ҳақ олганлик деб ҳисобланади.

6. Юқорида баён этилганлар муносабати билан:

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1981 йил 27 октябридаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177¹- моддасини қўлланиш тартиби тўғрисида»ги қарорининг 5- банди (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1981 йил, № 31, 598- модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1983 йил 19 декабридаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Майда спекуляция учун жавобгарлик тўғрисида»ги 1957 йил

11 декабрь Фармонини қўлланиш тартиби тўғрисида»ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1983 йил, № 36, 544- модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1984 йил 1 мартағи «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177- моддаси иккинчи қисмини қўлланиш тартиби тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1984 йил, № 7, 111- модда) ёз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради ҳамда ушбу қарор амалга кирган кунга қадар судларнинг хукмлари қонуний кучга кирган маҳкумларга нисбатан қўйланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси

Ш. ИУЛДОШЕВ

**СУРУНКАЛИ АЛҚОГОЛИЗМ ЁКИ ГИЁВАНДЛИКҚА
МУБТАЛО БҮЛГАН БЕМОРЛАРНИ МАЖБУРИЙ
ДАВОЛАШ ТҮФРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг
1992 йил 9 декабрь**

ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 36-модда)

1. Сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маҳсус даволаш олдини олиш муассасаларида меҳнатга муқаррар жалб этиш орқали мажбурий даволаш белгилаб қўйилсин.

Жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ни бузайтган, ёхуд аҳолининг осойишталигига, саломатлигига ва маънавиятига хавф туғдираётган сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларга нисбатан мажбурий даволаш қўлланади.

2. Шахсни сурункали алкоголизмга ёки гиёвандликка мубтало белган бемор деб топиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда тегишли даволаш муассасалари томонидан амалга оширилади.

Шахс мажбурий даволашга жўнатиш учун тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортган ҳолларда, у ички ишлар идораларининг кўмагида ўн кун муддат ичida наркология муассасасида мажбурий тарзда текширилиши керак.

3. Маҳкур тоифадаги шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар тиббий хulosा бўлган тақдирда ички ишлар идоралари томонидан уларнинг ўз ташаббусига кўра, ёки беморнинг оила аъзолари ёхуд қариндошларининг меҳнат жамоаларининг, соғлиқни сақлаш муассасаларининг, ичкиликбоз-

ликка ва гиёвандликка қарши курашувчи комиссияларнинг илтимосномалари асосида тайёрланади ва расмийлаштирилади.

4. Ушбу Қонуннинг 1-моддасида кўрсатилган шахсларни мажбурий даволашга жўнатиш масаласи йигирма кунлик муддат ичидаги бемор яшаб турган жойдаги суд томонидан бемор иштирокида ҳал этилади.

Бемор узрсиз сабаб билан келмаса, у ички ишлар идоралари орқали мажбурий тарзда олиб келинади.

5. Суднинг мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори ҳақида устидан қарор чиқарилган шахс ёхуд унинг ҳимоячиси шикоят қилиши ёки прокурор томонидан кассация тартибида етти кунлик муддат ичидаги юқори турувчи судга норозилик билдирилиши мумкин.

Шикоят берилиши ёки прокурор томонидан кассация тартибида норозилик билдирилиши суд қарорининг ижросини тўхтатиб туради.

6. Суднинг шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори ички ишлар идоралари томонидан бу қарор қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб кечи билан ўн кунлик муддат ичидаги ижро этилади.

7. Мажбурий даволаш муддати тўғрисидаги масала даволаш муассасаси томонидан комиссиядан ўтказиши тартибида, бемор даволашга жойлаштирилгач беш кун ичидаги ҳал этилади.

Бемор даволанаётган даволаш муассасасининг комиссияси қабул қилган қарор асосида беморни мажбурий даволаш тўхтатилади.

8. Мажбурий даволашни ўтаётган ва даволашга ҳамда меҳнат терапиясига виждан муносабатда бўлаётган шахсларга қонуида белгиланган тартибда таътил берилиши мумкин.

9. Шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги суднинг қарори уни ишдан бўшаш нафақаси тўламай ишдан бўшатиш учун асос бўлади.

10. Мажбурий даволанишга юборилган шахслар аввалги яшаш жойидаги турар жой майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

11. Даволаш муассасасида бўлиш вақти меҳнат стажининг узилишига олиб келмайди ва умумий меҳнат стажига қўшилади.

12. Даволаш муассасаларидан мажбурий даволашдан қайтган шахсларни ишга жойлаштириш туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлари зиммасига юкланди.

13. 1-иловага мувофиқ Узбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. 2-иловага мувофиқ Узбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Узбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

1992 йил 9 декабрда қабул қўлиниг
гаи «Сурункали алкоголизм ёки
гиёвандликка мубтало бўлган бе-
морларни мажбурий даволаш тўғри-
сида»ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунига

1-ИЛОВА

Қўйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қў-
шимчалар киритилсан:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майда-
ги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республика-
сининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси
Олий Совети Ведомостлари, 1959 йил, 6-сон, 2-модда);

а) 12- модданинг:

учинчи ва тўртинчи қисмларидағи «максус даволаш
ва меҳнат режими ўрнатилган медицина муассасалари-
да даволанадилар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг ихти-
сослаширилган даволаш-олдини олиш муассасалари-
да даволанадилар» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

олтинчи қисми чиқариб ташлансан;

б) 167- модданинг:

сарлавҳасидаги «даволаш-меҳнат профилакторияси-
дан ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансан;

иккинчи қисми чиқариб ташлансан;

учинчи қисм иккинчи қисм деб ҳисоблансан;

в) 167¹- модданинг сарлавҳасидаги ва матнидаги
«даволаш-меҳнат ва даволаш-ахлоқ тузатиш» деган сўз-
лар чиқариб ташлансан;

г) 216⁷- модда чиқариб ташлансан;

д) 216⁹ модданинг диспозициясидан «ёхуд ушбу Ко-
дексининг 216⁷- моддасида назарда тутилган ножӯя ҳара-
катлар учун» деган сўзлар чиқариб ташлансан.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майда-
ги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республика-
си Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси
Олий Совети Ведомостлари, 1959 йил, 6-сон,
3-модда);

а) 97- модданинг З- бандидан «даволаш-меҳнат про-
филакторий ва» деган сўзлар чиқариб ташлансан;

б) 108- модданинг тўртинчи қисмидаги «216⁷» рақам-
лари чиқариб ташлансан.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1985 йил 13 де-
кабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Респу-
бликасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги
кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ве-
домостлари, 1985 йил, 35-сон, 411- модда);

а) 48- модданинг:

сарлавҳасидан «ёҳуд наркотик воситаларни врач
буйруғисиз истеъмол қилиш» деган сўзлар чиқариб таш-
лансан;

модданинг диспозициясидан «шунингдек (наркотик
воситалари) врач буйруғисиз истеъмол қилиш» деган
сўзлар чиқариб ташлансан;

моддага берилган изоҳдан «шунингдек бундай шахс
наркотик воситаларни врач буйруғисиз истеъмол қили-
ши муносабати билан медицина ёрдами кўрсатишни
сўраб медицина муассасасига ихтиёрий равишда муро-
жаат қилиб келса» деган сўзлар чиқариб ташлансан;

б) 191- модданинг сарлавҳаси ва матнидан «даво-
лаш-меҳнат ва даволаш тарбия» деган сузлар чиқа-
риб ташлансан;

в) 305- модданинг биринчи қисми «42—44» рақам-
ларидан сўнг «48» рақами билан тўлдирилсан.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1970 йил 24 июнда-
ги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республика-
сининг Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодекси (Ўзбекистон
Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1970 йил,
18-сон, 168- модда) 76- моддасининг учинчи қисмидаги
«махсус даволаш ва меҳнат режими бўлган медицина
муассасаларида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республика-
си Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг ихтисос-
лаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларида»
деган сўзлар билан алмаштирилсан.

5. Ўзбекистон Республикасининг 1971 йил 17 дека-
брдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республика-
сининг Меҳнат қонунлари кодекси (Ўзбекистон
Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1971 йил,
34-сон, 322- модда) 37- модда биринчи қисмининг 4- ба-
нидаги «даволаш-меҳнат профилакторийсига» деган
сўзлар «ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш му-
ассасасига» деган сўзлар билан алмаштирилсан.

6. Ўзбекистон Республикасининг 1983 йил 5 июлдаги
Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси-
нинг Уй-жой кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий
Совети Ведомостлари, 1983 йил, 19-сон, 320- модда).

67- моддасининг иккинчи қисми қўйидаги мазмунда бўлган 5¹- банди билан тўлдирилсин:

«5¹) мажбуран даволаш учун ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасасига жойлаштирилганда — у ерда бўлинган бутун давр мобайнида сақланади».

7. Узбекистон Республикасининг 1970 йил 23 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг (Узбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1970 йил, 36-сон, 426-модда) 51-моддаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«51-модда. Сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни даволаш

Жамоат тартибини бузаётган, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, ёҳуд аҳолининг осойишталигини, саломатлигини ва маънавиятини хавф-хатарда қолдираётган сурункали алкоголизм ва гиёвандликка мубтало бўлган беморлар ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларида мажбурий тарзда даволаниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларига юбориш тартиби Узбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади».

51¹-модда чиқариб ташлансин.

8. Узбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1970 йил 29 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси кузатув комиссиялари тўғрисида»ги Низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1970 йил, 31-сон, 366-модда) 9-модда:

«м» бандидаги «маҳсус даволаш ва меҳнат режими бўлган медицина муассасаларида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«т» банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«т) сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни даволашга ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларининг ва тарбия-

мөхнат профилакторийларининг фаолиятини назорат қилиш».

9. Узбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1967 йил 31 майдаги Фармони билан тасдиқланган Узбекистон Республикасининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялари тўғрисидаги Низомнинг Узбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1985 йил 31 октябрдаги Фармони асосидаги таҳририда — (Узбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1985 йил, 31-сон, 363-модда):

а) 1- моддасидан, 10- моддасининг биринчи қисмидан, 12- моддасидан, 13- моддасининг биринчи қисмидан, 24- моддасининг еттинчи қисмидан «ва даволаш-тарбия» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 14- моддасининг «а» бандидан «ва даволаш-тарбия» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«и» бандидан «даволаш-тарбия профилакторийсининг маъмурияти билан биргаликда даволаш-тарбия профилакторийсидан муддатидан илгари озод қилиш тўғрисида судга тақдимнома билан кирадилар; ўн саккиз ёшга тўлган, гиёвандликка мубтало бўлган беморларни даволаш-тарбия профилакторийсидан даволаш-мөхнат профилакторийсига кўчириш тўғрисидаги тақдимнома билан судга мурожаат қилиш хусусида даволаш-тарбия профилакторийси маъмуриятига розилик берадилар» деган жумла чиқариб ташлансин.

«н» бандидан «шунингдек ўн саккиз ёшга тўлган гиёвандликка мубтало бўлган беморларни профилакторийда қолдириш хусусида даволаш-тарбия профилакторийси маъмуриятига розилик берадилар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

в) 18- моддасидаги «з» банди чиқариб ташлансин; «и» банди «з» банди деб ҳисоблансин;

г) 19- моддасининг учинчи қисми қўйндаги таҳрирда баён этилсин:

«Вояга етмаганлар махсус ўқув-тарбия муассасаларига ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар розилигисиз ҳам вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг қарорига биноан юборилиши мумкин. Махсус ўқув-тарбия муассасаларига юбориш тўғрисидаги ишлар фақат прокурор иштирокидагина қараб чиқлади»;

д) 26- модданинг биринчи қисмидан «ёки даволаш-тарбия», «наркомания касаллигига йўлиқканлар учун

даволаш-тарбия, профилакторийлари бундан мустасно-дир» деган сўзлар чиқариб ташлансан:

е) 27-моддасининг биринчи қисмидан «ёки даволаш-тарбия» деган сўзлар чиқариб ташлансан.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1967 йил 31 майдаги Фармони билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1985 йил 31 октябрдаги Фармони таҳририда) Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаганлар билан иш олиб борувчи жамоат тарбиячилари тӯғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1985 йил, 31-сон, 363-модда);

3-моддасининг биринчи қисми «д» бандидаги ва 7-моддасининг биринчи қисмидаги «даволаш-тарбия» деган сўзлар «иҳтинослаштирилган даволаш-олдини олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсан.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1972 йил 26 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган «Ичкиликбозликка қарши кураш олиб борувчи комиссиялар тӯғрисидаги Низом» (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1985 йил, 31-сон, 361-модда — Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1985 йил 31 октябрдаги Фармони таҳририда):

а) 8-моддасининг:

«в», «г», «д» ва «е» бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

в) корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда алкоголни ёки гиёванд моддаларни сунистеъмол қилувчи шахслар ўртасида зарур тарбиявий ишлар олиб боришни ташкил этишда қатнашадилар, бу ишга меҳнат жамоаларини, жамоат ташкилотлари ва ташаббускор жамоат идоралари вакилларини кенг жалб этадилар; алкоголни ёки гиёванд моддаларни сунистеъмол қилувчи шахсларни қайта тарбиялашда жамоат ташкилотларига ва меҳнат жамоаларига ёрдам берадилар, алкоголни сунистеъмол қилувчи шахсларга жамоат таъсири ва маъмурий таъсири кўрсатиш қанчалик самарали эканлигини текшириб турадилар;

г) ичкиликбозлик ёки гиёвандлик учун илгари маъмурий жазога тортилган ёки жамоат таъсири кўрсатиш чораси қўлланилган, алкоголни ёки гиёванд моддаларни мунтизам сунистеъмол қилиб, бир неча бор медицина жушёрхонасига тушган шахсларни аниқлаб топиш ва ҳи-

собга олишда ички ишлар ва соғлиқни сақлаш идоралари олиб борадиган ишларни назорат қилиб турадилар, бундай шахслар турмушда ва ишлаб чиқаришда ўзларини қандай тутаётганликлари устидан доимий жамоат назорати олиб борилишини уюштирадилар; сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни тегиши медицина муассасаларига мажбурий юбориш юзасидан зарур чоралар кўрадилар, шунингдек ичкиликбозлик, алкоголизм ва гиёвандликка барҳам беринша қаратилган бошқа огоҳлантирувчи чораларни кўрадилар;

д) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг медицина ҳуշёрхоналари ва ихтиослаштирилган даволаш-олдини олиш профилакторийларниг ишларини текшириб турадилар, шунингдек мазкур профилакторийларда бўлган шахсларни қайта тарбиялаш ва ахлоқни тузатиш ишларида шу профилакторийлар маъмуриятига ёрдам берадилар;

е) даволаш профилакторийисидан мажбурий даволаниб қайтган шахсларнинг хулқ-автори устидан жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари назорат қилиб боришини ташкил этадилар ва уларга ишга жойлашишда ёрдам кўрсатадилар»;

б) 9- модданинг «ж» банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ж) жамоат тартибини бузаётган, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, ёҳуд аҳолининг осойиштаги, соғлиғи ва маънавиятини хавф остида қолдираётган сурункали алкоголизм ва гиёвандликка мубтало бўлганларни мажбурий даволаш ва меҳнатда қайта тарбиялаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг ихтиослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларига юбориш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиш».

12. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1985 йил 31 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган «Корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ва уларнинг структуравий бўлинмаларида тузиладиган ичкиликбозликка қарши кураш олиб борувчи комиссиялар тўғрисидаги Низом» (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1985 йил, 31-сон, 362-модда):

а) 5- моддасининг 4- банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) меҳнат жамоасининг ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларида мажбурий даволаниш курсини ўтган аъзолари хулқ-атворини назорат қилиб боради».

б) 6-моддасининг 5-бандидан «ихтиёрий даволанишдан бош тортиб келаётган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми 1985 йил 25 майда қабул қилган «Ичкиликбозлика ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш, самогон тайёрлашга барҳам бериш тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1985 йил, 16-сон, 169-модда) 26-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26-модда. Жамоат тартибини бузатибдан, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузатибдан, ёхуд аҳолининг осойишталигини, соғлигини ва маънавиятини хавф остида қолдираётган сурункали алкоголизмга мубтало бўлган беморлар суднинг қарорига мувофиқ мажбурий даволаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг маҳсус даволаш-олдини олиш муассасаларига жўнатилиши керак.

Қайд этилган тоифадаги шахсларни мажбурий даволашга жўнатиш тўғрисидаги масала суд томонидан очиқ суд мажлисида, медицина хulosаси мавжуд бўлган ҳолда ҳамда ички ишлар идоралари ўз ташаббусига кўра ёки бемор оила аъзоларининг ёхуд қариндошларининг меҳнат жамоаларининг, соғлиқни сақлаш муассасаларининг, шунингдек ичкибозликка ва гиёвандликка қарши кураш бўйича туман, шаҳар, шаҳардаги туман комиссияларининг аризасига асосан тайёрланадиган ва жўнатиладиган материаллар асосида ҳал этилади.

Мажбурий даъво муддати даволаш муассасаси томонидан бемор даволанишга ётқизилган кундан бошлаб, беш кунлик муддат ичida комиссия хоҳиш иродасига кўра белгиланади».

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига

2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг қўйидаги қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1973 йил 22 февралдаги «Хроник алкоголиклар ва гиёвандлик (наркомания) касалига йўлиқканлар учун даволаш-меҳнат профилакторийлари тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1973 йил, 6-сон, 96-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1982 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг ҳўқуқ-тартиботни сақлаш масалаларига оид бальзи қонун актларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Фармонининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1982 йил, 16-сон, 278-модда) З-моддаси ва 6-моддасидаги йигирма бешинчи хатбоши.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Хроник алкоголиклар ва наркомания касалига йўлиқканларни мажбурий даволаш ва меҳнатда қайта тарбиялаш тўғрисида»ги Фармонига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми 1984 йил 2 декабрда қабул қилган Фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1984 йил, 34-сон, 474-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун актларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармонларини тасдиқлаш ҳақида» 1984 йилнинг 3 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1984 йил, 34-сон, 485-модда) Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Хроник алкоголиклар ва гиёвандлик (наркомания) касалига йўлиқканларни мажбурий даволаш ва меҳнатга қайта тарбиялаш тўғрисида»ги Фармонига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 1984 йил 2 деқабрь Фармонига оид қисми.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1984 йил 2 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Хроник алкоголиклар ва гиёвандликлар (наркомания) касалига йўлиққанларни мажбурий даволаш ва меҳнатда қайта тарбиялаш тўғрисида»ги Фармонини қўлланиш тартиби ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Қарорига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1984 йил, 34-сон, 476-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1985 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг баъзи бир қонун актларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1985 йил, 31-сон, 360-модда).

7. «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг баъзи қонунбузарликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг айrim кодексларига ва бошқа қонун актларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақида» 1985 йилнинг 13 декабряда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1985 йил, 35-сон, 414-модда) «Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун актларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 1985 йил 31 октябрь Фармони»га оид қисми.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1986 йил 17 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун актларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ҳамда наркомания касаллигига йўлиққанлар учун даволаш-тарбия профилакторийси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1986 йил, 33-сон, 387-модда).

9. «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун актларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақида» 1986 йилнинг 6 декабряда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ведомостлари, 1986 йил, 34-сон, 417-модда) «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун актла-

рига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ҳамда наркомания касаллигига йўлиққанлар учун даво-лаш-тарбия профилакторийси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1986 йил 17 ноябрь Фармонига оид қисми.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Прези-диумининг 1987 йил 7 августидаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига, Ўзбекистон Республикаси-нинг Маъмурӣ ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа Қонун актла-рига ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритиш ҳақи-да»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Сове-ти Ведомостлари, 1987 йил, 23-сон, 250-модда) 1-бў-лимнинг 1-моддаси, IV ва V бўлимлари.

**СУРУНКАЛИ АЛҚОГОЛИЗМ ЁКИ ГИЁВАНДЛИКҚА
МУБТАЛО БҮЛГАН БЕМОРЛАРНЙ МАЖБУРАН
ДАВОЛАШ ТҮФРИСИДА**

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ КЕНГАШИННИГ**

1992 йил 9 декабрь

ҚАРОРИ

(Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 37- модда)

Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор
қиласди:

1. «Сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бүлган bemорларни мажбурий даволаш түфрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонуни 1992 йил 25 декабрдан амалга киритилсин.

2. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бүлган bemорларни даволаш учун Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг маҳсус даволаш-олдини олиш муассасалари түфрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг маҳсус даволаш-олдини олиш муассасини ташкил этиш ва у иш бошлиши учун майдон ва жоналар ажратиш масаласини, шунингдек уни моддий-техникавий жиҳатдан ва маблағ билан таъминлаш масалаларини қараб чиқсин ва ҳал этсин;

Узбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ни «Сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бүлган bemорларни мажбурий даволаш түфрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтирисин.

3. Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бүлган bemорларни даволовчи Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг маҳсус даволаш-олдини олиш муассасалари қўриқланишини таъминласин.

**Узбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси**

Ш. ЙУЛДОШЕВ

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТҮҒРИСИДА

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1992 йил 9 декабрь

ҚОНУНИ

(Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 38-модда)

Ушбу Қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатdir.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Узбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлари

Узбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонун билан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлари билан, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

2-модда. Табиатни муҳофаза қилиш обьектлари, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва обьектлари

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси ифлосланишидан, бузилишдан, заарланишдан, ориқлаб кетишдан, вайрон бўлиш-

дан, йўқ бўлиб кетишдан, оқилона фойдаланмасликдан муҳофаза этилиши лозим.

Давлат қўриқхоналари, миллий, тарихий-табний ва ёдгорлик боғлари, заказниклар, табиат ёдгорликлари, ботаника ва зоология боғлари, дендрария боғлари, шунингдек Халқаро Қизил китобга ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва объектлари жумласига киради.

Курорт ва рекреацион жойлар, ер усти ва ер ости сувлари тўпланадиган жойлар (дарё водийлари, адирлар, тоғ ён бағирлари) нодир ва қимматбаҳо металлар конлари, сув обьектларининг соҳилбўйи минтақалари ва сувни муҳофаза этиш жойлари (минтақалари), алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудларининг қўриқланадиган (буфер) жойлари, балиқчилик хўжаликлари жойлашган ерлар, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари бошқа жойлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан, халқаро шартномалар билан белгилаб қўйиладиган тартибда алоҳида муҳофаза этилмоғи керак.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорлари билан алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва объектларининг ўзга турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

3-модда. Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад

Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад:

инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтиёмий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шаронглар яратиш;

жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;

экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;

экология хавфсизлигини таъминлаш;

табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асрраб қолишдир.

4-модда. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш

учун давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермерлик ва кооператив хўжаликлар, шунингдек айрим шахслар хўжалик, бошқарув ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида қўйидаги қоидаларга амал қилишлари керак:

инсоннинг яшаш мұхити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш;

фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий мұхитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувиннинг мажбурийлиги;

жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;

табиатдан махсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва умумий асосларда фойдаланганлик учун ҳақ тўла маслик;

экология экспертизаси ўтказишнинг мажбурийлиги;

табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни мұхофаза қилишни рағбатлантириш;

табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий мұхит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун заарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;

табиатни мұхофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкоралик;

табиатни мұхофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;

табиатни мұхофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш.

5- м о д д а . Табиий ресурсларга нисбатан мулкчилик

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлиkdir, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мұхофазасидадир.

Табиий ресурсларни бериш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни мұхофаза қилишнинг шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

6- м о д д а . Табиатдан умумий тарзда ва маҳсус йўсинда фойдаланиш

Ўзбекистон Республикасида табиатдан умумий тарзда ва маҳсус йўсинда фойдаланилади.

Табиатдан умумий тарзда фойдаланиш фуқаролар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун текинга табиий ресурсларни айрим фойдаланувчиларга биритирмай ва ҳеч қандай рухсатномалар бермай туриб амалга оширилади.

Табиатдан маҳсус йўсинда фойдаланиш тариқасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга ишлаб чиқариш ва ўзга хил фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурслар ҳақ олиб маҳсус рухсатномалар асосида эгалик қилишга, фойдаланиш ёки ижарага берилади.

II. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИНИНГ ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ЭТИШГА ТААЛЛУҚЛИ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

7- м о д д а . Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Кўйидагилар:

- табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;
- давлат экология дастурларини тасдиқлаш;
- табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги республика қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- ҳудудларни фавқулодда экология ҳолати, экология оғати ва экология фалокати минтақалари деб эълон қилиш, бундай минтақаларнинг ҳуқуқий режимини ва жафо кўрганларнинг мақомини белгилаш;
- табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли қонунлар ижросини мувофиқлаштириб бориш;
- табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақ

ғолишнинг энг кўп-кам ҳажмини, шунингдек тўловлари-ни ундириб олишдаги имтиёзларни белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ихтиёрига берилган бошқа масалаларни ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мутлақ ваколат до-расига киради.

8-модда. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қи-лишнинг давлат бошқаруви

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланишнинг давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Та-биатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, давлат бошқаруви маҳаллий идоралари амалга оширадилар.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида:

табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёсат юри-тиш;

табиат ресурсларидан фойдаланишни тартибга со-лиш;

табиий ресурсларга нисбатан табиат кадастри юри-тилиши тартибини белгилаш ва бундай кадастр юрити-лишини таъминлаш, республика аҳамиятига молик та-биий ресурсларнинг заҳираларини тасдиқлаш;

экология жиҳатидан танг вазиятлар, табиий оғат-лар ва фалокатларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

табиий оғатлар ва ўирик аварияларнинг оқибатла-рини тугатиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик, чиқиндила, зарарли таъ-сири этувчи бошқа нарсалар жойлаштириб ташлаганлик учун ҳақ тўлаш тартибини, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланиш, чиқиндила жойлаштириш лимит-ларини белгилаш;

экология маорифи ва тарбияси тизимини яратиш ҳамда унинг амал қилишини таъминлаш;

табиатдан алохіда тартибда фойдаланиладиган ҳуддларнинг чегараларини, табиатни муҳофаза қилиш ва хўжалик фаолияти режимларини тасдиқлаш;

табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколат доирасига киради.

10-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида:

ўз ҳудудида табиатни муҳофаза қилишининг асосий йўналишларини белгилаш, минтақанинг (ҳудуднинг) экология дастурини тасдиқлаш;

табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва уларнинг аҳволига баҳо бериш, экология жиҳатидан заарли бўлган обьектларни рўйхатга олиш;

табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш;

табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи, саноат чиқиндиларини ёки рўзгор чиқиндиларини тўплаш ёки кўмиб ташлашга руҳсатномаларни белгилangan тартибда бериш ёки уларни бекор қилиш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ундириш;

табиатнинг муҳофаза қилинishi устидан назорат ўрнатиш, атроф муҳитга зарар етказаётган маҳаллий аҳамиятга молик обьектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг ваколатига киради.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига бўйсунади ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталири, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек айрим шахслар томонидан ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга доир қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi тасдиқлайдиган Низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИННИНГ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

12-модда. Инсоннинг яшаш учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ва бу муҳитни сақлаб қолиш борасидаги бурчи

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-таддирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳти-

ётлик билан муносабатда бўлиши, экология талаблари-
 га риоя этиши шарт.

13- м о д д а . Табиатни муҳофаза қилиш жамоат бирлашмаларининг ваколатлари

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрса-
 тувчи жамоат бирлашмаларининг ваколатлари Ўзбекис-
 тон Республикаси қонунларига мувофиқ қабул қилин-
 ган уставларида белгилаб қўйилади.

IV. АТРОФ ТАБИИЙ МУҲИТ СИФАТИНИИ НОРМАТИВЛАР БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИШ

14- м о д д а . Атроф табиий муҳит сифатининг нор- мативлари ва стандартлари

Хўжалик фаолиятининг атроф табиий муҳитга заар-
 ли таъсири атроф табиий муҳит сифатининг аҳолининг
 экология жиҳатидан хавфсизлигини, табиий ресурслар-
 ни тиклаш ва муҳофаза қилишни кафолатловчи норма-
 тивлари ва стандартлари билан чеклаб қўйилади.

Ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуаларини таркиб топ-
 тиришда, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилишни ривож-
 лантиришда ҳамда шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари-
 ни қайта қуриш ва таъмирлашда атроф табиий муҳитга
 бўладиган таъсирнинг йўл қўйиш мумкин бўлган меъёр-
 лари белгиланади.

15- м о д д а . Экологик нормативларни ишлаб чи- қишиш ва тасдиқлаш

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар атроф
 муҳитга таъсирнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг
 юқори даражаларини тартибга солувчи экологик ва
 бошқа йўсундаги мезонларни ишлаб чиқишлиари шарт.

Экологик нормативларни ўзларига берилган вако-
 латларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни
 муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларни бехатар олиб боришни
 назорат қилиш ва кон назорати давлат қўмитаси тас-
 диқлайдилар.

Кимёвий дори-дармонларни қишлоқ хўжалигига ишлатишга Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ рухсат этилади.

V. ТАБИИ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

16- модда. Табиатдан фойдаланишга йўл қўйилиши

Табиатдан фойдаланишга атроф табиий муҳитни яшаш учун яроқли ҳолда сақлаш, табиий ресурслардан белгиланган тегишли нормативлар доирасида фойдаланиш ва қайта тикланадиган ва қайта тикланаётган табиий ресурслар қайта тикланишини таъминлаш шарти билан йўл қўйилади.

17- модда. Тупроқдан фойдаланиш шартлари

Тупроқ дейилганида ер қобигининг тириклик учун фойдаланиладиган ва ўсимликлар билан бирга амал қиласидиган юзадаги унумдор қатлами тушунилади.

Тупроқдан унинг унумдорлигини пасайтиргмаган ҳолда табиий ва маданий ўсимликлардан ҳосил олиш учун фойдаланилади.

Тупроқнинг иншоот остида қоладиган гумусли қатлами бошқа жойларда ҳосилдорликни ошириш учун олиб кетилиши керак.

18- модда. Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан фойдаланиш шартлари

Ер ости бойликлари дейилганида ер қобигининг юқори қисмини қамраб оловчи, тадқиқотлар ўтказиш ва фойдали қазилмалар кавлаб олиш мумкин бўлган сатх, фойдали қазилмалар дейилганида эса иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига молик геологик ҳосилалар тушунилади.

Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан қуидаги шартлар билан фойдаланилади:

қазиб олишда ана шу бойлик ва қазилмалар ҳамда уларга қўшилиб чиқадиган бошқа табиий ресурслардан комплекс ва оқилона фойдаланиш таъминланса, шу-

нингдек атроф табиий муҳит ва ер ости бойликлари ифлосланишининг олди олинса;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш чоғида ҳолати ўзгарган ерлар рекультивация қилинса;

қайта тикланадиган фойдали қазилмалардан табиий қайта тикланишига эришиладиган даражадагина фойдаланилса.

19- м од да. Сувлар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер усти, ер ости ва денгиз сувларидан зарур миқдордаги сувнинг табиий айланишини сақлаш, унинг нормативда кўрсатилган даражада тозалигини таъминлаш, сув ўсимликлари ва ҳайвонларни асрар, сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, уларда экология мувозанатини сақлаш ва сув ҳавзасига ландшафт элементи сифатида зиён етказмаслик шарти билан йўл қўйилади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари, ўрмон ва сув хўжалиги идоралари дарё ирмоқлари ҳосил бўладиган жойларда, сув ҳавзалари соҳили минтақаларида дарахтзорларни тиклашлари ва дов-дараҳтни кўпайтиришлари ҳамда уларнинг сақланишини таъминлашлари шарт.

20- м од да. Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш шартлари

Атмосфера ҳавоси дейилганида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидаги ҳаво бўшлиги тушунилади. Ҳаводан фойдаланишга муайян ҳудуд ҳавосининг сифатини ўзgartирмаслик, уни белгиланган нормативлардан ортиқ даражада ифлослантирмаслик ёки сийраклаштиримаслик шарти билан йўл қўйилади.

Халқаро битимга мувофиқ вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий шахслар озон қатламига заарарли таъсир этувчи кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ҳамда бундай моддалардан фойдаланиши қисқартиришлари ва келгусида батамом тўхтатишлари шарт.

21- м о д д а . Жонли табиат объектларидан фойдаланиш шартлари

Жонли табиат дейилганида табиий ўсимликлар, шу жумладан ўрмон, табиатда эркин яшайдиган ҳайвонлар ва бошқа жонли организмлар тушунилади.

Жонли табиат объектларидан:

уларнинг қайта тикланиш қобилиятини сақлаш;

уларнинг хилма-хил турини ва тўдаларнинг барқарорлигини сақлаш;

атроф табиий муҳитнинг биологик жиҳатдан ифлосланишига йўл қўймаслик шарти билан фойдаланилади.

22- м о д д а . Ишлаб чиқариш ва рўзғор чиқиндиларини чиқариб ташлаш шартлари

Чиқиндилар, шу жумладан қўшилиб кетган моддалар ишлаб чиқариш ва коммунал-маишӣ соҳалардан тақрор фойдаланиш, тўплаш, тарқатиб юбориш, кўмиб ташлаш орқали йўқотилади.

Ишлаб чиқариш чиқиндиларини атроф табиий муҳитга зарар етказмаган ҳолда чиқариб ташлаш учун масъулият ана шу чиқиндиларни ҳосил қилган ташкилот ёки шахс зиммасида бўлади. Рўзғор чиқиндиларини йўқотиш маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан ташкил этилади.

Чиқиндилар кейинчалик улардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш, атроф табиий муҳитга зарар етказмаслик имкониятини таъминлайдиган усулда чиқариб ташланади.

Ишлаб чиқарган маҳсулотлари ёки уларни жойлаш идишлари ва ўраш материалларининг бир қисми чиқиндига чиқадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ана шу чиқиндиларнинг қайта ишланишини таъминлашлари шарт.

23- м о д д а . Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш

Табиий ресурслардан фойдаланиш талабларини муттасил бузадиган фойдаланувчи табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

VI. ЭКОЛОГИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ

24- м о д д а . Давлат экология экспертизасининг мақсадлари

Давлат экология экспертизаси хўжалик қарори қабул қилинишидан олдин ўтказилиши шарт бўлган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбиридир.

Давлат экология экспертизаси Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Давлат экология экспертизасининг мақсади мўлжаланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ёки ўзга фаолиятнинг экология жиҳатдан қай даражада хавфли эканлигини аниқлаш, бу хилдаги фаолият табиатни муҳофаза қилиш қонунларининг талабларига қанчалик мувофиқлигини баҳолаш, лойиҳаларда назарда тутилаётган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг қай даражада етарли ва асосли эканлигини аниқлашдан иборатdir.

25- м о д д а . Давлат экология экспертизасининг объектлари

Қуйидагилар давлат экология экспертизасидан ўтказилиши керак:

давлат дастурлари, концепцияларининг, ишлаб чиқарувчи кучлар ва халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ҳамда жойлаштириш асосий йўналишлари ҳамда схемаларининг лойиҳалари;

ҳар қандай турдаги қурилиш учун жой танлашга оид материаллар, режа тузиш олдидан, лойиҳалаш олдидан тайёрланадиган ҳужжатлар ва лойиҳа ҳужжатлари;

экология ҳолатига баҳо бериш, табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ тадқиқот ишларининг дастурлари;

хўжалик фаолиятини ва табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солувчи йўл-йўриқ ва усул йўсимидағи ҳамда норматив-техникавий ҳужжатларнинг лойиҳалари;

янги техника, технология, материаллар ва моддалар яратишга, шу жумладан чет эллардан сотиб олишга доир ҳужжатлар, бошқа ҳужжатлар ва техника, маҳсулот стандартлари;

Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиладиган маҳсулотлар;

кимёвий моддалар;

айрим миңтақалар, жойлар ва объектлардаги экология вазияти;

атроф табиий муҳитнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар.

Давлат экология экспертизасининг ижобий хуносасиз лойиҳаларни рӯёбга чиқариш ман этилади.

26-модда. Давлат санитария-экология экспертизаси

Давлат санитария-экология экспертизаси атроф табиий муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига қанчалик заарарли таъсир кўрсатишни аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Давлат санитария-экология экспертизаси соғлиқни сақлаш идораларининг, Ўзбекистон Республикаси Та-биатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тайинланади.

Давлат санитария-экология экспертизасини ўтказиш тартиби ва усулларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Та-биатни муҳофаза этиш давлат қўмитаси билан келишиб туриб тасдиқлайди.

27-модда. Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси жамоат бирлашмаларининг ташаббусига кўра уларнинг маблағлари ҳисобидан ёки жамоатчилик асосида мутахassisларнинг мустақил гуруҳлари томонидан амалга оширилади.

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизасининг хуносалари тавсия тамойилига эга бўлади.

VII. ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ

28-модда. Атроф табии мұхит мониторингі

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табии мұхиттінг ҳолати ва уннің ресурсларини кузатиш, ҳисобга олиш, уларға бақо беріш ва уларнің истиқболини белгилашни таъминлаш мақсадында атроф табии мұхиттінг давлат мониторингі тизимини ташкил этилади.

Атроф табии мұхиттінг ҳолати, табии ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув маҳсус ваколат берилған идоралар, шунингдек фаолияти атроф табии мұхиттінг ҳолатини ёмоналаштирадыган ёки ёмоналаштириши мүмкін бўлған корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади.

Маҳсус ваколат берилған идоралар, шунингдек айтиб ўтилған корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз кузатувларига доир материалларни тегишли давлат идораларига бепул беришлари шарт.

Мониторинг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни мұхофаза қилиш давлат қўймитаси томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

29-модда. Экологик назорат вазифалари

Экологик назорат олдига:

атроф табии мұхит ҳолатини ҳамда хўжалик юритиш ва бошқа фаолият таъсири остида унда бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш;

атроф табии мұхитни мұхофаза қилиш, табии ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табии мұхитни соғломлаштириш, табиатни мұхофаза қилишга доир қонунлар талаблари ва атроф табии мұхит сифатининг нормативларига риоя этиш борасидаги дастурлар ҳамда айрим тадбирлар бажарилишини текшириш вазифаси қўйилган.

Экологик назорат тизимини давлат атроф табии мұхит ҳолатини кузатиб бориш хизмати, табиатни мұхофаза қилиш соҳасидаги давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратидан иборат.

30-модда. Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати табиий муҳитда содир бўлаётган физик, кимёвий, биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, турроқ, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражасини, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини кузатиб бориш, манфаатдор ташкилотлар ва аҳолини атроф табиий муҳитда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жорий ва шошилинч ахборотлар ҳамда бу муҳит ҳолатига доир тахминлар билан тъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги ахборот очиқ-ошкора йўсинда бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари давлат табиатни муҳофаза этиш идоралари томонидан эълон қилиш учун мунтазам берилади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари фалокатлар ва бошқа ҳодисалар натижасида атроф табиий муҳит нормативда белгиланганидан ҳам ортиқроқ дарражада ифлосланган тақдирда бундай фалокат ва ҳодисалар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор этишлари шарт.

Табиий ресурсларнинг миқдори, сифат ва бошқа хил кўрсаткичларини, улардан фойдаланишнинг ҳажми, тартиб тамойилини ҳисобга олиб бориш учун давлат табиий ресурслар кадастрлари юритилади.

Атроф табиий муҳит ҳолатига заарали таъсир қиладиган ёки номақбул тарзда таъсир этиши мумкін бўлган обьектлар, атроф табиий муҳитга тушадиган заарали моддаларнинг турлари ва миқдори, ишлаб чиқариш ва рўзгор чиқиндилигининг ҳажмлари ва таркиби ҳам назорат этиб борилади ва давлат ҳисобига олинади.

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини назорат этиш хизматининг таркиби, уни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши тартиби, давлат табиий ресурслар кадастрларини, атроф муҳитга заарали таъсир этувчи обьектларнинг давлат ҳисобини юритиш тартиби Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади.

31-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, маҳсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширади.

Кўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш ва кончилик назорати давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маҳсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобланади.

Маҳсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширишда қатнашишга идоравий экология хизмат бўлинмаларини белгиланган тартибда жалб этишлари мумкин.

32-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг экология хизмати шу вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тасаррӯфидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолияти устидан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоравий назоратни амалга оширади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлаб чиқариш назоратини корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг экология хизмати амалга оширади ва табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тиклаш, атроф табиий мұхитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг талаблари бажарилиши юзасидан дастурлар ҳамда айрим тадбирлар ижросини текшириш мақсадиди кўзлади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоат назоратини жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, фуқаролар амалга оширадилар.

Идоравий, ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи экология хизматларини ва экология соҳасидаги жамоат назоратини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тартиби ушбу Қонун ва мазкур хизматлар ҳамда жамоат назорати тўғрисидаги низомлар билан тартибга солиб борилади.

VIII. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

33- м о д д а. Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашниг иқтисодий тартиботи

Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашниг иқтисодий тартиботи:

табиий ресурслардан маҳсус фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик (шу жумладан чиқиндиларни жойлаштирганлик) ва атроф табиий муҳитга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўлов ундиришни;

камчиқитли ва ресурсларни тежайдиган технологиялар жорий этилганида, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни қайта тиклашда самара берувчи фаолият амалга оширилганида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек айrim шахсларга солик, кредит имтиёзлари ва ўзга имтиёзлар беришни;

экология нуқтаи назаридан хавфли технологияларни қўлланганлик ва ўзга фаолиятни амалга оширганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан маҳсус солиқлар жорий этишни;

атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, оқизиш ёхуд экология нуқтаи назаридан ўзга зарарли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар (руҳсатномалар) олишни;

табиий муҳитниг қулай ҳолатини бузган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар зиммасига уни тиклаш вазифасини юклашни;

табиат обьектларини бузиш ёки йўқ қилиб юбориш оқибатида етказилган зарар учун белгиланган тартибда товоҳ пули ундиришни;

табиатни муҳофаза қилиш борасидаги режалар ва чора-тадбирлар бажарилмаган, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг норматив-техник ва бошқа талаблари бузилган ҳолларда мансабдор шахслар ёки бошқа ходимларни асосий ишлаб чиқариш фаолиятида эришилган натижалар бўйича бериладиган пул мукофотлари ёки бошқа мукофотлардан тўлиқ ёки қисман маҳрум этишни;

экологик соғ маҳсулот чиқарганлик учун рағбатлантирувчи нархлар ва устама ҳақлар белгилашни;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, меъёрда белгиланганидан ортиқча фойдаланганлик учун табиатдан фойдаланувчиларга нисбатан иқтисодий жазо чораларини ҳамда табиий ресурслардан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланганлик учун иқтисодий рағбатлантиришни қўлланишни;

табиий муҳитни сақлаш соҳасида ва экологик соғ маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳаммадан юқори кўрсаткичларга эришган давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг жамоаларини ва айrim ходимларини, шунингдек айrim шахсларни моддий рағбатлантиришни кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий рағбатлантиришнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий рағбатлантириш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида белгилаб қўйиладиган тартибда қўлланилади.

34-модда. Табиатдан маҳсус фойдаланганлик учун тўловлар

Табиатдан маҳсус фойдаланганлик учун тўловлар атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик (ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун тўланадиган тўловлардан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва

қайта тиклаганлик учун тўланадиган тўловлардан иборат бўлади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ва ўзгача тўлов миқдорлари, шу жумладан ижара тўловларининг миқдори, табиий ресурсларнинг қайдаражада кенг тарқалганлиги, сифати, уларни қайта тиклаш имкониятлари, улардан фойдаланишинг қайдаражада қулайлиги, комплекслилиги, самарадорлиги, уларнинг жойлашган ери, чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳамда бошқа жиҳатларни инобатга олган ҳолда, шунингдек тегишли лимитлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда аниқланади ва тасдиқланади.

Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўлов миқдорлари ҳамда тегишли лимитлар манфаатдор идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг идоралари томонидан тасдиқланади.

Республика аҳамиятига молик табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, маҳаллий аҳамиятга молик табиий ресурслар бўйича эса маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан белгиланади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар табиатдан фойдаланувчи корхоналар маҳсулотларининг (бажарган ишларининг, кўрсатган хизматларининг) таннархига қўшилади.

Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик ва оқизганлик, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштирганлик учун, шунингдек табиатдан рухсатномада (нормативда) белгиланганидан ташқари фойдаланганлик ва ўзгача маҳсус тарзда нооқилона фойдаланганлик учун тўловлар табиатдан фойдаланувчи корхоналарнинг фойдасидан (даромадидан) ундирилади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик, уларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўлов маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг бюджетига тушади ҳамда алоҳида модда билан ҳисобга олинади.

Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарғанлик ва оқизганлик хамда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштирганлик учун тўлов табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига келиб тушиди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида табиатдан фойдаланганлик учун тўловлардан озод қилиш ҳоллари, шунингдек бошқа солиқ имтиёzlари назарда тұтилиши мүмкін.

Табий ресурслардан фойдаланганлик учун ва зарарли моддаларни чиқарганлик (оқизганлик) учун тўловларни амалга ошириш корхона, бирлашма ва ташкилотни, шунингдек айрим шахсларни экология тадбирларини бажаришдан ва етказилгай заарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

35- м о д д а . Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини пул билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари ҳузурида табиатни муҳофаза қилиш республика жамғармаси ҳамда маҳаллий жамғармалари ташкил этилади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларини таркиб топтириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари түғрисилаги низом билан белгилаб қўйилади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамоат жамғармалари аҳолининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ихтиёрий бадаллари ва бошқа манбалар ҳисобидан, шунингдек ажнабий юридик шахслар ва фуқароларнинг ажратмалари ҳисобидан ҳосил бўлади. Жамоат жамғармаларини ташкил этиш ва сарфлаш тартиби тегишли жамоат бирлашмалари томонидан тасдиқланадиган табиатни муҳофаза қилиш жамоат жамғармалари тўғрисидаги низомлар билан белгилаб қўйилади.

36-м одда. Экология суфуртаси

Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ва табиий ресурслар сифатининг ёмонлашуви оқибатида зарар етиши ҳолларини назарда тутиб корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда даромадлари, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки ихтиёрий ҳамда мажбурий суфурта қилинади.

Экология суфуртасининг тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгилаб қўйилиди.

37- м одда. Табиатни муҳофаза қилиш тизимидағи рағбатлантириш

Табиатдан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни рағбатлантириш:

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширганлари тақдирда уларга солиқ солишда имтиёзлар бериш;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳофазасини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни рӯёбга чиқариш учун имтиёзли шартларда қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар (ссудалар) бериш;

асосий ишлаб чиқариш фондлари учун юқори амортизация нормалари белгилаш;

атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизиш ҳамда чиқиндиларни жойлаштириш барқарор суръатда пасайтириб борилган тақдирда бундай моддаларни чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловларни камайтириш;

табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари маблағларининг бир қисмини ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизишни камайтириш чора-тадбирларини рӯёбга чиқариш мақсадида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга фоизли қарзлар сифатида шартнома асосида бериш орқали амалга оширилади.

IX. ФАВҚУЛОДДА ЭКОЛОГИЯ ВАЗИЯТЛАРИ

38- м о д д а . Фалокатларни ва уларнинг экологияга заарли оқибатларини бартараф этиш

Фалокат содир бўлган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотлар фавқулодда экология вазиятларига мўлжалланган ўз ҳаракат режаларига мувофиқ фалокатни бартараф этишга дарҳол киришишлари шарт. Айни вақтда улар фалокат ҳақида ва уни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига, давлат табиатни муҳофаза қилиш идораларига, шуннингдек бундай фалокатларнинг экологияга заарли оқибатларини бартараф этишга ихтисослашган хизматларга дарҳол хабар қиладилар.

39- м о д д а . Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақалари

Хўжалик фаолияти ва бошқа йўсингидаги фаолият, табиат стихияли кучларининг вайрон этувчи таъсири ёҳуд рўй берган фалокат ёки ҳалокат натижасида муайян ҳудудларнинг, шу жумладан сув ва ҳаво бўшлиғининг атроф табиий муҳитда инсон саломатлигига, табиий экология тизимларининг, ўсимлик ва ҳайвонлар генетик фондларининг ҳолатига таҳдид соловучи барқарор салбий ўзгаришлар содир бўлаётган қисми фавқулодда экология вазияти минтақалари деб эълон қилинади.

Муайян ҳудуднинг табиат мувозанати, табиий экология тизимлари бузилиши билан боғлиқ ҳолда табиий муҳитда барқарор ёки тузатиб бўлмас ўзгаришлар рўй берган ёки рўй бераётган қисми экология офати минтақалари деб эълон қилинади.

Фавқулодда экология вазияти ёки экология офати минтақалари деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор қонунларда белгилаб қўйилган тартибда қабул қилинади.

Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақаларида шу вазиятни келтириб чиқарган ишлар тўхтатиб қўйилади, атроф табиий муҳитга заарли таъсир этувчи фаолият (аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият бундан мустасно) тақиқланади, табиий

муҳитни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

40- м о д д а . Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар

Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар деганда Узбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан биринчи даражали хавфли моддалар жумласига киритилган ўта заҳарли, кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар, радиоактив ва бошқа моддаларни сақлаш, ташиб ва улардан фойдаланиш чофида атроф табиий муҳитнинг ортиқча даражада ифлосланishi, табиат тизимларининг шикаст топиши, инсон саломатлиги ва ҳаётига зиён етиши таҳдиди билан боғлиқ бўлган вазиятлар тушунилади.

Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар юзага келган тақдирла Узбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари тегишли ишлаб чиқариш объектлари атрофида, транспорт магистрал йўллари бўйлаб алоҳида ҳуқуқий тартиб ўрнатадилар.

Х. ХУЖАЛИҚ ФАОЛИЯТИ ВА БОШҚА ЙУСИНДАГИ ФАОЛИЯТГА ДОИР ЭКОЛОГИЯ ТАЛАБЛАРИ

41- м о д д а . Корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатиш чофида экология хавфсизлиги талаблари бажарилмоғи, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари назарда тутилмоғи лозим.

Корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, кенгайтириш ва техника билан қайта ускуналаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатиш чофида экология хавфсизлиги талаблари бажарилмоғи, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари назарда тутилмоғи лозим.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, айрим шахслар чиқитсиз ва камчиқит технологияларни жорий этишлари, ишлаб чиқариш ва рўзгор чиқиндилари ҳосил бўлишини камайтиришлари, уларни заарарсизлантиришлари ва қайта ишлашлари, чиқиндиларни навларга аж-

ратиш, тўплаш, қўмиб ташлаш ва улардан фойдаланиш қондаларига риоя этишлари шарт.

Фаолияти атроф табиий муҳитга анча заарли экологик таъсир этиши мумкин бўлган йирик халқ хўжалик обьектларини ривожлантириш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар давлат экология экспертизаси хулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши томонидан қабул қилинади.

Экология талабларига жавоб бермайдиган обьектларни фойдаланишга топшириш ман этилади.

42- м о д д а . Радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлатиш пайтидаги экология талаблари

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим фуқаролар радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, қўллаш, заарсизлантириш ҳамда қўмиб ташлаш чоғида экология талабларига, белгиланган нормативлар ва қоидаларга риоя қилишлари, уларни қўялашнинг заарли оқибатлари олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўришлари, мазкур нормативлардан ошиб кетилгани тақдирда радиация ва кимёвий хавфсизликни таъминлаш идораларини дарҳол хабардор этишлари шарт.

Радиоактив чиқиндиларни ва кимёвий моддаларни қўмиб ташлаш учун рухсатнома давлат санитария ва кон назорати идоралари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади.

43- м о д д а . Табиатни шовқин, тебраниш, электромагнит майдонлари ва бошқа заарарли физик таъсирлардан муҳофаза қилиш

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, айрим шахслар зарарли ишлаб чиқариш шовқинлари, тебраниш, электромагнит майдонларининг ва заарарли физик таъсирлар кўрсатувчи бошқа омилларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўришлари шарт.

44- м о д д а . Табиатни назорат этилмайдиган ва заарали биологик таъсирлардан муҳофаза қилиш

Табнатга заарали биологик таъсир ўтказаётган ёки ўтказиши мумкин бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар бундай таъсир оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тадбирларини амалга оширишлари шарт.

Янги микроорганизмлар, вируслар ва шакллар ҳосил қилишга ва фойдаланишга, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикаси олиб келишга фақат давлат санитария назоратининг ижобий хуносаси бўлганидагина рухсат этилади.

45- м о д д а . Табиатни ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш

Заарали чиқиндиларни, шу жумладан радиация даржаси юқори бўлган радиоактив чиқиндиларни, шашарлар ва бошқа аҳоли пунктлари ҳудудида ва улар яқинида, аҳоли зич яшайдиган регионларда, курортлар, даволаш-соғломлаштириш минтақаларида, рекреацион минтақаларда, шунингдек сув объектлари ва сувни муҳофаза қилиш минтақаларида кўмиб ташлаш тақиқланади.

Чиқиндиларни маҳсус қурилмаларда заарсизлантириш, полигонларда кўмиб ташлаш ва тўплаш табиатни муҳофаза қилиш давлат идораларининг рухсатномаси билан амалга оширилади.

46- м о д д а . Экология гувоҳномалари

Экология ёки гигиена гувоҳномасига эга бўлмаган, шунингдек уларда белгиланган мезонларни бузган ҳолда хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, технология жараёнларини жорий этиш ва тайёр маҳсулотлар (шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари) ишлаб чиқаришман этилади.

Экология гувоҳномаси бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

ХІ. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК, ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ОИД НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

47- м о д д а. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

Тубандаги ҳолларда:

табиатнинг муҳофаза қилишининг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа обьектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаи назаридан ҳавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сифимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда;

табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитга заарли моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, қаттиқ чиқиндилар жойлаштирганлик, бу муҳитни ифлослантирганлик ва унга заарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош торганликда;

табиатни муҳофаза қилиш обьектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармасликда;

атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўладиган заарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда;

табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда;

алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва обьектларнинг ҳуқуқий тартиботини бузганликда;

атроф табиий муҳитга заарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузганликда;

ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини, кимё-лаштириш воеситаларини, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни заарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг обьектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рӯёбга чиқаришларига тўсқинлик қилганликда;

атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Узбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиласдилар.

48- м о д д а . Атроф табиий муҳитга заарали таъсир кўрсатаётган обьектлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ва ўзгартариш

Корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа обьектларнинг инсон саломатлигига ёки яшаш шароитига, табиий ресурсларга, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларга заарали таъсир этган ёки бундай таъсир этиш хавфи туғилган тақдирда уларнинг фаолияти чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, заарали таъсир этиш сабабларини бартараф этишининг имкони бўлмаган тақдирда эса тугатилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Бундай обьектларнинг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ёки ўзгартариш ҳамда айни вақтда уларни пул билан таъминлашни тўхтатиш хусусидаги қарорларни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, ўз ҳуқуқ доирасига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш идоралари чиқарадилар.

49- м о д д а . Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти

Атроф табиий муҳитга зарар етказган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар етказган

зарарни, шу жумладан бой берган фойда ўрнини қонунларга мувофиқ қоплашлари шарт.

Экология талабларини бузганликда айбланаётгандарнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши уларни атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

50- м о д д а. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлик учун иқтисодий жавобгарлик

Табиатдан махсус равишда фойдаланишни оқилона амалга оширганлик, атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизишини, ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол чиқиндиларини жойлаштиришини норматив ва лимитларда белгиланганидан кўпайтириб юборганлик учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ оширилган солиқ солиниши керак.

Тегишли ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг, табиатни муҳофаза қилиш идораларининг қарорига мувофиқ айтиб ўтилган қоидабузарликларнинг сабабларига барҳам берилгунга қадар юридик ва жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолиятини нуя билаш таъминлаш тұхтатиб қўйилиши мумкин.

51- м о д д а. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузиш оқибатида зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг жавобгарлиги

Корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг атроф табиий муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига етказилган зарарни қоплаш юзасидан чиқимдор бўлишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан моддий жавобгар бўладилар.

52-модда. Экология нуқтаи назаридан заарли фаолиятни тұхтатиш хусусидаги даъво талаблари

Юридик ва жисмоний шахслар атроф табиин мұхитта, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мұлкига, халқ хұжалигига зиён етказаёттган экология жиҳатидан заарлы фаолиятни тұхтатиш түғрисида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Суднинг экология нуқтаи назаридан заарлы фаолиятни тұхтатиш түғрисидаги қарори айтиб ўтилган фаолиятни пул билан таъминлашни тұхтатиш учун асос бўлади.

53-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартномалар

Башарти, Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномада ушбу Қонундагидан ёки Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа қонун ҳужжатидагидан ўзга қоидалар белгиланған булса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бирмунча қаттиқроқ талаблар белгиланған ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

**«ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ТҮГРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ
АМАЛГА ҚИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
КЕНГАШИННИНГ
1992 йил 9 декабрь**

ҚАРОРИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 39- модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi қарор
қилади:

1. «Табиатни муҳофаза қилиш түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.
2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси нинг амалдаги қонун ҳужжатлари «Табиатни муҳофаза қилиш түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирилгунга қадар уларнинг ушбу Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилаверади.

3. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси түғрисидаги низомга тегишли ўзгартиришлар киритишга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси уч ойлик муддат ичida Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi Раёсатига тақдим этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ойлик муддат ичida:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ни «Табиатни муҳофаза қилиш түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат комитетлари, идоралари, концернлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишиларини таъминласин;

табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари түғрисида ги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин:
— 1959 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш түғрисида»ги Қонун (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1959, № 12, 6- модда);

— «Узбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш ҳақидаги Қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»-ги Узбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1972 йил 26 октябрдаги Фармони (Узбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1972 йил, № 30, 316- модда);

— «Узбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш ҳақидаги Қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»-ги Узбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Фармонини тасдиқлаш ҳақида» Узбекистон Республикасининг 1972 йил 27 декабрь Қонуни (Узбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1972, йил, № 36, 370- модда);

— «Узбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш ҳақидаги Қонун»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Узбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1984 йил 1 март Фармони (Узбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1984, йил, № 7, 110-модда);

— «Узбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Узбекистон Республикасининг баъзи бир қонун актларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақида» 1984 йил 28 июнданги Узбекистон Республикаси Қонунининг «Узбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш ҳақидаги Қонун»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1984 йил 1 март Фармонини тасдиқлашга доир қисми (Узбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1984 йил, № 19, 281- модда).

**Узбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси**

Ш. ИУЛДОШЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ДАВЛАТ
МАДХИЯСИ ТУҒРИСИДА**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг
1992 йил 10 декабрь

ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 52-модда)

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадхиясининг матни ва мусиқавий таҳрири тасдиқлансан (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверентитининг рамзиdir.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхияси:

1) Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умумхалқ байрамларига бағишлиланган тантанали йигишилшлар ва мажлисларнинг очилиши ҳамда ёпилиши вақтида;

2) Янги йил кечаси Тошкент вақти билан соат 24 да республика телевидениеси ва республика радиоси орқали; Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умумхалқ байрамлари кунларида республика телевидениеси орқали — дастурларнинг бошланишида; ҳар куни Ўзбекистон радиоси республика ички радиоэшиттиришлар орқали дастурларнинг бошланиши ва тугалланниши олдидан;

3) Республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат ва ҳарбий арбоблар, ҳалқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар, шунингдек, монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншотларнинг очилиши вақтида;

4) давлат идоралари, корхоналар, музейлар ва жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини кўтариш чоғида;

5) расмий сафар билан Ўзбекистон Республикасига

ташиф буюрган хорижий мамлакатларнинг давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш вақтида — тегишли хорижий давлатнинг Давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин ижро этилади.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ушбу Қонун талабларига риоя этган ҳолда давлат идораларининг, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари раҳбарларининг қарорига биноан бошқа ҳолларда ҳам ижро этилиши мумкин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси оркестр, хор, ҳам оркестр, ҳам хор томонидан ёки ўзга вокал ва чолғу асбоблари билан ижро этилиши мумкин. Бунда овоз ёзиб олиш воситаларидан фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси вокал ҳамда вокал-чолғу асбоблари билан ижро этилган тақдирда тўлиқ ижро этилади, чолғу асбобларининг ўзида ижро этилган тақдирда эса мадҳия қисман ижро этилишига йўл қўйилади — ашуланинг бошланиши ва нақорат бир мартадан айтилади.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мадҳиянинг ушбу Қонун билан тасдиқланган матни ва мусиқавий таҳририга айнан мувофиқ ҳолда ижро этилмоғи лозим.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилган тақдирда ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб, эркаклар бош кийимини олган ҳолда ёки қўлини ҷаккасига қўйиб тинглайдилар.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини:

ҳарбий қисмларда, ҳарбий кемаларда ижро этиш, шунингдек мадҳия ижро этилаётган пайтда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий салом бериши — ҳарбий уставлар билан;

ички ишлар идораларида ижро этиш, шунингдек мадҳия ижро этилаётган пайтда ички ишлар идораларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибидан бўлган шахсларнинг салом бериши — Ўзбекистон Республикаси Иччи ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидалар билан;

ўқув юртларида ижро этиш — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ўз-

бекистон Республикаси Халқ таълимни вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан келишиб туриб белгилаб қўядиган қоидалар билан тартибга солинади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси манфаатдор ташкилотлар билан келишиб туриб белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

Халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш маросимини халқаро спорт ташкилотларнинг мавжуд амалиётини инобатга олган ҳолда белгиланади.

10-модда. Хорижий давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ўша мамлакат тажрибаси ва маҳаллий урф-одатларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

11-модда. Ички ишлар чдораларида, ўқув юртларида, спорт мусобақалари вақтида, шунингдек хорижий давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари тегишли тадбирлар ўтказган вақтда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш қоидалари ушбу Қонун талабларига асосланиб белгиланади.

12-модда. Ушбу Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориши давлат идораларининг, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларинишиг раҳбарлари зиммасига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини кўтариш вақтида ижро этиладиган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориши шарт бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар зиммасига ҳам юкланди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

**«УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ДАВЛАТ
МАДҲИЯСИ ТҮҒРИСИДА»ГИ УЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ
ХАҚИДА**

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
КЕНГАШИННИГ**

1992 йил 10 декабрь

ҚАРОРИ

**(Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 53- модда)**

Узбекистон Республикаси Олий Кенгashi қарор
қилиди:

1. Белгилаб қўйилсинки, ушбу Қонун билан тасдиқ-
ланган Узбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси
1992 йил 10 декабрдан ҳамма жойда ижро этилади.

2. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблан-
син:

Узбекистон Республикаси Олий Совети Раёсатининг
«Узбекистон Республикасининг Давлат гимни тўғриси-
да»ги 1978 йил 18 март Фармони (Узбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1978 йил, № 9,
134-модда; № 12, 227—229-бетлар);

Узбекистон Республикаси Олий Совети Раёсатининг
«Узбекистон Республикасининг Давлат гимни тўғриси-
даги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1985 йил 29 апрель
Фармони (Узбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1985 йил, № 13, 141- модда).

**Узбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси**

Ш. ИУЛДОШЕВ

Ўзбекистон Республикасининг
1992 йил 10 декабрдаги Қонуни
билин

ТАСДИҚЛАНГАН

Абдулла ОРИПОВ сўзи
Мутал БУРҲОНОВ мусиқаси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ
МАДХИЯСИ**

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга баҳт, наҗот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ ҳалқ қудрати жўш урган замон,
Оlamни маҳлиёй айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Хақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ ҳалқ қудрати жўш урган замон,
Оlamни маҳлиёй айлаган диёр!

МУНДАРИЖА

Узбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш тўғрисида Қонун	3
Узбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида Қонун Узбекистон Республикаси Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида Қонун	4
Ҳокимиятнинг конституциявий идораларини қўриқлаш тўғрисида Қонун	6
«Ҳокимиятнинг конституциявий идораларини қўриқлаш тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида Қарор	7
Ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида Қонун	15
«Ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида, Қарор	16
Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонун	40
«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Қарор	42
<u>Гаров тўғрисида Қонун</u>	<u>50</u>
«Гаров тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Қарор	52
Давлат божи тўғрисида Қонун	81
«Давлат божи тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тўғрисида Қарор	82
Патта тўлови тўғрисида Қонун	84
«Патта тўлови тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Қарор	95
Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ тўғрисида Қонун	97
«Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар, машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида. Қарор	98
Прокуратура тўғрисида Қонун	101
«Прокуратура тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тўғрисида Қарор	102
Узбекистон Республикаси Прокуратураси идоралари ходимларининг даражали маҳсус уйонлари тўғрисидаги Низомни ва Узбекистон Республикаси Прокуратураси идоралари ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобтарлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида Қарор	132
Узбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш ҳақида ҳамда Узбекистон Республикасининг Мәъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексида ва Узбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жарима миқдорларини қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби ҳақида Қонун	134
Узбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш ҳақида ҳамда Узбекистон Республикасининг Мәъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексида ва Узбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жарима миқдорларини қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби ҳақида Қонун	145
Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида Қонун	159
Узбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш ҳақида ҳамда Узбекистон Республикасининг Мәъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексида ва Узбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жарима миқдорларини қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби ҳақида Қонун	166

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурӣ ҳуқуқбузарлик тӯғрисидаги кодексининг айрим моддаларини қўлланиш тартиби тӯғрисида Қарор	178
Сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тӯғрисида Қонун	181
Сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни мажбуран даволаш тӯғрисида Қарор	194
Табиатни муҳофаза қилиш тӯғрисида Қонун	195
«Табиатни муҳофаза қилиш тӯғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Қарор	224
Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тӯғрисида Қонун	226
«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тӯғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида Қарор	229
Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси	230

Официальное издание
На узбекском языке

НОВЫЕ ЗАКОНЫ УЗБЕКИСТАНА

Принятые в одинадцатом сессии
Верховного Совета Республики Узбекистан
двенадцатого созыва

(8—10 декабря 1992 г.)

Муҳаррир *Д. Дўстжонова*
Рассом *А. Баҳромов*
Техник муҳаррир *Р. Қосимова*

Босмахонага 30.08.93 й. да. берилди. Босишига 16.12.93 й. да. рухсат этилди. Қоғоз бичими $84 \times 108^{1/32}$. Босма табори 7.25 п. л. Нашриёт ҳисобот табори 15.1. Шартли босма табори 12.2. 20.000 нусха. Буюртма 4355. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Адолат» нашриёти. 700047. Тошкент, Сайилтоҳ кўчаси, 5.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитаси Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмасининг 1-босмахонаси. 700002, Ташкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-йй.